O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA
VAZIRLIGI

БЮДЖЕТНОМА
2024-2026



Тошкент 2023 йил

МУНДАРИЖА

КИРИШ **2**

I. Асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг 2023 йилдаги кутилаётган ижроси ҳамда 2024–2026 йиллар учун прогнозлари **5**

1.1. Жаҳон иқтисодиётидаги макроиқтисодий тенденциялар **5**

1.2. Асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг 2023 йил охиригача кутилмалари **7**

1.3. 2024-2026 йиллар учун асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг прогнозлари ҳамда иқтисодий ўсишнинг асосий йўналишлари **12**

II. Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетининг 2023 йилдаги кутилаётган ижроси таҳлили **18**

2.1. Давлат бюджети даромадларининг 2023 йилда кутилаётган ижроси **18**

2.2. Давлат бюджети харажатларининг 2023 йилда кутилаётган ижроси **30**

2.3. Давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг 2023 йилги кутилаётган ижроси **37**

2.4. Консолидациялашган бюджетнинг 2023 йил учун даромадлари ва харажатларининг кутилаётган ижроси таҳлили **39**

III. Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетининг 2024 йил учун прогнози ва 2025-2026 йиллар учун мўлжаллари **40**

3.1. 2024–2026 йиллардаги солиқ ва божхона сиёсатининг асосий йўналишлари **41**

3.1.1. Давлат бюджети даромадларининг 2024 йилги прогнози ва 2025–2026 йиллар учун мўлжаллари 49

3.2. 2024–2026 йиллардаги бюджет сиёсати концепциясининг асосий йўналишлари **53**

3.2.1. Давлат бюджети харажатларининг 2024 йилги прогнози ва 2025–2026 йиллар учун мўлжаллари 57

3.3. Давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси даромадлари ва харажатларининг 2024 йил учун прогнози ва 2025–2026 йиллар учун мўлжаллари **91**

3.4. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари тушумлари ва харажатлари прогнозлари **96**

3.5. 2024 йил учун консолидациялашган бюджетининг жамланма параметрлари прогнози ҳамда 2025-2026 йиллар учун мўлжаллари **97**

3.6. Давлат қарзини бошқариш сиёсати **102**

3.7. Макро-фискал таваккалчиликлар таҳлили **105**

IV. Давлат молиясини бошқаришни такомиллаштириш бўйича амалга оширилиши режалаштирилган ислоҳотлар **108**

4.1. Давлат бюджети харажатларининг самарадорлик индикаторларини белгилаш **109**

4.2. Бюджет очиқлигини таъминлаш ҳамда бюджетни шакллантиришда фуқаролар иштирокини янада ошириш **112**

4.3. Харажатларни барқарор ривожланиш мақсадлари билан уйғунлаштириш **114**

4.3.1. “Яшил” иқтисодиётга ўтишга қаратилган ислоҳотлар 114

4.4. Давлат секторида ички назорат ва ички аудитни такомиллаштириш **120**

КИРИШ

Мамлакатни келгуси даврда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини назарда тутувчи ҳужжат ҳисобланадиган Бюджетнома Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига мувофиқ Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилди.

Бюджетнома ўрта муддатли давр учун макроиқтисодий кўрсаткичларнинг, Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджети даромадлари ва харажатлари ҳамда унинг тақчиллиги прогнозларини, тақчилликни молиялаштириш манбалари тўғрисидаги маълумотларни, солиқ-бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини, макро-фискал таваккалчиликлар ва давлат қарзи таҳлилини ўз ичига олган.

Шунингдек, Бюджетномада иқтисодиётни ривожлантириш ва давлат молиясини бошқаришни такомиллаштириш бўйича амалга оширилиши режалаштирилаётган ислоҳотлар, жумладан, бюджет харажатлари натижадорлигини ва самарадорлигини ошириш, бюджет очиқлигини таъминлаш, харажатларни барқарор ривожлантириш мақсадлари билан уйғунлаштириш, “яшил” иқтисодиёт ва бюджетлаштиришга ўтишга қаратилган ислоҳотлар ҳамда давлат секторида ички назорат ва ички аудитни такомиллаштириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар ёритилган.

Бюджетноманинг макроиқтисодий кўрсаткичлар бўлимида жаҳон ва Ўзбекистон иқтисодиётидаги макроиқтисодий тенденциялар, ташқи ва ички иқтисодий вазият туфайли келиб чиқиши мумкин бўлган макроиқтисодий таваккалчиликлар ва бошқа иқтисодий шоклар таҳлили ҳамда шундан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонни ўрта муддатда иқтисодий ривожлантириш сценарийлари, макроиқтисодий кўрсаткичларнинг 2023 йил учун кутилаётган ижроси ва 2024 – 2026 йиллар учун прогнозлари таҳлил қилинган.

Шу билан бирга, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва бошқа халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистон иқтисодиётидаги ўзгаришлар бўйича ҳисоботларида келтирилган тавсиялари, шунингдек, макроиқтисодий кўрсаткичларнинг миллий прогнозлари ўрганилган.

Жумладан, давом этаётган глобал сиёсий ва иқтисодий вазиятлар фонида Ўзбекистон иқтисодиётининг ўсиш суръати 2023-2024 йилларда 5,6-5,8 фоизни ташкил этиб, 2025 – 2026 йилларда мос равишда 6,2–6,4 фоизгача етиши прогноз қилинган.

Халқаро валюта жамғармасининг прогнозларига кўра, дунё бўйлаб марказий банклар томонидан инфляция ошишига қарши чораларнинг кўрилиши натижасида глобал инфляция даражаси 2022 йилги ўртача 8,7 фоиздан 2023 йилда 6,9 фоизгача ва 2024 йилда 5,8 фоизгача тушиши, бироқ пандемиядан олдинги даврдан (2017 – 2019 йиллардаги 3,5 фоиз) юқори даражада бўлиши кутилмоқда. Глобал инфляция даражасининг тушишига асосий омил сифатида

жаҳон бозоридаги озиқ-овқат ва бошқа турдаги асосий товарларнинг нархларида пасайиш кузатилаётгани билан изоҳланган.

Юқоридагилар натижасида Ўзбекистонда инфляция даражаси 2022 йилдаги 12,3 фоиздан 2023 йилда 9,0 фоиз атрофигача тушиши кутилмоқда.

Иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг 2023 йилги кутилаётган ижросининг, шу жумладан Давлат бюджети даромадларининг даромад турлари бўйича, харажатларининг соҳалар ва иқтисодий таснифи бўйича ижроси таҳлили, кейинги йилларда солиқ-бюджет сиёсатида амалга оширилган ислоҳотлар тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Ташқи иқтисодий ва сиёсий вазиятнинг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсири ва уни юмшатиш мақсадида бизнесга берилаётган имтиёз ва преференцияларга қарамасдан, Ўзбекистоннинг асосий экспорт товарлари ҳисобланадиган олтин, мис ва табиий газ нархларининг дунё бозорида барқарор қолишига ва кейинги йилларда солиқ маъмурчилиги кучайтирилиши натижасида бюджет даромадлари 2023 йилда кутилаётган ижроси тасдиқланган прогнозга нисбатан 993,0 млрд сўмга кўп бажарилиши кутилмоқда.

Глобал иқтисодий ноаниқликлар оқибатида Ўзбекистоннинг ташқи савдо операцияларидаги узилишлар, асосий истеъмол товарларининг нархлари ошиши билан мамлакат ичида юзага келаётган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф этиш ҳамда аҳолининг тўлов қобилияти барқарорлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Шулардан келиб чиқиб, 2023 йилги консолидациялашган бюджет кўрсаткичлари, жумладан, Давлат бюджети харажатлари қайта кўриб чиқилиб, харажатлар йил охиригача 9,5 фоизга ошиши, консолидациялашган бюджет тақчиллиги ялпи ички маҳсулотга нисбатан 5,5 фоиз атрофида бўлиши кутилмоқда.

Кейинги бўлим 2024 – 2026 йилларга мўлжалланган фискал сиёсатнинг асосий йўналишлари, консолидациялашган бюджет даромадлари ва харажатларининг ўрта муддатли давр учун прогнозлари, 2024 – 2025 йиллар учун бюджет мўлжалларининг асосий фарқи ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари, давлат дастурларини молиялаштириш учун ажратиладиган харажатлар, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари даромадлари ва харажатлари таҳлили, давлат қарзи таҳлили, макро-фискал таваккалчиликлар таҳлили, Давлат бюджети харажатларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши таҳлили ва бошқаларни ўз ичига олган.

2024 йилда консолидациялашган бюджет даромадлари прогнози 375,0 трлн сўм, харажатлари прогнози 427,5 трлн сўм миқдорида, **консолидациялашган бюджет – умумий фискал баланси** ялпи ички маҳсулотга нисбатан **4,0 фоиз** миқдорида тақчиллик билан режалаштирилмоқда.

Узоқ муддатли даврда макроиқтисодий ва бюджет барқарорлигига эришиш учун тақчилликни **ўрта муддатли даврда ўртача 3 фоиздан** ошмаслигини таъминлаш, бунинг учун бюджет маблағларини мақбуллаштириш, даромадлар базасини кенгайтириш, самарасиз солиқ имтиёзлари ва преференцияларини бекор қилиш орқали тақчиллик миқдорини босқичма-босқич пасайтириб бориш зарур бўлади.

2024 йилда бюджет тақчиллигининг юқори чегараси 4 фоиз этиб белгиланиши сабабли инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун жалб қилинадиган ташқи қарз миқдори сақланиб қолиниб, тақчилликни қоплаш учун жалб қилинадиган қисмини оширган ҳолда жалб қилинадиган ташқи қарзнинг чекланган ҳажмини **5,0 млрд АҚШ доллари** миқдорида, шундан **2,5 млрд АҚШ доллари** Давлат бюджетини қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, бюджет тақчиллигини молиялаштиришга, қолган қисми инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириш белгиланмоқда.

Шу билан бирга, давлат қарзи портфелини диверсификация қилиш ҳамда валюта хатарларини камайтириш мақсадида 2024 йилда Ўзбекистон Республикаси номидан чиқариладиган давлат қимматли қоғозларининг чекланган соф ҳажмини 25 трлн сўм (2023 йилда 17 трлн сўм) миқдорида белгилаш таклиф этилмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётини прогноз кўрсаткичлари доирасида ўсишини таъминлаш учун макроиқтисодий ва бюджет барқарорлигини таъминлашга қаратилган ташқи ва ички таъсирларга мослашувчан фискал сиёсат олиб борилади.

Бунда давлат қарзини макроиқтисодий барқарорлик учун хавфсиз даражада ушлаб туриш, консолидациялашган бюджет тақчиллигини тасдиқланган прогноздан оширмаслик, макро-фискал таваккалчиликларни баҳолаш тизимини такомиллаштириш, консолидациялашган бюджет қамровининг тўлиқлигини таъминлаш, бюджетнинг жараёнининг барча босқичларида очиқликни таъминлаш ва шу каби бошқа истиқболли йўналишлар амалга оширилиши керак бўлади.

Сўнгги бўлимда давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилиши режалаштирилган ислоҳотлар, жумладан, бюджет маблағлари самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш, бунда Дастурий бюджетлаштириш тизимига ўтиш, бюджет очиқлигини таъминлаш бўйича амалга оширилган ва режалаштирилаётган ислоҳотлар, бюджет харажатларини миллий барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича маркировка қилиш ва бошқалар бўйича маълумотлар келтирилган.

I. Асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг 2023 йилда кутилаётган ижроси ҳамда 2024–2026 йиллар учун прогнозлари

Қисқача шарҳ

Халқаро валюта жамғармаси томонидан эълон қилинган ҳисоботларга кўра 2022 йилда дунё мамлакатлари иқтисодиётларида ижобий ўзгаришлар қайд этилган бўлсада, геосиёсий зиддиятлар туфайли юзага келган жаҳон савдосидаги узилишлар глобал иқтисодий ўсишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шунга қарамасдан, Марказий Осиё ва Кавказ минтақасида, жумладан, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Озарбайжон давлатларида иқтисодий ўсиш тендецияси сақланиб қолаётган бўлса, минтақадаги қолган давлатлар ва асосий савдо ҳамкор мамлакатларнинг аксариятида иқтисодий ўсиш суръатлари секинлашиши кутилмоқда.

Республикамизда иқтисодий ўсиш таркибий ислоҳотларни изчил давом эттирилиши, шунингдек, фискал ва монетар сиёсатнинг ўзаро мувозанатли юритилиши орқали макроиқтисодий барқарорликни таъминланиши ҳисобига эришилмоқда.

Прогнозларга кўра 2023-2024 йилларда Ўзбекистон иқтисодиёти 5,6-5,8 фоиз доирасида, 2025-2026 йилларда мос равишда 6,2 ва 6,4 фоизгача ўсиши кутилмоқда. Бунда, 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулотни 4 минг АҚШ долларга етказиш бўйича белгиланган мақсадидан келиб чиқиб прогноз қилинган.

Бунинг учун кейинги йилларда дунёда кузатилаётган иқтисодий ва сиёсий ноаниқликлар қарамасдан Ўзбекистоннинг барқарор ўсишини таъминлаш мақсадида:

- инсон капиталини ривожлантириш;
- энергия ресурслари бозорини ислоҳ қилиш;
- корхоналарни хусусийлаштириш ва трансформация қилишни жадаллаштириш;
- табиий ресурслардан, хусусан сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириш;
- ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришда давлат-хусусий шериклиги асосидаги лойиҳаларидан фойдаланишни кенгайтириш чоралари кўзда тутилмоқда.

1.1. Жаҳон иқтисодиётидаги макроиқтисодий тенденциялар

Халқаро валюта жамғармасининг 2023 йил октябрь ойи ҳисоботига кўра, жахон иқтисодиётида юқори глобал инфляцион шароитда қатъий монетар сиёсатнинг давом эттирилиши, шунингдек, бир қатор мамлакатларда давлат қарзи юкини қисқартириш мақсадида фискал консолидациялашувни амалга ошириши натижасида кейинги йилда иқтисодий ўсиш суръатлари секинлашиш кутилмоқда.

Хусусан, мазкур хисоботга кўра 2023 йилда жаҳон иқтисодиёти **3,0 фоиз**дан, 2024 йилда **2,9 фоиз**га, ривожланган давлатлар иқтисодиёти эса мос равишда **1,5 фоиз**дан, **1,4 фоиз**га секинлашмоқда.

Ривожланаётган давлатлар иқтисодиётида жорий йилдаги **4 фоиз**лик иқтисодий ўсиш сураъти сақланиб қолинаётган бўлсада, мамлакатимизнинг асосий савдо ҳамкорлари жумладан, Россия иқтисодиёти 2023 йилда **2,2 фоиз**дан 2024 йилда **1,1 фоиз**га, Хитой **5,0 фоиз**дан **4,2 фоиз**га, Туркия иқтисодиёти **4,0 фоиз**дан **3,0 фоиз**га ҳамда Қозоғистон **4,6 фоиз**дан **4,2 фоиз**га секинлашиши прогноз қилинмоқда.

1-жадвал. 2023-2024 йилларда Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банкининг минтақадаги ва асосий савдо ҳамкор давлатлар учун иқтисодий ўсиш прогнозлари, *фоизда*

	Халқаро валюта жамғармаси		**Жаҳон банки**	
	2023 йил	**2024 йил**	**2023 йил**	**2024 йил**
Жахон иқтисодиёти	3,0	2,9	2,5	2,1
Россия	2,2	1,1	1,6	1,3
Хитой	5,0	4,2	5,1	4,6
Туркия	4,0	3,0	4,2	3,1
Қозоғистон	4,6	4,2	4,5	4,3
Қирғизистон	3,4	4,3	3,5	4,0
Тожикистон	6,5	5,0	6,5	5,0
Озарбайжон	2,5	2,5	1,5	2,4
Грузия	6,2	4,8	5,9	4,8

Манба: *Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банкининг 2023 йил октябрь ойидаги ҳисоботлари.*

2023 йилги халқаро молия ташкилотлари томонидан тайёрланган Ўзбекистоннинг иқтисодий ўсиш прогнозларига кўра 2023 йилда ялпи ички маҳсулот ўсиши 5,5 фоиз атрофида ва 2024 йилга бориб ушбу кўрсаткич 5,5-5,6 фоизлар атрофида бўлиши кутилмоқда *(2-жадвал)*.

2-жадвал. Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг ўсиш суръати, *фоизда*

	2023 йил	**2024 йил**	**2025 йил**	**2026 йил**
Халқаро валюта жамғармаси *(2023 йил октябрь)*	5,5	5,5	x	x
Жаҳон банки *(2023 йил октябрь)*	5,5	5,6	5,8	x
Осиё тараққиёт банки *(2023 йил апрель)*	5,5	5,5	x	x
Миллий прогнозлар	***5,6-5,8***	***5,6-5,8***	***6,2***	***6,4***

1.2. Асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг 2023 йил охиригача кутилмалари

Сўнгги 4 йилда глобал иқтисодиётда кузатилаётган мураккаб вазиятга қарамасдан мамлакатни ривожлантириш стратегияларидаги иқтисодиётни эркинлаштиришга қаратилган ислоҳотларни амалга оширилаётгани ҳамда тармоқ, соҳа ва ҳудудларни ривожлантиришга йўналтирилган дастурларнинг амалга оширилиши натижасида 2023 йилда ҳам барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига *(5,6-5,8 фоиз)* эришиш кутилмоқда. Бунда:

а) Иқтисодиётни молиялаштириш ва талабни шакллантирувчи омиллар *(талаб омили)*

- жорий йил якунида консолидациялашган бюджет харажатлари ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **18,4 фоиз**га *(жами 380,9 трлн сўм)* ошиб, иқтисодий ўсишни рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилиши кутилмоқда;
- аҳолининг умумий даромадлари **16-17 фоиз**га ўсиши натижасида истеъмол **7,2 фоиз**га ошиши кутилмоқда *(ялпи ички маҳсулот ўсишининг 4,5 фоиз банди)*.

Аҳоли даромадлари асосан, ўртача ҳисобланган ойлик иш ҳақи миқдорининг **18-20 фоиз**га ва иқтисодиёт тармоқларининг қўшилган қийматининг **5,6 фоиз**га ўсиши ҳамда пул ўтказмалари ҳажми ўсиши базавий тренд доирасида қолиши ҳисобига эришилади.

Маълумот учун: 2023 йилнинг 9 ойида аҳоли умумий даромадлари 14,3 фоизга, ўртача иш ҳақи 18,1 фоизга ошиб, пул ўтказмалари 8,4 млрд АҚШ долларни ташкил этди.

Бу ўз навбатида чакана савдо айланмасини ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 7 фоизга ошишига олиб келиб, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра 9 ойликда уй хўжаликлари истеъмоли 6,5-7 фоизга ўсиши баҳоланмоқда.

- асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар **335 трлн сўм**ни ташкил этиши ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **8,5 фоиз**га ошиши кутилмоқда.

Бунда, инвестицияларнинг ўсиши асосан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар *(11,2 фоиз)*, корхона маблағлари *(5,4 фоиз)*, тижорат банклари кредитлари *(21,9 фоиз)* ва кафолатланган кредитлар *(29,7 фоиз)* манбалардан ўзлаштирилган маблағлар ҳисобига эришилади.

Шу билан бирга, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар **4,7 млрд АҚШ долларни** ташкил этиши, шундан қарийиб **2 млрд АҚШ доллар** давлат-хусусий шериклиги (ДХШ) шартлари асосидаги лойиҳалар ҳисобига ўзлаштирилиши кутилмоқда.

Маълумот учун: *2023 йилнинг 9 ойида, асосий капиталга ўзлатирилган инвестициялар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **11,8 фоиз**га тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар эса **47,2 фоиз**га ошган.*

*Шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг **26 фоиз**ини ДХШ шартлари асосидаги лойиҳалар ташкил этган.*


- экспорт ҳажми **22,2 фоиз**га, бунда олтинсиз товар ва хизматлар экспорти **8,8 фоиз**га ўсиши кутилмоқда.

б) Тармоқ ва соҳаларнинг иқтисодий ўсишга қўшган ҳиссаси *(таклиф омили)*


Тармоқлар кесимида иқтисодий ўсишнинг асосий драйвери бозор хизматлар соҳаси бўлиб, унинг ўсиш суръати **13 фоизни** ташкил этиши, шунингдек, саноат **5,5-6 фоиз**га, қурилиш ишлари **6 фоиз**га ва қишлоқ хўжалиги **3,7 фоиз**га ўсиши кутилмоқда.

1-расм. Иқтисодий ўсишнинг таклиф омиллари

i) Иқтисодий ўсишга тармоқ ва соҳаларнинг қўшган ҳиссаси, *фоиз банд*



ii) 2023 йилда тармоқ ва соҳалар ўсиш суръатларининг кутилмалари, *фоизда*



<u>Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш</u>

2023 йилда **648 трлн сўмлик саноат маҳсулотлари** ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **5,5-6 фоизга** ўсиши кутилмоқда.

Бунда асосан, нефть маҳсулотларининг – **29 фоиз**га, кийим-кечак – **10,5 фоиз**га, автомобилсозлик саноати – **14,4 фоиз**га, қурилиш моллари – **12,8 фоиз**га, тўқимачилик маҳсулотлари – **7,5 фоиз**га ва мебель ишлаб чиқариш – **7,4 фоиз**га ошиши ўсишнинг асосий омиллари бўлиши кутилмоқда.

Энг асосийси, иқтисодий ўсиш барқарорлигини таъминлаш учун иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолини **зарур энергия манбаалари билан таъминлаш** муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади.

Жумладан, 2023 йилда аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларида табиий газнинг жами истеъмоли **4,3 фоиз**га, электр энергияси истеъмоли эса **8,5 фоиз**га ошиши кутилмоқда.

Хусусан, 2022 йилда ишга туширилган **6 та** ИЭС *(ДХШ асосида)* ва **1 та** фотоэлектрик станцияси *(7 та станциянинг жами қуввати – 1,5 ГВт)* ҳамда 2023 йилда ишга тушириладиган ДХШ асосидаги **5 та** қуёш ва шамол электр станциялари ва **1 та** ИЭС *(жами қувват – 2,7 ГВт)* ҳисобига таъминланиб, электр энергиясини ишлаб чиқариш ҳажми **80,4 млрд кВт** соатга *(ўсиш – 8,1 фоиз)* етиши кутилмоқда.

Бунда, давлат хусусий шериклик асосидаги электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми **13,5 млрд кВт соатга** етказилади *(ўсиш – 2,3 баробар)*.

Бундан ташқари, тармоқда қуйидаги **йирик лойиҳалар ишга туширилиши** ҳам саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини ўсишини рағбатлантирувчи омил бўлиши кутилмоқда. Жумладан:

- Uzbekistan GTL МЧЖнинг ишга туширилиши*;*
- “Навоий КМК”да 6-Гидрометаллургия заводининг 1-босқичи ҳамда 5-Гидрометаллургия заводида янги қувватларнинг ишга туширилиши;
- Енгил автомобиллар ишлаб чиқариш ҳажмининг ошириш;
- Цемент ишлаб чиқариш қувватлари **5,0 млн** тоннага ортиб, жами **31 млн тонна**га етиши кутилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги

Жорий йилда **428 трлн сўмлик** қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши ҳамда 2022 йилга нисбатан **3,7 фоизга** ўсиши кутилмоқда.

Бунда, тармоқ ўсишининг асосий омиллари сифатида **деҳқончилик** маҳсулотларининг **4,0 фоиз**га *(унда дон ишлаб чиқариш – 4,2 фоиз, мева – 5,5 фоиз, полиз – 5,1 фоиз ва узум – 5 фоиз)* ўсиши, **чорвачилик** маҳсулотлари эса **3,5 фоиз**га *(унда сут – 3,9 фоиз, гўшт (тирик вазнда) – 3,4 фоиз ва тухум – 3,0 фоиз)* ўсиши кутилмоқда.

Шу билан бир қаторда тармоқда олиб борилаётган таркибий ўзгаришлар ҳам ишлаб чиқариш ҳажмларини ўсишига хизмат қилмоқда. Хусусан:

- 2022-2023 йилларда жами **193 минг** гектар ер майдонларининг аҳолига ижарага берилиши ҳисобига қўшимча **2,5-3 млн тонна** қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилиши;
- 2023 йилда қўшимча **100 минг** гектар ер майдонларда сув тежовчи технологиялар жорий этилиши *(сув тежовчи технологиялар жорий этилган ер майдонлари улуши 28 фоиз)* тармоқда ҳосилдорликни **10-15 фоиз**га оширилиши;
- 2022 йилда фойдаланишга топширилган **2 031 та** чорвачилик лойиҳаларининг қўшимча гўшт ва сут маҳсулотларини етиштирилиши кутилмоқда.

Бозор хизматлари:

2023 йилда **450 трлн сўмлик** бозор хизматлари кўрсатилиб, 2022 йилга нисбатан **13 фоиз**га ўсиши кутилмоқда.

Бунда юқори ўсиш суръатлари асосан, алоқа ва ахборотлаштириш *(24,6 фоиз)*, таълим *(24,8 фоиз)*, молия *(19,0 фоиз)*, савдо *(10,5 фоиз)* ва транспорт соҳасидаги *(8,5 фоиз)* хизматлар ҳисобига таъминланади.

Хизматлар соҳалардаги юқори ўсишни **рағбатлантирувчи омиллар** бўлиб қуйидагилар ҳисобланиши кутилмоқда:

• **алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари** соҳасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 августдаги “2022-2023 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда **“бир миллион дастурчи”** лойиҳаси амалга оширилиши натижасида IT хизматлар кўрсатувчи корхоналар сони ва унинг экспорти ҳажми сезиларли ошди.

Маълумот учун: 2023 йилнинг 9 ойида ахборот хизматлари экспорти 2022 йилга нисбатан 1,7 баробарга ошиб, 261 млн АҚШ долларга етган бўлса, 2023 йил якуни билан 335 млн АҚШ долларга етиши кутилмоқда.

Шу билан бирга, йил якунига қадар IT соҳасида ёшларни иш билан таъминлаш ҳамда мактаб ўқувчиларини халқаро IT бозорида талаб юқори бўлган касбларга ўргатиш ҳисобига 50 минг нафарга, шунингдек IT-Парк резидентлари сонини 1 515 га етказилиши кутилмоқда.

• **молиявий хизматлар** соҳасида тижорат банклар томонидан иқтисодиётга ажратилган кредитларнинг юқори суръатларда ўсиши муҳим омиллардан бири бўлиб қолмоқда.

Маълумот учун: 2023 йилнинг 9 ойида иқтисодиётда жами кредит қолдиғи 2022 йилнинг мос даврига нисбатан 24 фоизга ортиб, 451,6 трлн сўмни ташкил қилди.

• **Таълим хизматлари** соҳасида таълим ривожлантириш ва сифатини ошириш, соҳага хусусий секторни жалб қилишни жумладан, давлат-хусусий шериклиги асосида қўллаб-қувватлашга қаратилган қарорларини амалга оширилиши натижасида 2023 йилнинг 9 ойида таълим хизматларини ўсиши **23,5 фоизни** ташкил этиб, йил якунига қадар **24,8 фоизга** етиши кутилмоқда.

*Шунингдек 2023 йил якунига қадар янги нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари сонини **1 600 тага** етказилиши кутилмоқда.*

• **транспорт хизматлари** соҳасида:

i) Тошкент шаҳри жамоат транспорти учун жами **1 000** та *(унда 200 та 18 метрли, 500 та 12 метрли табиий газда ишлайдиган автобуслар ҳамда 300 та 12 метрли электробуслар)*, Нукус шаҳри ва вилоят марказлари жамоат транспорти учун жами **1000 та** табиий газда ишлайдиган автобусларни харид қилиниши 2023 йил 9 ойда шаҳар йўловчи ташиш ҳажмининг **24 фоизга** ўсишига олиб келди.

ii) ҳаво транспорти соҳасини ислоҳ қилиниши, республикада авиация хизматларини янада диверсификация қилинишига, шунингдек, рақобат асосида янги авиация хизматлари кўрсатувчи субъектларнинг вужудга келишига замин яратди.

Маълумот учун: 2023 йил 9 ой якунига келиб, республикада 14 та резидент авиакомпаниялар мавжуд бўлиб, шулардан 11 таси хусусий авиакомпаниялар ҳисобланади, жумладан, Qanot Sharq, Panorama Airways, Sayohat Air Group, Tashkent Air, My Freighter, Asia Union Airlines, Humo Air, Air Tashkent, Шарк-Авиа, Агро – Парвоз, Uz Aero Tech Group ташкил этилган.

Миллий авиация паркини кенгайтириш мақсадида, 2023 йил январь-июлда “Uzbekistan Airways” АЖ ҳамда хусусий авиакомпаниялар томонидан жами 21 та самолёт келтирилди.

Бугунги кунда, авиакомпаниялари томонидан 12 та маҳаллий йўналишда ҳафтасига 97 та мунтазам авиақатнов ҳамда халқаро йўналишларда 26 та давлатга 154 та йўналишда ҳафтасига 450 та авиақатнов амалга оширилмоқда.

Натижада 2023 йилнинг 9 ойида ҳаво транспортида йўловчи ташиш айланмаси ҳажми 29,8 фоизга ўсди.

Туризм ва савдо хизматлари соҳасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг тегишли қарори билан туризм ҳамда савдо хизматлари қамровини кенгайтириш, туризм хизматларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерларни ва йўл бўйидаги объекларда аукцион савдолари орқали савдо объектларни ташкил этиш бўйича чораларни кўрилиши ҳисобига туризм хизматлари экспорти 2023 йил якуни билан илк маротаба **2 млрд АҚШ доллар**дан ошиши ҳамда савдо хизматларининг **10,5 фоиз**га ўсиши кутилмоқда.

Маълумот учун: *2023 йилнинг 9 ойида туризм хизматлари экспорти ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,5 баробарга ошиб, унинг ҳажми 1,6 млрд АҚШ долларни ҳамда ушбу даврда савдо хизматларининг ўсиши суръати 9 фоизни ташкил этди.*

Шу билан бирга, 2023 йил якунига қадар, i) ўрта ва йирик шаҳарлар ҳамда аҳолиси **300 мингдан** кўп бўлган туманларда **10 минг**та ii) махсус хизмат кўрсатиш кўчаларига айлантириладиган марказий кўчаларда **665 та,** iii) “Янги Ўзбекистон” массивларида ва халқаро автомобиль йўллари бўйида **950 та** савдо ва сервис объектларни ташкил этиш чоралари кўрилади.

1.3. 2024-2026 йиллар учун асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг прогнозлари ҳамда иқтисодий ўсишнинг асосий йўналишлари

2024-2026 йилларга мўлжалланган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози “Ўзбекистон – 2030” Стратегиясида белгиланган вазифа ва мақсадлардан келиб чиқилган бўлиб, бунда:

2030 йилга қадар иқтисодиёт ҳажмини 2 баробар ошириш ва “даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар” қаторига кириш учун ялпи ички маҳсулот ҳажмини 160 миллиард АҚШ долларга ва аҳоли жон бошига даромадларни 4 минг долларга етказиш;

келгуси 7 йилда асосий капиталга **250 млрд АҚШ доллар**дан ортиқ инвестицияларни ўзлаштириш ва унда **110 млрд АҚШ доллар**дан ортиқ хорижий инвестицияларни жалб қилиш, 2030 йилга бориб йиллик экспорт ҳажмини эса **45 млрд АҚШ доллар**га етказиш;

Давлат қарзини ялпи ички маҳсулотга нисбатан **50 фоиз**дан оширмаслик вазифасини таъминлаш;

Шу билан бирга, халқаро молия ташкилотлар томонидан ўрта муддатли истиқболда ташқи чеклов ва хатарларнинг сақланиб қолиши кутилмоқда. Хусусан:

асосий ҳамкор мамлакатлар **иқтисодий ўсишининг секинлашиш** натижасида ташқи талабнинг қисқариши;

асосий **экспорт товарлар нархининг юқори ўзгарувчанлигининг сақланиб** қолиши;

йирик мамлакатлар марказий банклари томонидан **фоиз ставкаларнинг ошириши** натижасида халқаро молия бозорида **қарз маблағларнинг қимматлашувининг** давом этиши;

глобал геосиёсий вазиятнинг мураккаблашиши шароитида ўрта муддатли истиқболда иқтисодий ривожланиш трендидаги **юқори ноаниқликларнинг сақланиб қолиши** ва бошқалар.

Шундан келиб чиқиб, иқтисодий ўсиш суръатларини 2024 йилда **5,6-5,8 фоиз**, 2025 йилда **6,2 фоиз** ва 2026 йилда **6,4 фоиз** даражасида таъминлаш орқали аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот 2024 йилда **2 698 АҚШ доллар**дан 2026 йилга бориб **3 055 АҚШ доллар**га етказиш прогноз қилинмоқда.

Бунда, 2024 йилда саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми **6 фоиз**га, қурилиш ишлари – **6,3 фоиз**, қишлоқ хўжалиги – **4 фоиз**га ва бозор хизматлари – **14,9 фоиз**га ўсиши прогноз қилинмоқда.

Шу билан бирга, макроиқтисодий ва фискал буферлар барқарорлигини таъминлаш учун 2024 йилда асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмини **6,1 фоиз**га *(411,5 трлн сўм)*, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни **36 фоиз**га *(6,8 млрд долл)* ва олтинсиз экспорт ҳажмини **15 фоиз**га оширишни талаб этади.

3-жадвал. Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнозлари

	2022 йил	2023 йил	2024 йил	2025 йил	2026 йил
Ялпи ички маҳсулот, *млрд сўм*	**888 342**	**1 061 184**	**1 301 759**	**1 540 547**	**1 725 969**
Ялпи ички маҳсулот ўсиш суръати, *фоизда*	**5,7**	**5,6-5,8**	**5,6-5,8**	**6,2**	**6,4**
Аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот ҳажми, *АҚШ доллари*.	**2 254**	**2 449**	**2 698**	**2 950**	**3 055**
Саноат, млрд сум	**551 051**	**647 932**	**782 710**	**972 107**	**1 174 017**
ўсиш суръати, фоизда	*5,2*	*5,5-6*	*6,0*	*7,6*	*7,5*
Қурилиш, *млрд сўм*	**130 767**	**157 493**	**188 342**	**223 506**	**261 236**
ўсиш суръати, фоизда	*6,6*	*6,0*	*6,3*	*7,2*	*7,3*
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжаликлари, млрд сўм	**364 523**	**428 289**	**488 397**	**547 251**	**611 166**
ўсиш суръати, фоизда	*3,6*	*3,7*	*4,0*	*4,1*	*4,1*
Бозор хизматлари, *млрд сўм*	**357 555**	**450 437**	**580 532**	**711 011**	**896 775**
ўсиш суръати, фоизда	*15,9*	*13,0*	*14,9*	*14,0*	*14,9*

Манба: Иқтисодиёт ва молия вазирлиги.

Шу билан бир қаторда ушбу прогнозларда қуйидаги асосий йўналишларда ислоҳотларни амалга оширилиши ҳам инобатга олинган. Жумладан:

Биринчи йўналиш – иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларини барқарор ривожланиши учун зарурий шароит яратиш.


Бунда энг аввал иқтисодиёт асосий тармоқ бозорларини эркинлаштиришга қартилган ислоҳотларни якунига етказиш.

Хусусан, иқтисодий ўсиш ва аҳолини зарурий энергетика ресурслари билан таъминлаш учун 2024 йилда **87,5 млрд кВт** электр энергияси ва **63 млрд метр куб** табиий газ талаб этилади.

Бунинг учун, энергетика ресурслари бозорини шакллантириш орқали тармоқ корхоналарини инвестицион жозибадорлигини оширишга қаратилган чораларни амалга ошириш ҳамда энергия ресурсларини етказиш ва тақсимлаш тизимига хусусий сектор иштирокини ошириш учун зарур шароитлар яратилади.

Шу билан бирга, корхоналарда **халқаро рейтинг**га эга бўлиши ва молиявий **халқаро ҳисоботларни стандартлари**га тўлиқ ўтказиш, кузатув кенгашларида мустақил аъзолар сонини **5 фоиз**дан **30 фоиз**га етказиш ҳамда давлат корхоналарини хусусийлаштириш чоралари кўрилади.

Иккинчи йўналиш – 2024 йилда саноат тармоғида ишлаб чиқариш ҳажмини 6 фоизга *(783 трлн сўм)* ошириш учун ўтган йилларда бошланган 319 та йирик лойиҳаларни ўз вақтида ишга туширишни талаб этади. Хусусан:



2-расм. Саноатнинг ўсиш прогнози, *фоизда*

а) металургия соҳасида **“Олмалиқ КМК”да 3-сонли мисни бойитиш фабрикасини** ишга тушириш;

б) энергетика соҳасида Сирдарё вилоятида **1 500 МВт**, Сурхондарё вилоятида **1 560 МВт** иссиқлик электр станцияларини ҳамда **2 ГВт**лик **8 та қуёш** ва **1 та** шамол электр станцияларини ишга туширилиши;

в) машинасозлик соҳасида 2024 йилнинг II ярмида янги **“BYD Uzbekistan Factory” МЧЖ ҚК**ни ишга туширилиши орқали **электромобиллар** ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;

г) электротехника саноатида қиймати **6,3 млн АҚШ долла**рлик **2 та** мавжуд қувватларни модернизация, техник ва технологик қайта жихозлаш лойиҳаси ва **10 та** умумий қиймати **39,7 млн АҚШ долла**рлик янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширилиши;

д) қурилиш материаллари саноатида “Ориент Керамик” МЧЖда қуввати **9 млн кв.м** керамик плитка ва керамогранит, “Petrawool” МЧЖ ҚКда қуввати **30 минг** тонна базальтдан минерал плиталар, “Fiber glass composite” МЧЖда қуввати **130 минг** дона босимли ва босимсиз хризотилцементли қувурлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйилиши;

е) тўқимачилик ва текстил саноатида 2023 йил якунида ва 2024 йилнинг I чорагида умумий қиймати **913 млн АҚШ долла**ри бўлган йирик **74 та** лойиҳаларни ишга туширилиши;

ж) саноатда маҳсулот таннархини камайтириш ҳамда молиявий барқарорликни ва операцион самарадорликни ошириш ҳамда энергия самарадорликни **10 фоиз**га ошириш бўйича чораларнинг кўрилиши;

Учинчи йўналиш – қишлоқ ва сув хўжалиги тармоғида унумдорликни оширишга қаратилган ислоҳотларни давом эттириш ва соҳадаги муаммоларни бартараф этиш чораларини амалга ошириш орқали, ҳудудларнинг салоҳиятини инобатга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги ўсиш суръатини 2024 йилда **4 фоиз**га *(488 трлн сўм)*, кейинги йилларда **4,5-5 фоиз** даражасигача етказиш бўйича чораларни амалга ошириш талаб этилади.

Хусусан, 2024 йилда тармоғидаги ўсишнинг асосий омили бўлиб деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш **4,0 фоиз**га *(унда мева – 6,1 фоиз, дон – 5,0 фоиз, узум – 4,8 фоиз ва картошка – 4,3 фоиз)* ва чорвачилик маҳсулотлари **3,9 фоиз**га *(унда сут – 4,5 фоиз, тухум – 3,8 фоиз, гўшт (тирик вазнда) – 3,4 фоиз)* ўсиши ҳисобига таъминланиши прогноз қилинмоқда.

Шу билан бирга, тармоқда иқтисодий ўсишни таъминлаш учун (i) замонавий ресурс тежамкор технологияларни жорий этишни, (ii) биологик эскирган навлар ўрнига иқлим ўзгаришига мос ҳосилдорлиги юқори янги навларни кенгайтириш, (iii) ирригация тизимида сув ҳисоб-китоб тизимини рақамлаштиришни йўлга қўйиш ҳамда сув йўқотишларининг олдини олиш учун каналларни бетонлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилади.

Шунингдек, тармоқда қабул қилинган дастурлар асосида 2024 йилда:

- пахтада **8 та** ва ғаллада **12 та** янги тезпишар, серҳосил навларни танлаш ва жойлаштириш, пахта ва ғалла майдонларининг **40-50 фоизи**да замонавий ресурс тежамкор технологияларни жорий этиш ҳисобига пахтада ҳосилдорликни ўртача **5-6 фоизга** ошириш чоралари кўрилади;

- сабзавотчиликда **30 минг** гектарда интенсив усулда маҳсулот етиштириш ҳамда ғалладан бўшаган **780 минг** гектар экин майдонларида такрорий экинларни экиш тадбирлари амалга оширилади;

- ҳудудларда **2,5 млн** тонна қувватга эга бўлган **100 та** янги агрологистика марказлари фаолиятини йўлга қўйиш ва уларнинг экспорт салоҳиятини **1 млрд АҚШ долларг**а етказилади;

- чорвачилик учун озуқа майдонини **430 минг** гектарга етказиш ва чорвачиликда **2 000 та** ва паррандачиликда **260 та** лойиҳалар амалга ошириш чоралари кўрилади.

Бундан ташқари, **суғориш тизимини ривожлантириш** ва чекланган сув ресурсларини иқтисод қилиш чора-тадбирлари амалга ошириш доирасида 2024 йилда суғориш тизимини тиклаш ва сув ҳисобини юритиш тадбирларига қўшимча **3 трлн сўм** *(унда Халқаро молия институтлари – 200 млн АҚШ доллар, давлат бюджети – 500 млрд сўм)* ажратилмоқда.

Бунда, 2024 йилда жами **1016 км** каналларда таъмирлаш ишлари, шу жумладан, **815 км** бетонлаштириш, **17 км** лотокларни янгилаш ва бошқа ишлар бажарилади.


Натижада йилига 706 млн метр куб сув иқтисод қилиниб, 411 минг гектар майдонни суғориш яхшиланади ва йиллик эксплуатция харажатлари 196 млрд сўмга камаяди ҳамда 390 та йирик сув ўтказиш нуқтаси замонавий сув ўлчагич билан жиҳозланиб сув ҳисобини юритиш яхшиланади.

Тўртинчи йўналиш – хизматлар бозорини ривожлантириш орқали 2024 йилда бозор хизматлари ўсишини 14,9 фоиз *(574 трлн сўм)* **даражасида таъминлаш прогноз қилинмоқда.**

Бунда, юқори ўсиш суръатлари асосан таълим ҳамда алоқа ва ахборотлаштириш – **25,5 фоиз**, молия – **22,3 фоиз** ва транспорт – **10,4 фоиз**га ўсиш ҳисобига таъминланиши прогноз қилинмоқда. Бу асосан қуйидаги омиллар ҳисобига эришилади:

3-расм. Бозор хизматлари ўсиш омиллари

i) Бозор хизматлар ўсиш омиллари, *фоиз банд*



ii) 2024 йилда асосий турдаги хизматларнинг ўсиш суръатлари, *фоиз*



алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида қабул қилинган дастурлар асосида IT хизматлари экспортини **500 млн АҚШ долларг**а ва IT-Парк резидентлари сонини **2 000 та**га етказиш;

транспорт хизматлари соҳасида темир йўл тизимини ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган қарорга асосан темир йўл хизмат кўрсатиш бозорини эркинлаштириш, хизматлар сифати ва турини ошириш орқали республика орқали транзит юкларини ташиш ҳажмини 2024 йилда **13,7 млн тонна**га, электрлашган темир йўллари улушини **65 фоиз**га етказилади.

Шу билан бирга, қабул қилинган қарорлар натижасида 2024 йилда республика ичида ҳудудлараро **6 та** юқори тезликда ҳаракатланувчи электропоездлар ва 30 та замонавий электропоездлар, шунингдек, Тошкент метроси учун **56 та** янги вагонлар олиб келиниб, фаолияти йўлга қўйилади.

Бундан ташқари, **11 та** янги агрологистика марказлари фаолиятини йўлга қўйиш ва авиақатновлар сонини **1,4 баробар**га ошириш чоралари кўрилади.

туризм ва савдо хизматлари соҳасида 2024 йилда ўрта ва йирик шаҳарлар ҳамда аҳолиси **300 минг**дан кўп бўлган туманларда **7,2 минг**та савдо сервис объектларини ташкил этиш, **2 200 та** бўш ер майдонлари ҳамда кўчма савдо фаолиятини йўлга қўйиш, шунингдек, **600 та** янги меҳмонхона, меҳмон уйлари ва хостеллар ташкил этиш чоралари кўрилади.

Бешинчи йўналиш – банк тизимида молиявий барқарорликни мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятига давлат аралашувини чеклаш:

Бунда, банк тизимида капиталлашув, ликвидлик даражасини ошириш ҳамда муаммоли кредитларни қайтариш борасидаги чора-тадбирларни кучайтириш орқали кредитлаш ҳажмини ялпи ички маҳсулот номинал ўсишига мутаносиб ошиши учун шароит яратиш.

Олтинчи йўналиш – бюджет тақчиллигини 2024 йилда ялпи ички маҳсулотга нисбатан **4 фоиз**дан ҳамда келгуси йилларда **3 фоиз**дан оширмаслик бўйича бюджет интизомини кучайтирилади.

Шунингдек, янги имзоланадиган давлат ташқи қарзи миқдорини **5 млрд АҚШ доллар**идан оширмасликни таъминлаш чоралари кўрилади.

II. Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетининг 2023 йилдаги кутилаётган ижроси таҳлили

2.1. Давлат бюджети даромадларининг 2023 йилда кутилаётган ижроси

2.1.1. Солиқ маъмурчилиги тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар.

Давлат бюджети даромадларининг 2023 йилги кутилаётган ижросида қуйидаги чора-тадбирлар инобатга олинган:

Солиқ ставкаларининг ўзгариши:

қўшилган қиймат солиғи ставкаси **15 фоиз**дан **12 фоиз**гача пасайтирилди;

айланмадан олинадиган солиқни **4-25 фоиз**лик ставкалари ўрнига **ягона 4 фоизлик солиқ ставкаси** ўрнатилди. Бунда, айланмадан олинадиган солиқнинг **3** ва **1 фоиз**лик солиқ ставкаси сақлаб қолинди;

алкоголь ва тамаки ҳамда бензин, дизель ёқилғиси ва газни ишлаб чиқаришда акциз солиғи ставкаси **10 фоиз**га индексация қилинди;

маҳаллий ва импортга белгиланган акциз солиғи ставкаларини тенглаштириш мақсадида алкоголь ва тамаки маҳсулотлари импорти учун ставка **5 фоиз**га пасайтирилди;

қатъий белгиланган миқдорда солиқ тўлайдиган якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари **10 фоиз**га индексация қилинди;

мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний шахслар учун белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкалари турар жойлар бўйича **1-1,1** баробарга (қишлоқ жойларда **1,1** баробарга, Тошкент шаҳрида 1 баробарга), нотурар жойлар бўйича **1-1,1 баробар**га индексация қилинди;

қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш ва балиқларни ўстириш (етиштириш) учун фойдаланиладиган сув ҳажми бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси **45 сўм** миқдорида белгиланди;

турар жой фонди, кўп квартирали уйларга узвий боғлиқ бўлган автомашина турар жойлари бўйича жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун ер солиғи базавий ставкалари, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари ўртача **10 фоиз**га индексация қилинди.

Бунда, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан базавий ставкаларга камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни қўллаган ҳолда уларнинг иқтисодий ривожланишига қараб, солиқ ставкаларининг аниқ миқдорини аниқлаш ҳуқуқи сақлаб қолинган.

Қуйидаги солиқ имтиёзлари бекор қилинди:

бюджет маблағлари ҳисобидан ҳар йиллик минерал хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш давлат дастурлари доирасида кўрсатиладиган геология хизматлари, почта маркалари, маркали открыткалар, конвертларни реализация қилиш, бюджет маблағлари ҳисобидан бажариладиган илмий-тадқиқот ва инновацион ишларни реализация қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг қўриқлаш бўлинмалари хизматлари бўйича айланма;

солиқ тўловчиларнинг иш ҳақи ва бошқа даромадларининг ҳаётни узоқ муддатли суғурталаш учун йўналтириладиган қисми бўйича жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан берилган солиқ имтиёзлари.

Солиқ сиёсати ва маъмуриятчилигига оид бир қатор ўзгартиришлар амалга оширилди.

Қўшилган қиймат солиғи бўйича:

солиқ тўловчиларнинг тоифаси, солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби, шунингдек, солиқ ҳисоботини тақдим этиш муддатлари сақлаб қолинди;

қопланадиган (қайтариладиган) қўшилган қиймат солиғи суммасининг асослилиги юзасидан камерал солиқ текширувини ўтказиш муддатлари 60 кундан 30 кунгача қисқартирилди.

Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекциясида ҳисобда турадиган солиқ тўловчиларга товарларни импорт қилиш чоғида қўшилган қиймат солиғи тўлови ҳисобига бюджетдан қопланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи суммаларини ўзаро ҳисобга олиш ҳуқуқи берилди.

Акциз солиғи бўйича:

солиқ тўловчиларнинг тоифаси, шунингдек, солиқ ҳисоботини тақдим этиш ва солиқни тўлаш муддатлари сақлаб қолинди;

алкоголь маҳсулотларини (кучсиз алкоголли ичимликлар бундан мустасно) ишлаб чиқаришда акциз солиғи акциз тўланадиган маҳсулот таркибидаги этил спиртининг улушидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқариш тартиби жорий қилинди.

2023 йилнинг 1 январидан бошлаб алкоголь маҳсулотларини (кучсиз алкоголли ичимликлар бундан мустасно) ишлаб чиқаришда акциз солиғи акциз тўланадиган маҳсулот таркибидаги этил спиртининг улушидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилиши ва бунда ишлаб чиқариладиган алкоголь маҳсулотининг ўлчов бирлиги “литр” деб белгиланди *(илгари “дал” эди).*

Озиқ-овқат хомашёсидан ректификацияланган этил спирти, эфиралдегидли фракциядан техник ректификацияланган этил спирти ва асосий фракциядан этил спиртига акциз солиғи ставкаси **5 баравар**га оширилди ва 1 литр учун **7 450 сўм**ни ташкил этди.

Фойда солиғи бўйича:

солиқ тўловчилар сафи, солиқ ставкалари, солиқни ҳисоблаб чиқариш тартиби ва солиқ ҳисоботини топшириш муддатлари сақлаб қолинди;

2022 йил 1 ноябрдан бошлаб товарларни (хизматларни) экспортга реализация қилишдан олинган фойдага, экспортдан олинган даромаднинг жами даромаддаги улушидан қатъий назар, “**0**” **фоиз** миқдоридаги солиқ ставкаси бўйича солиқ солиш тартиби жорий қилинди;

товар айланмаси 1 млрд сўмдан ошган кичик бизнес тоифасига кирувчи тадбиркорлар учун 1 йил давомида фойда солиғи ставкасини 2 бараварга пасайтириш шунингдек, кичик бизнесдан ўрта бизнес тоифасига ўтган тадбиркорлар учун эса, 2 йил давомида фойда солиғи ставкасини 2 бараварга пасайтириш имконияти берилди;

фойда солиғи бўйича бўнак тўловлари тўғрисида маълумотномани тақдим этиш муддати ойнинг **10-санасидан 15-санасига** узайтирилди.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқ бўйича:

солиқ тўловчиларнинг тоифаси, солиқларнинг ставкалари, солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш (шу жумладан, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига 0,1 фоиз ўтказиш) тартиби сақлаб қолинди;

жисмоний шахслар ўз даромадларини ипотека кредитларини сўндиришга йўналтирганда, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича солиқ солинмайдиган даромад суммаси **15 млн сўм**дан меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг **80 баравар**игача (ёки 980,0*80=78,4 млн сўм) оширилди, шунингдек, уй-жойнинг қийматига қўйилган талаб (300 млн сўм) бекор қилинди;

2023 йил 1 апрелдан жисмоний шахсларнинг ҳаётини узоқ муддатга суғурталаш ҳақини тўлашга йўналтириладиган жисмоний шахсларнинг даромадлари қисмида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича имтиёзлар бекор қилинди.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича:

2023 йилда қуйидагилар сақлаб қолинди:

солиқ базасини, шунингдек, 1 кв.м учун мутлақ миқдорда белгиланган энг кам қиймат миқдорларини белгилаш тартиби. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари вилоятлар Кенгашларининг кўчмас мулк объектларининг белгиланган энг кам қийматига, туманларнинг иқтисодий ривожланишига қараб, **0,5** гача бўлган камайтирувчи коэффициентни белгилаш ҳуқуқи;

тадбиркорларга кўп қаватли ишлаб чиқариш бинолар фойдаланишга топширилгандан бошлаб 3 йил муддатга мол-мулк солиғи бўйича 0,9 дан 0,5 гача камайтирувчи коэффициент қўллаш ҳуқуқи берилди;

солиқ базасига нисбатан **1,5 фоиз** миқдоридаги солиқ ставкаси;

юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган пасайтирилган солиқ ставкаси 2023 йилда **0,5 фоиз**дан **0,6 фоиз**га ўзгартирилди. Юридик шахслар учун пасайтирилган солиқ ставкаси 2020 йилдан бошлаб илгари солиқ имтиёзлари берилган объектлар бўйича жорий этилган эди.

Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи бўйича:

2022 йилда амалда бўлган яшаш учун мўлжалланган уй-жой фондининг кўчмас мулк объектлари учун белгиланган солиқ ставкалари **10 фоиз**га индексация қилинди;

турар жой фонди объектларига (шу жумладан, кўп хонадонли уйларга узвий боғлиқ бўлган машина турар жойларига) эга бўлган жисмоний шахслар учун солиқ суммасини ўтган йилдагига нисбатан оширишга чеклов қўллаш амалиёти сақлаб қолинди.

Хусусан, 2023 йилда 2018 йилда белгиланган кадастр қиймати асосида ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаси 2022 йил учун ҳисобланган солиқ суммасидан **1,3 баравар**дан ортиқ миқдорда ошиши мумкин эмас.

Ушбу чеклов мол-мулк солиғини инвентаризация қийматидан ҳисоблаб чиқаришдан (2018 йилгача) мол-мулкка кадастр қийматидан келиб чиқиб солиқ солишга ўтгандан сўнг солиқ юки кескин ошишига йўл қўймаслик мақсадида 2018 йилдан бошлаб жисмоний шахсларга тегишли барча кўчмас мулк объектларига нисбатан қўлланиб келинмоқда.

Бунда, 2023 йилдан бошлаб яшаш учун мўлжалланмаган кўчмас мулк объектлари қисмида жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммасини ўтган йилдагига нисбатан чеклашни қўллаш амалиёти бекор қилинди.

Ер солиғи бўйича:

юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғини ҳисоблаб чиқариш тартиби, шунингдек, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қийматига нисбатан **0,95 фоиз** миқдорида белгиланган солиқ ставкаси сақлаб қолинди;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун 2022 йилда амалда бўлган ер солиғининг базавий ставкалари ўртача **10 фоиз**га индексация қилинди. Бунда, солиқ ставкаларининг аниқ миқдорини маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан базавий ставкалар асосида, туманларнинг иқтисодий ривожланишига қараб, оширувчи ва камайтирувчи коэффициентларни қўллаган ҳолда аниқлаш тартиби сақлаб қолинди.

қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер солиғи бўйича пасайтирувчи коэффициент **0,3** дан **0,4** га ўзгартирилди. Юридик шахслар учун пасайтирилган коэффициент 2020 йилдан бошлаб илгари солиқ имтиёзлари берилган объектлар бўйича жорий этилган эди.

2023 йилда уй-жой фондининг кўчмас мулк объектлари эгаллаган қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларига эга бўлган жисмоний шахслар учун солиқ суммасини ўтган йилдагига нисбатан оширишга чеклов қўллаш амалиёти сақлаб қолинди. 2023 йилда ҳисобланган солиқ суммаси 2022 йил учун ҳисобланган солиқ суммасидан 1,3 баравардан ортиқ миқдорда ошиши мумкин эмас.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича:

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби сақлаб қолинди;

қуйидагиларга эга бўлган жисмоний шахслар учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлаш жорий этилди:

тадбиркорлик фаолияти ва (ёки) даромад олиш учун мўлжалланган нотурар жой мақсадидаги кўчмас мулк объектларига якка тартибдаги тадбиркорлар учун белгиланган солиқ ставкалари бўйича;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга деҳқон хўжаликлари учун белгиланган солиқ ставкалари бўйича;

2022 йилда амалда бўлган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари ўртача **10 фоиз**га индексация қилинди;

Қишлоқ хўжалиги корхоналарига 2 муддатда солиқни тўлаш белгиланди: 1 октябрга қадар қишлоқ хўжалиги корхоналари учун – қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш ва балиқларни етиштириш учун солиқ органлари томонидан аниқланадиган аввалги солиқ даврида фойдаланилган сув ҳажмининг **70 фоизи** миқдорида, 15 декабрга солиқнинг қолган суммасини.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича:

Қора, қимматбаҳо, рангли ва радиоактив металлар, шунингдек, нодир элементлар ва нодир ер элементлари бўйича жорий этилган тартибга мувофиқ:

қазиб олинган (ажратиб олинган) металларни ҳақиқатда реализация қилиш ҳажми солиқ солиш объекти ҳисобланади;

қазиб олинган (ажратиб олинган) металларни ҳақиқатда реализация қилиш ҳажми солиқ базаси ҳисобланади;

газ конденсати бўйича солиқ базаси табиий газ ва нефть учун назарда тутилган тартибга айнан ўхшаш тарзда аниқланиши жорий қилинди;

темир бўйича солиқ ставкаси **5 фоиз**дан **2 фоиз**га пасайтирилди.

Айланмадан олинадиган солиқ бўйича:

айланмадан олинадиган солиқнинг 4 фоиздан юқори ставкалари унификация қилинган ҳолда **ягона 4 фоизлик** ставка ўрнатилди;

Бунда бориш қийин бўлган ва тоғли ҳудудларда жойлашган корхоналар учун пасайтирилган солиқ ставкалари **1 фоиз** миқдорида, бошқа аҳоли пунктларида жойлашган корхоналар учун – **2 фоиз** миқдорида (шу жумладан,

электрон тижорат) ва аҳолиси сони юз минг нафар ва ундан кўп кишидан иборат шаҳарларда – **3 фоиз** миқдорида сақлаб қолинди.

айланмадан олинадиган солиқ тўловчилар учун ихтиёрий асосда қатъий белгиланган миқдорда солиқ тўлашни танлаш тартиби жорий қилинди;

Бунда, товар айланмаси 500 млн сўмгача бўлганда йилига **20 млн сўм, 500 млн сўм**дан юқори бўлганда **30 млн сўм** миқдорида қатъий белгиланган солиқни ҳар ойда тенг улушларда тўлашни танлаш ҳуқуқи берилди.

Бошқа ўзгаришлар:

2023 йилнинг 1 апрелидан бошлаб устав фондида (устав капиталида) чет эл инвестициялари улуши камида 33 фоиз бўлган чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун божхона ҳудудига олиб кириладиган мол-мулк бўйича божхона божидан мавжуд имтиёзлар бекор қилинди.

Агар 2023 йилнинг 1 январига қадар хорижий инвестор ҳамда инвестициялар ва инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш соҳасида ваколатли давлат органи ўртасида тузилган инвестиция шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса имтиёзлар бекор қилинмайди

Молия-хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган асосий воситалар ва бошқа мол-мулкнинг сақланиши учун солиқ қарзи ундирувини солиқ қарзи мавжуд солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш муддати **30 кун**дан **60 кун**гача узайтирилмоқда.

Жами даромади **10 млрд сўм**гача бўлган қўшилган қиймат солиғи ва фойда солиғини тўловчиларга солиқ қарзини **6 ой** муддатда бўлиб тўлаш ҳақида хабардор қилиш ҳуқуқи берилди (бундан устав фондида (устав капиталида) **50 фоиз** ва ундан ортиқ миқдорда давлат улушига эга бўлган юридик шахслар, ер қаъридан фойдаланувчилар ва акциз солиғи тўланадиган товарларни ишлаб чиқарувчилар мустасно).

Бунда фоизларни тўламасдан бўлиб тўлаш имконияти календарь йил давомида бир марта тақдим этилиши назарда тутилди.

Ўзбекистон ҳудудига олиб кириладиган айрим товарлар бўйича божхона божининг **ноль** даражали ставкасини қўллашнинг амал қилиш муддати 2024 йилнинг 1 январига қадар узайтирилди.

Бюджет ташкилотларига товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадлар бўйича тақдим этилган солиқ имтиёзлари 2024 йилнинг 1 январига қадар узайтирилди.

Бундан ташқари, 2023 йил учун айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғимларнинг энг юқори ставкалари ҳамда хорижий давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон ҳудудига кирганлиги ва унинг ҳудуди орқали транзити учун йиғимлар ставкаларининг миқдорлари 2022 йил даражасида сақлаб қолинди.

2023 йил 1 январдан 2028 йил 1 январга қадар Қорақалпоғистон Республикасида жойлашган ва фаолият юритадиган тадбиркорлар учун қуйидаги солиқ имтиёзлари берилди:

фойда солиғи, айланмадан олинадиган солиқ, ер ва мол-мулк солиғи бўйича солиқ ставкалари 50 фоизга пасайтирилди;

ижтимоий солиқ ставкаси 1 фоиз этиб белгиланди (амалда 12 фоиз);

якка тадбиркорлар учун ижтимоий солиқнинг йиллик ставкаси 1 БҲМ (300 минг сўм) миқдорида ўрнатилди (амалда 3,6 млн сўмгача).

Бунда, солиқ тўловчи таклиф этилаётган солиқ имтиёзлари билан бир вақтда бошқа асослар бўйича солиқ имтиёзларга эга бўлса, бундай солиқ тўловчи ўз хоҳишига қўра қулай солиқ имтиёзларини танлашга ҳақли.

Мазкур имтиёзлар йирик солиқ тўловчилар, доимий муассасалар, бюджет ташкилотлари ва давлат корхоналари, устав фонди (устав капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар, устав фонди (устав капитали)нинг 50 фоизи ва ундан ортиғи устав фонди (устав капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахсга тегишли бўлган юридик шахсларга татбиқ этилмайди.

2023 йил 1 январдан 2026 йил 1 январга қадар:

республика ҳудудларининг тўртинчи тоифасига (40 та туман) киритилган туманларда фаолият юритадиган тадбиркорлар айланмадан олинадиган солиқни 3 фоиз ставкада, мол-мулк ва ер солиғининг белгиланган энг кам қийматларига 0,3 гача, якка тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқни 0,5 гача камайтирувчи коэффициентларни қўллаган ҳолда тўлайди;


республика ҳудудларининг бешинчи тоифасига (20 та туман) киритилган туманларда фаолият юритадиган тадбиркорлар фойда, айланмадан олинадиган ва ижтимоий солиқни 1 фоиз миқдорида, мол-мулк ва ер солиғини ҳисобланган сумманинг 1 фоизи миқдорида тўлайди, шунингдек, якка тадбиркорлар қатъий белгиланган солиқни тўлашдан озод этилди.

2.1.2. 2023 йилда Давлат бюджети даромадларининг кутилаётган ижроси.

2023 йилда Давлат бюджети даромадлари прогноз кўрсаткичларига нисбатан 100,4 фоизга бажарилиб, ҳақиқатда ижроси 233,6 трлн сўм бўлиши кутилмоқда. Бу ўтган йилги даромадларга нисбатан 31,7 млрд сўмга ёки 15,7 фоизга кўп.

Жумладан, Солиқ қўмитаси томонидан ундириладиган солиқлар орқали 167,1 трлн сўм даромадлар шакллантирилади ҳамда Божхона қўмитаси бўйича 56,7 трлн сўм маблағлар бюджетга ундирилади.

4-расм. 2022-2023 йилларда Давлат бюджети даромадлари тузилмаси, *трлн сўм*



4-жадвал. 2023 йилда Давлат бюджети даромадлари прогнози ва кутилаётган ижроси, *трлн сўм*


Солиқ турлари	Прогноз	Кутилаётган ижро	Фоизда
Давлат бюджети даромадлари, жами	**232,6**	**233,6**	**100,4**
Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоизда	***21,8***	***22,0***	
Бевосита солиқлар	**74,0**	**73,3**	**99,0**
Фойда солиғи	42,8	40,9	95,5
Айланмадан олинадиган солиқ	2,8	2,8	98,8
Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	28,3	29,6	104,7
Билвосита солиқлар	**89,3**	**85,9**	**96,3**
Қўшилган қиймат солиғи	64,6	60,0	93,8
Акциз солиғи	17,9	16,4	92,1
Божхона божи	6,8	9,6	141,0
Ресурс солиқлари	**26,5**	**28,3**	**106,9**
Мол-мулк солиғи	4,3	5,6	130,4
Ер солиғи	5,8	6,8	117,7
Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	15,5	15,0	97,1
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	0,8	0,9	106,5
Бошқа даромадлар	**42,9**	**46,1**	**107,0**

Бевосита солиқлар

Бевосита солиқлар бўйича тушумлар белгиланган прогноз кўрсаткичларига нисбатан 736 млрд сўмга кам ёки 99,0 фоизга бажарилиб, ҳақиқатда ижроси **73,3 трлн сўм** бўлиши кутилмоқда. Бу ўтган йилги даромадларга нисбатан 8,9 трлн сўмга ёки 13,8 фоизга кўп.

2023 йилда бевосита солиқлар Давлат бюджети даромадларининг 31,4 фоизини ташкил қилиши кутилмоқда.

5-расм. Бевосита солиқлар, *трлн сўм*



Фойда солиғи бўйича тушумлар белгиланган прогноз кўрсаткичларига нисбатан 1,9 трлн сўм кам ёки 95,5 фоизга бажарилиб, ҳақиқатда ижроси **40,9 трлн сўм** бўлиши кутилмоқда. Бу ўтган йилги даромадларга нисбатан 3,3 трлн сўмга ёки 8,7 фоизга кўп.

Тушумларнинг пасайиши, асосан, товарларни (хизматларни) экспортга реализация қилишдан олинган фойдага “**0” фоиз** миқдоридаги солиқ ставкаси белгиланиши билан изоҳланади.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича тушумлар белгиланган прогноз кўрсаткичларига нисбатан 1,3 трлн сўм кўп ёки 104,7 фоизга бажарилиб, ҳақиқатда ижроси **29,6 трлн сўм** бўлиши кутилмоқда. Бу ўтган йилги даромадларга нисбатан 5,3 трлн сўмга ёки 21,9 фоизга кўп.


Айланмадан олинадиган солиқ бўйича тушумлар белгиланган прогноз кўрсаткичларига нисбатан 44,9 млрд сўм кам ёки 98,4 фоизга бажарилиб, ҳақиқатда ижроси **2,8 трлн сўм** бўлиши кутилмоқда. Бу ўтган йилги даромадларга нисбатан 267 млрд сўмга ёки 10,7 фоизга кўп.

Билвосита солиқлар

Билвосита солиқлар бўйича тушумлар белгиланган прогноз кўрсаткичларига нисбатан 3,3 трлн сўм кам ёки 96,3 фоизга бажарилиб, ҳақиқатда ижроси **85,9 трлн сўм** бўлиши кутилмоқда. Бу ўтган йилги даромадларга нисбатан 14,5 трлн сўмга ёки 20,3 фоизга кўп.

2023 йилда билвосита солиқлар Давлат бюджети даромадларининг асосий қисмини ташкил қилиб, умумий даромадларининг **36,8 фоизини** ташкил қилиши кутилмоқда.


6-расм. Билвосита солиқлар, *трлн сўм*



Қўшилган қиймат солиғи бўйича тушумлар белгиланган прогноз кўрсаткичларига нисбатан 4,7 трлн сўм кам ёки 92,8 фоизга бажарилиб, ҳақиқатда ижроси **60,0 трлн сўм** бўлиши кутилмоқда. Бу ўтган йилги даромадларга нисбатан 7,8 трлн сўмга ёки 14,9 фоизга кўп.

Бунда, энергоресурс қазиб чиқариш, қайта ишлаш ҳажми пасайиши ҳамда тарифларини кўриб чиқишнинг кечиктирилиши, дунё бозорида пахта толаси, дон ва кимёвий ўғитлар нархи пасайиши ҳамда ноқулай об-ҳаво шароитида корхоналар харажатининг ошиши солиқ тушумлари йўқотилишига олиб келди.

7-расм. Қўшилган қиймат солиғи тушумлари, *трлн сўм*



Шу билан бирга, **қўшилган қиймат солиғини ҳисобга (зачетга) олинишининг режага нисбатан ортиши натижасида даромадларнинг камайиши,** яъни бюджетдан қопланадиган салбий фарқ суммаси режадаги **14,6 трлн сўмдан 4,5 трлн сўмга** ошиб, **31,1 трлн сўм** *(2022 йилда – 19,3 трлн сўм)* бўлиши кутилмоқда.

Маълумотларга кўра, 2023 йил 1 октябрь ҳолатига қўшилган қиймат солиғи тўловчилар сони **184,9 минг**та субъектни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **16,7 минг**тага ошди.

Акциз солиғи бўйича тушумлар белгиланган прогноз кўрсаткичларига нисбатан 1,5 трлн сўм кам ёки 91,7 фоизга бажарилиб, ҳақиқатда ижроси **16,4 трлн сўм** бўлиши кутилмоқда. Бу ўтган йилги даромадларга нисбатан 2,9 трлн сўмга ёки 21,8 фоизга кўп.

Мазкур солиқ бўйича тушумларнинг прогноз кўрсаткичларига нисбатан кам бўлиши йил бошида ҳаво ҳароратининг кескин совиб кетиши натижасида автомобилларга сиқилган газ қуйиш шохобчаларининг фаолияти вақтинча тўхтатилганлиги ва АИ-80 русумли автобензин маҳсулоти учун акциз солиғи “ноль” ставкада қўлланилиши билан изоҳланади.

Божхона божлари бўйича тушумлар белгиланган прогноз кўрсаткичларига нисбатан 2,8 трлн сўмга кўп ёки 142,0 фоизга бажарилиб, ҳақиқатда ижроси **9,6 трлн сўм** бўлиши кутилмоқда. Бу ўтган йилги даромадларга нисбатан 3,8 трлн сўмга ёки 66,8 фоизга кўп.

Бунда устав фондида хорижий инвестиция улуши камида 33 фоиз бўлган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан божхона ҳудудига олиб кириладиган мол-мулк учун божхона божлари бекор қилиниши билан баҳоланади.

Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғи

Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғи бўйича тушумлар белгиланган прогноз кўрсаткичларига нисбатан 1,9 трлн сўм кўп ёки 107,0 фоизга бажарилиб, ҳақиқатда ижроси **28,3 трлн сўм** бўлиши кутилмоқда. Бу ўтган йилги даромадларга нисбатан 4,4 трлн сўмга ёки 18,5 фоизга кўп.

2023 йилда **ресурс солиқлари** ва **мол-мулк солиғи** тушумлари Давлат бюджети даромадларининг 12,1 фоизини ташкил қилиши кутилмоқда.

Ресурс солиқларининг асосий, яъни 53,1 фоиз қисми **ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ**қа тўғри келади.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича тушумлар белгиланган прогноз кўрсаткичларига нисбатан 489 млрд сўм кам ёки 97 фоизга бажарилиб, ҳақиқатда ижроси **15,0 трлн сўм** бўлиши кутилмоқда. Бу ўтган йилги даромадларга нисбатан 1,2 трлн сўмга ёки 8,3 фоизга кўп.

Мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича тушумлар белгиланган прогноз кўрсаткичларига нисбатан 2,3 трлн сўм кўп ёки 121,5 фоизга бажарилиб, ҳақиқатда ижроси **13,3 трлн сўм** бўлиши кутилмоқда. Бу ўтган йилги даромадларга нисбатан 3,3 трлн сўмга ёки 32,5 фоизга кўп.

Бошқа солиқсиз тушумлар

Бошқа солиқсиз тушумлар бўйича белгиланган прогноз кўрсаткичлари 2,8 трлн сўм кўп ёки 107,0 фоизга бажарилиб, ҳақиқатда ижроси **46,1 трлн сўм** бўлиши кутилмоқда. Бу ўтган йилги даромадларга нисбатан 3,2 трлн сўмга ёки 8,6 фоизга кўп.

2023 йилда бошқа солиқсиз тушумлар Давлат бюджети даромадларининг **19,7 фоизини** ташкил қилиши кутилмоқда.

Бунда, асосан давлат улушига эга корхона ва ташкилотларнинг соф фойдаси ҳисобидан дивидендлар кўринишидаги даромадлар 24,5 трлн сўмни ташкил этиб, 2022 йилга нисбатан 2,0 трлн сўмга кам, бунда даромадлар асосан “Навоий кон-металлургия комбинати” ва “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятлари (дивидендлардаги умумий улуши 82,4 фоиз) ҳисобига тўғри келади.

5-жадвал. Республика бўйича солиқ тўловчилар сони

	2022 йил 1 январь	**2023 йил 1 январь**	**2023 йил 1 октябрь**
1. Асосий солиқ турлари бўйича тўловчилар сони *(бирлик)*			
Фойда солиғи	140 566	165 182	180 104
Қўшилган қиймат солиғи	141 526	165 182	184 886
Акциз солиғи, жами	4 433	4 590	4 623
Ер қаъридан фойдаланилганлик учун солиқ	1 904	2 167	2 105
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	137 020	156 475	156 767
Юридик шахслар мол-мулк солиги	64 392	77 123	68 763
Юридик шахслар ер солиги	161 028	173 397	183 274
2. Солиқ тўловчи жисмоний шахслар сони *(минг нафар)*			
Даромад солиғи *(қатъий белгиланган даромад солиғи тўловчи ЯТТ билан бирга)*	4 926	5 322	5 392
Мол-мулк солиғи	7 468	7 656	7 764
Ер солиғи	6 565	6 729	6 830

2.2. Давлат бюджети харажатларининг 2023 йилда кутилаётган ижроси

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг 2023 йилда кутилаётган ижроси **282,1 трлн сўмни** (давлат мақсадли жамғармаларига трансфертлар билан бирга) ёки 2023 йилги тасдиқланган параметрларга нисбатан **24,4 трлн сўм**га ошган ҳолда ялпи ички маҳсулотнинг 26,6 фоизини ташкил этиши кутилмоқда.

6-жадвал. Давлат бюджети харажатларининг 2023 йилги кутилаётган ижроси, *трлн сўм*

		2023 й	Фарқи*
	Давлат бюджети харажатлари	**282,1**	**+24,4**
	Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоизда	*26,6*	*+2,5*
1	**Ижтимоий харажатлар**	**133,1**	**+5,7**
	Таълим	60,6	+3,5
	Умумий таълим	*38,3*	*+2,3*
	Мактабгача таълим	*11,9*	*+1,1*
	Олий ва ўрта-махсус таълим	*10,5*	*+0,1*
	Соғлиқни сақлаш	28,4	+0,5
	Маданият	2,4	+0,05
	Спорт	2,3	+0,02
	Фан	1,7	-0,1
	Нафақалар, моддий ёрдам ва компенсация тўловлари	19,1	+1,9
	Пенсия жамғармасига трансфертлар	14,0	-1,0
	Аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурларини молиялаштириш учун субсидиялар	1,2	+0,1
2	**Иқтисодиёт харажатлари**	**24,3**	**-3,8**
	Сув хўжалиги эксплуатацияси харажатлари	8,6	+1,0
	Геология қидирув ишлари харажатлари	1,0	-0,1
	Шаҳар, туман ва посёлкаларни ободонлаштириш	4,4	+0,7
	Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини сақлаш ва жорий таъмирлаш	2,8	+0,1
3	**Табиий газ нархларидаги тафовут учун субсидиялар**	**18,8**	**+4,6**
4	**Ривожлантириш дастурлари, шундан:**	**34,8**	**+4,8**
	Марказлаштирилган инвестиция харажатлари	17,4	+1,8
	Маҳаллалар инфратузилмаларини яхшилаш харажатлари	13,9	+2,8
	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси маблағлари	4,1	-2,0
5	**Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларига асосан ҳудудларни ва тармоқларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун харажатлар**	3,5	-
6	**Давлат бошқаруви, ҳокимияти, адлия, прокуратура, суд ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини сақлаш харажатлари**	**16,8**	**+0,8**
7	**Захира жамғармалари**	**1,8**	**+0,3**
8	**Давлат қарзига хизмат кўрсатиш**	**8,2**	**+1,3**
9	**Бошқа харажатлар**	**43,7**	**+10,5**

* *Тасдиқланган бюджетдан фарқи*

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг кутилаётган ижроси тасдиқланган режага нисбатан кўп бўлиши Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган асосан қуйидаги дастур ва тадбирлар учун **қўшимча маблағлар** ажратилиши билан изоҳланади, хусусан:

табиий газни сотиб олиш ва сотиш нархларидаги тафовут сабабли юзага келадиган зарарларини қоплашга – **4,6 трлн сўм**;

иш ҳақи ва пенсияларни индексация қилиш учун қўшимча харажатлар (тасдиқланган бюджетда кўзда тутилгандан ташқари) – **2,6 трлн сўм**;

Ягона ижтимоий реестрда рўйхатда турувчи оилалар сонининг режадагидан 18 фоизга ошиши ҳамда мезонлар такомиллаштирилиши натижасида кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси ва моддий ёрдам харажатларига қўшимча – **1,8 трлн сўм**;

Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида қўшимча 478 та объектда янги қуриш, реконструкция, мукаммал таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш ишларини амалга ошириш учун қўшимча **1,9 трлн сўм**;

коммунал хизматлар тарифларининг оширилиши натижасида бюджет ташкилотлари учун қўшимча **1 трлн сўм**;

автобус йўналишларида чекланган тарифлар бўйича йўловчи ташишни брутто-шартнома (gross cost contract) асосида ташкил этиш ва молиялаштириш тизимини босқичма-босқич жорий этиш харажатларига **748 млрд сўм**;


қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш ва бошқа энерготежамкор дастурлари доирасидаги харажатларга **629 млрд сўм**, шу жумладан, ижтимоий соҳа объектларининг иситиш тизимларини давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш учун харажатлар **500 млрд сўм**;

давлат-хусусий шерикчилиги ва оилавий мактабгача таълим муассасалари сонининг режага нисбатан кўп ошиши ҳисобига уларга ажратиладиган субсидияларга талабнинг ошишига қўшимча **510 млрд сўм**;

умумий ўрта таълим муассасаларини Финляндия тажрибаси асосидаги янги авлод дарсликлари билан таъминлашга **456 млрд сўм**;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Жисмоний ва юридик шахсларга етказилган мулкий зарарларни компенсация қилиш жамғармаси учун талаб этиладиган қўшимча **170 млрд сўм** маблағ ва бошқалар.


8-расм. 2023 йилги Давлат бюджети харажатларининг таркиби, *трлн сўм*



2.2.1. Давлат бюджети харажатларининг 2023 йилги кутилаётган ижроси, соҳалар кесимида.

2023 йилда **ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш** харажатларининг кутилаётган ижроси **133,1 трлн сўм** бўлиб, тасдиқланган параметрларга нисбатан ўсиш 4,5 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

9-расм. Ижтимоий харажатлар таркиби



Таълим

2023 йилда Давлат бюджетининг **таълим** соҳаси учун жами харажатлари **60,6 трлн сўм** миқдорида ёки Давлат бюджети жами харажатларининг **21,5 фоизини** ҳамда **тасдиқланган параметрларга** нисбатан ўсиш **6,2 фоиз**ни ташкил этиши кутилмоқда. Шу жумладан, Давлат бюджетидан умумтаълим мактабларини сақлаш учун 2023 йил охиригача 38,3 трлн сўм (+2,3 трлн сўм), мактабгача таълим 11,9 трлн сўм (+1,1 трлн сўм), олий ва ўрта-махсус таълимга 10,5 трлн сўм (+0,1 трлн сўм) ажратилиши кутилмоқда.

2023 йил охиригача **таълим соҳаси** бўйича **давлат дастурлари ва тадбирларга** 7 513,0 млрд сўм маблағ йўналтирилиши кутилаётган бўлиб, тасдиқланган бюджетда назарда тутилган маблағлардан 1 011 млрд сўмга кўп. Жумладан, йил охиригача:

нодавлат мактабгача таълим муассасаларига Давлат бюджетидан субсидияларга 2 769 млрд сўм (+510 млрд сўм);

умумий ўрта таълим муассасаларида дарсликларни янгилаш билан боғлиқ харажатлар учун 1 376 млрд сўм (+456 млрд сўм);

умумий таълим мактаблари учун янги компьютер синфларини харид қилиш харажатлари 220 млрд сўм (+120 млрд сўм) маблағ йўналтириш кутилмоқда.

Фан

Фанни янада ривожлантириш учун 2023 йилда **1,7 трлн сўм,** Давлат бюджети жами харажатларининг 0,6 фоизини ташкил қилиши кутилмоқда.

Жумладан:

Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармасига 670,0 млрд сўм;

докторантурага ажратилаётган квоталар сонини ошириш харажатларига 691 млрд сўм маблағлар ажратилиши кутилмоқда.

Соғлиқни сақлаш

2023 йилда соғлиқни сақлаш соҳаси харажатлари 28,4 трлн сўмни ёки тасдиқланган параметрларга нисбатан 1,8 фоизга ошган ҳолда жами харажатларнинг 10,1 фоизини ташкил этиши кутилмоқда.

2023 йилда **дори воситалари**, тиббиёт буюмлари, вакцина ва бакпрепаратлар учун харажатларга **2,8 трлн сўм** ҳамда тиббиёт муассасаларини **озиқ-овқат** билан таъминлаш харажатларига 676,6 млрд сўм маблағ йўналтириш кутилмоқда.

7-жадвал. Дори воситалари ва озиқ-овқат харажатлари, 2020-2023 йиллар, *млрд сўм*

	2020	**2021**	**2022**	**2023**
Дори воситалари, тиббиёт буюмлари, вакцина ва бакпрепаратлар	1 446,5	1 783,9	2 474,0	2 785,0
Озиқ-овқат маҳсулотлари	333,3	593,3	583,8	676,6

2023 йил охиригача **соғлиқни сақлаш** соҳаси бўйича давлат дастурлари ва тадбирларга 1 518 млрд сўм маблағ йўналтирилиши кутилаётган бўлиб, тасдиқланган бюджетда назарда тутилган маблағлардан 34 млрд сўмга кўп. Жумладан, йил охиригача:

онкология ёрдамини такомиллаштириш ва онкология хизматини янада ривожлантириш билан боғлиқ харажатларга 150 млрд сўм (+12 млрд сўм);

гематология ва трансфузиология хизматларини ривожлантириш ҳамда онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган шахсларни янада қўллаб-қувватлаш харажатлари 145 млрд сўм (+45 млрд сўм);

фтизиатрия ва пульмонология хизматини янада ривожлантириш харажатлари 69 млрд сўм (+69 млрд сўм);

буйрак ва жигар трансплантацияси жарроҳлик амалиёти ўтказилган беморларни дори воситалари билан таъминлаш харажатлари 118 млрд сўм (+95 млрд сўм) йўналтириш кутилмоқда.

Маданият соҳаси

Маданият соҳасига харажатлар 2023 йилда **2,4 трлн сўмни** ёки тасдиқланган параметрларга нисбатан 2,1 фоизга ошган ҳолда Давлат бюджети жами харажатларининг салкам 1 фоизини ташкил қилиши кутилмоқда.

2023 йил охиригача **маданият** соҳаси бўйича давлат дастурлари ва тадбирларга 531 млрд сўм маблағ йўналтирилиши кутилаётган бўлиб, тасдиқланган бюджетда назарда тутилган маблағлардан 51,0 млрд сўмга кўп. Жумладан, йил охиригача:

“Ўзбеккино” Миллий агентлиги томонидан бадиий, қисқа метражли, ҳужжатли, мультипликацион фильмларни ишлаб чиқариш, уларни дубляж қилиш, субтитрлаш, қайта тиклаш (реставрация) ва реклама ишларини амалга ошириш харажатларига 90 млрд сўм (+20 млрд сўм);

маданий мерос объектларини реставрация қилиш ва тиклаш, шунингдек археологик ишлар учун харажатларга 187 млрд сўм (37 млрд сўм) йўналтириш кутилмоқда.

Спорт соҳаси

Спорт соҳасига харажатлар 2023 йилда **2,3 трлн сўмни** ёки Давлат бюджети жами харажатларининг 0,8 фоизини ташкил қилиши кутилмоқда.

2023 йил охиригача **спорт** соҳаси бўйича давлат дастурлари ва тадбирларга 608 млрд сўм маблағ йўналтирилиши кутилаётган бўлиб, тасдиқланган бюджетда назарда тутилган маблағлардан 1,1 млрд сўмга кўп. Жумладан, йил охиригача:

Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режаси учун 211 млрд сўм (-12 млрд сўм);

Олимпиада спорт мусобақаларига тайёргарлик кўриш харажатларига 218 млрд сўм (-2 млрд сўм);

Ўзбекистон футболини қўллаб-қувватлаш жамғармасига қўшимча 25 млрд сўм (+25 млрд сўм) маблағ йўналтириш кутилмоқда.

Ижтимоий ҳимоя

Ижтимоий нафақалар, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам ва компенсация тўловлари харажатлари 2023 йил охиригача **19,1 трлн сўм**, тасдиқланган параметрларга нисбатан ўсиш **10,7 фоиз** ва Давлат бюджети жами харажатларининг **6,8 фоизини** ташкил этиши кутилмоқда.

Шу жумладан, кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси ва моддий ёрдам харажатларига 12,3 трлн сўм ёки тасдиқланган бюджетга нисбатан 1,8 трлн сўм кўп маблағ ажратилиши кутилмоқда.

Ижтимоий ҳимоя харажатларининг тасдиқланган параметрга нисбатан ошиши 2023 йил давомида ижтимоий нафақа олувчи оилалар сонининг 2 198 мингача (+336 минг оила) кўпайиши ҳамда нафақа тайинлаш мезонларининг такомиллаштирилиши ва нафақалар миқдорининг 2023 йилги бюджет қонунида назарда тутилган муддатлардан олдин оширилиши билан изоҳланади.

Иқтисодиёт харажатлари

Давлат бюджетидан 2023 йил охиригача иқтисодиётга ажратилиши кутилаётган харажатлар қарийб **24,3 трлн сўмни** ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2,3 фоизни ташкил этиб, жами харажатларнинг 8,6 фоизини ташкил этади.

Иқтисодиёт харажатлари асосан қуйидаги соҳаларга тақсимланган:

Сув хўжалиги эксплуатацияси харажатлари **8 553,3 млрд сўм** (+990,1 млрд сўм). Ушбу харажатнинг ошиши жорий йилда электр энергия тарифларининг ошиши ҳисобига келиб чиққан;

Аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини амалга ошириш ҳамда уй-жой коммунал хизматлари билан боғлиқ харажатлар **4 418,2 млрд сўм** (+744 млрд сўм);

геологик қидирув ишларига **990,0 млрд сўм** (-100 млрд сўм) маблағ йўналтириш кутилмоқда.

Бундан ташқари, табиий газ нархларидаги тафовут учун 2023 йил охиригача **18,8 трлн сўм** (+4,6 трлн сўм) субсидиялар йўналтириш кутилмоқда.

Ривожлантириш дастурлари учун харажатлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 декабрдаги ПҚ-465-сон “2023–2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан 2023 йилда Давлат бюджетининг **марказлашган инвестиция** харажатлари учун **15 520,0 млрд сўм** маблағ ажратилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳудудларга қилган ташрифлари давомида берилган топшириқлари, қабул қилинган фармонлари, қарорлари

ҳамда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича Ҳукуматнинг тегишли қарор ва фармойишларига асосан 2023 йилги Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури параметрларига жорий йилнинг якунигача қўшимча **1 911 млрд сўм** маблағ ажратиб берилиши кутилмоқда.

Бунинг натижасида, Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига жорий йил якуни билан **17 431 млрд сўм** йўналтириш кутилмоқда.

Шу шумладан, йил охиригача:

178 та мактабгача таълим ташкилотларида 972,4 млрд сўмлик (қўшимча 8 та объектда 122,4 млрд сўм);

317 та умумтаълим мактабларида 2 607,0 млрд сўмлик (қўшимча 78 та объектда 857,0 млрд сўм);

87 та тиббий ва тиббий-ижтимоий муассасаларда 1 375,1 млрд сўмлик (қўшимча 8 та объектда 275,1 млрд сўм);

316 та сув таъминоти ва канализация тармоқлари объектларида 1 749,6 млрд сўмлик (қўшимча 208 та объектда 699,6 млрд сўм);

310 та автомобиль йўллари объектларида 2 949 млрд сўмлик (қўшимча 112 та объектда 949,0 млрд сўм) янги қурилиш, реконструкция, мукаммал таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш ишлари амалга оширилиши кутилмоқда.

2. **Маҳаллалар инфратузилмаларини яхшилаш** (Ташаббусли бюджетлаштириш харажатлари билан бирга) билан боғлиқ тадбирлар учун 2023 йил охиригача **13 868,3 млрд сўм** маблағ ажратилиши кутилмоқда.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларига асосан ҳудудларни ва тармоқларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун **3 500 млрд сўм** маблағ ажратилиши кутилмоқда.

2.3. Давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг 2023 йилги кутилаётган ижроси

Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети қамровини ошириш ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида консолидациялашган бюджет таркибига 23 та давлат мақсадли жамғармалари киритилиб, ушбу давлат мақсадли жамғармаларининг барча тушумлари манбалар кесимида ва харажатлари йўналишлар бўйича консолидациялашган бюджетга жамланган.

10-расм. Давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг 2023 йилги кутилаётган ижроси, *трлн сўм*



2.3.1. Давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг кутилаётган ижроси.

2023 йилда давлат мақсадли жамғармалари даромадлари тушумининг кутилаётган ижроси (трансфертларсиз) **47,1 трлн сўмни**, харажатлари эса, **76,0 трлн сўм**ни ташкил этиши кутилмоқда.

Жорий йил якунига кўра, давлат мақсадли жамғармаларининг жами тушумлари тасдиқланган параметрга нисбатан **5,9 трлн сўм**га ошиши ва ўсиш **14,3 фоиз**ни ташкил этиши кутилмоқда. Ошиш асосан:

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг қарийб 1,9 трлн сўмлик;

Бюджетдан ташқари Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармасининг 2,5 трлн сўмлик;

Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармасининг 866,0 млрд сўмлик қўшимча тушумлари ҳисобига юзага келмоқда.

Давлат мақсадли жамғармаларига ўзларига юклатилган давлат функцияларини тўлиқ амалга оширишлари учун Давлат бюджетидан **31,0 трлн сўм** мақсадли трансфертлар ажратилиши кўзда тутилган. Бу эса йил бошидаги прогнозлардан **3,8 фоиз**га кўпроқ бўлиб, асосан Автомобиль йўлларини ривожлантириш мақсадли жамғармаси ҳамда Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармасига трансфертларнинг ошиши туфайли юзага келмоқда.

2.3.2. Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси тушумлари ва харажатларининг кутилаётган ижроси.

2023 йилда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси тушумларининг кутилаётган ижроси **10,1 трлн сўмни**, харажатлари эса, **18,4 трлн сўм**ни ташкил этиши кутилмоқда.

Жамғарма харажатларининг ошиши асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган қарорлар натижасида кечиктириб бўлмас инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун қўшимча маблағлар ажратилиши билан изоҳланади.

2.4. Консолидациялашган бюджетнинг 2023 йил учун даромадлари ва харажатларининг кутилаётган ижроси таҳлили

Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджети даромадларининг 2023 йил охиригача кутилаётган ижроси 322,5 трлн сўм, харажатлари 380,9 трлн сўмни, тақчиллиги 58,5 трлн сўм ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 5,5 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

8-жадвал. Консолидациялашган бюджетнинг 2023 йилги кутилаётган ижроси, *трлн.сўм*

		2023 йил	Фарқи*
I	**Консолидациялашган бюджет даромадлари**	**322,5**	**+11,8**
	Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоизда	*30,4*	*+1,3*
	Давлат бюджети даромадлари	233,6	+1,0
	Давлат мақсадли жамғармалари даромадлари**	47,1	+6,1
	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари тушумлари***	32,1	+6,5
	Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига тушумлар	10,1	-1,6
II	**Бюджетлараро трансфертлар**	**31,0**	**+1,1**
III	**Консолидациялашган бюджет харажатлари**	**380,9**	**+37,7**
	Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоизда	*35,9*	*+3,8*
	Давлат бюджети харажатлари	282,1	+24,4
	Давлат мақсадли жамғармалари харажатлари**	45,0	+4,7
	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари харажатлари***	28,3	+2,7
	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси	18,4	+6,7
	Ташқи қарз ҳисобидан давлат дастурларига харажатлар	7,1	-0,7
IV	**Консолидациялашган бюджет сальдоси**	**-58,5**	**+25,9**
	Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоизда	*-5,5*	*+2,5*
	шундан: Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари	*-4,4*	*+2,1*
V	**Давлат қарзларини сўндириш**	**19,1**	**-0,05**
	Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоизда	*1,8*	-

* 2023 йилги тасдиқланган параметрга нисбатан.
** Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари ўртасидаги трансфертларсиз кўрсатилган.
*** Маълумот учун кўрсатилган.

2023 йилги **58,5 трлн сўм** миқдоридаги консолидациялашган бюджет **тақчиллигини**, шунингдек **19,1 трлн сўм миқдоридаги асосий қарзни** қайтариш харажатларини қуйидаги манбалардан қоплаш режалаштирилган:

9-жадвал. Тақчилликни молиялаштириш манбалари

Ташқи манбалар	
• ташқи қарз маблағлари – **36,0 трлн сўм**	• Давлат дастурларига ташқи қарзларни жалб қилиш – **7,1 трлн сўм**
Ички манбалар	
• ички бозорга Давлат қимматли қоғозларини чиқариш – **17,0 трлн сўм**	• Давлат активларини хусусийлаштириш ҳисобидан – **6,6 трлн сўм**
• Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг маблағлари ҳисобига – **16,9 трлн сўм**	

Изоҳ: Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларининг йил бошига қолдиқ маблағлари тегишинча 2,1 трлн сўм ва 3,8 трлн сўмга кўпайиши прогноз қилинмоқда.

III. Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетининг 2024 йил учун прогнози ва 2025-2026 йиллар учун мўлжаллари

Қисқача шарҳ

2024 йил учун консолидациялашган бюджет параметрлари прогнози ҳамда 2025–2026 йиллар учун мўлжаллари жаҳон иқтисодиётида давом этаётган ноаниқликлар, жаҳон бозорида нефть, газ, минерал ўғитлар ҳамда озиқ-овқат нархларидаги тебранишларнинг ички бозорга таъсирининг давом этишидан келиб чиқиб ишлаб чиқилди.

Халқаро валюта жамғармасининг октябрь ойидаги ҳисоботида 2023–2024 йилларда жаҳон иқтисодиёти ўсишининг 2022 йилдаги 3,5 фоиздан 2,9 фоизгача, глобал инфляция 2024 йилда 2023 йилдаги 6,9 фоиздан 5,8 фоизгача пасайиши прогноз қилинган.

Жамғарманинг мазкур ҳисоботида келтирилган маълумотларига кўра Ўзбекистон иқтисодиёти 2023-2024 йилларда 5,5 фоизга ўсиши прогноз қилинган.

Миллий прогнозларга кўра ўсиш суръати 2024 йилда 5,6-5,8 фоизни, 2025–2026 йилларда тегишинча 6,2–6,4 фоизни ташкил этиши прогноз қилинган.

Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетининг 2024 йилги даромадлари 375,0 трлн сўм ва харажатлари 427,5 трлн сўм, тақчиллиги 52,5 трлн сўмни ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 4,0 фоиз миқдорида прогноз қилинмоқда.

2024 йилда консолидациялашган бюджет тақчиллигининг ушбу миқдорда белгиланиши жаҳон иқтисодиётидаги ноаниқликлар ва геосиёсий вазиятнинг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсирини юмшатиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, аҳолининг тўлов қобилияти тушиб кетишининг олдини олиш тадбирларига қўшимча маблағлар ажратилиши, тадбиркорларга қўшимча имтиёз ва преференциялар берилиши натижасида бюджет йўқотишларининг келиб чиқиши билан изоҳланади.

Консолидациялашган бюджетнинг 2025-2026 йиллар учун даромадлари мўлжаллари тегишинча 452,6 трлн сўм ва 516,0 трлн сўм, харажатлари эса 498,3 трлн сўм ва 567,6 трлн сўм миқдорида прогноз қилинган. 2025-2026 йилларда консолидациялашган бюджет тақчиллигини ялпи ички маҳсулотга нисбатан 3,0 фоизгача тушириш мақсад қилинган.

2024 йилда Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари тақчиллиги 3,1 фоиз миқдорида прогноз қилинаётган бўлиб, 2025–2026 йилларда тақчиллик тегишинча 1,8-2,2 фоизгача пасайиши прогноз қилинган.

2024 йилда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси тушумлари 18,9 трлн сўм ва харажатлари 32,8 трлн сўм ёки 13,9 трлн сўм тақчиллик билан прогноз қилинган.

3.1. 2024–2026 йиллардаги солиқ ва божхона сиёсатининг асосий йўналишлари

2024–2026 йилларда солиқ ва божхона сиёсати қуйидаги асосий йўналишларни ўз ичига олади.

11-расм. 2024 йил учун солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари

1. Асосий солиқ ставкаларининг ўзгаришсиз қолдирилиши

- *фойда солиғи (15 фоиз), қўшилган қиймат солиғи (12 фоиз), жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (12 фоиз), юридик шахслар мол-мулк солиғи (1,5 фоиз), айланмадан олинадиган солиқ (4 фоиз).*

2. Соғлом турмуш тарзини яхшилаш ва табиатни асраш

- *тамаки, алкоголь ва нефть маҳсулотлари (юқори октанли бензинлардан ташқари) учун акциз солиғи ставкалари индексация қилинмоқда;*
- *таркибида шакар мавжуд бўлган газланган ичимликларга акциз солиғи, автошиналар учун утилизация йиғими;*
- *сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари оптималлаштирилмоқда;*

3. Қўшилган қиймат солиғи “занжири”ни тиклашга қаратилган чоралар

- *дори воситалари, тиббий ва ветеринария хизматлари учун имтиёзлар бекор қилинмоқда;*
- *аҳолига ичимлик суви, санитария тозалаш, иссиқлик таъминоти бўйича кўрсатиладиган хизматлар учун қўшилган қиймат солиғи ноль даражали ставкаси бекор қилинмоқда.*

4. Солиқ имтиёзларини бекор қилиш ва барча тадбиркорлар учун тенг шароит яратиш

- *ўзини ўзи банд қилган жисмоний шахсларнинг йиллик даромади 100 млн сўмдан ошганда якка тартибдаги тадбиркорлар учун ўрнатилган солиққа тортиш тартиби жорий этилмоқда;*
- *Ўзбекистон ҳудудида хизмат кўрсатадиган хорижий жисмоний шахсларни қўшилган қиймат солиғига тортиш белгиланмоқда;*
- *электрон тижорат иштирокчилари учун фойда солиғи (7,5 фоиз) ва айланмадан олинадиган солиқ (2 фоиз) бўйича имтиёзли солиқ ставкалари бекор қилинмоқда.*

5. Автомобиль йўлларини яхшилаш

- *10 тоннадан оғир юк кўтариш қувватига эга юк машиналарига базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 баробари миқдорида йиғим жорий қилинмоқда.*

6. Пасайтирилаётган солиқ ставкалари

- *сигареталар импортига акциз солиғи ставкалари **5** фоизга;*
- *ароқ, коньяк ва бошқа алкоголь маҳсулотлари, вино ва пиво импортида акциз солиғи ставкаларини 5 фоиз;*
- *ер қаъридан фойдаланганлик учун цемент ишлаб чиқаришга мўлжалланган оҳактош бўйича белгиланган 22 500 сўм солиқ ставкаси 1 тонна учун 11 250 сўмгача.*

1-йўналиш. Сақлаб қолинадиган солиқ ставкалари.

Қулай тадбиркорлик муҳитини таъминлаш мақсадида, асосий солиқ турлари – адвалор солиқ ставкаларини сақлаб қолиш таклиф этилмоқда.

а) 2024 йилда фойда солиғининг базавий ставкаси 15 фоиз, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи 12 фоиз, ижтимоий солиқ 12 фоиз (бюджет ташкилотлари учун 25 фоиз), айланмадан олинадиган солиқнинг базавий ставкаси 4 фоиз, шунингдек, чет давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ва унинг ҳудуди орқали транзити учун йиғим ҳамда алкоголь маҳсулотларини реализация қилиш ҳуқуқи учун йиғимлар ўзгаришсиз сақлаб қолинади;

б) қўшилган қиймат солиғи ставкаси 12 фоизда сақлаб қолинмоқда;

в) мобил алоқа хизматлари учун акциз солиғи ставкаси (10 фоиз) сақлаб қолинмоқда;

г) қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун ер солиғи қишлоқ хўжалиги экинзорларининг норматив қийматига нисбатан белгиланган 0,95 фоиз солиқ ставкаси сақлаб қолинмоқда;

д) юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси 1,5 фоизда сақлаб қолинади.

2-йўналиш. Соғлом турмуш тарзини ва табиатни асрашни рағбатлантириш йўналишида.

- **2024 йил 1 январдан** фильтрланган ва фильтрсиз сигареталар ҳамда бошқа тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун акциз солиғи ставкалари **12 фоиз** миқдорида индексация қилинмоқда, шунингдек, Жаҳон савдо ташкилоти талабларига мувофиқ акциз солиғи ставкалари маҳаллий ишлаб чиқариладиган ва импорт қилинадиган маҳсулотлар учун бир хил бўлиши лозимлигидан келиб чиқиб, сигареталар импортига акциз солиғи ставкалари **5 фоизга** пасайтирилмоқда;

- Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсияларига кўра, алкоголли маҳсулотлар нархида акциз солиғининг улуши 60 фоиздан кам бўлмаслиги зарурлигидан келиб чиқиб, **2024 йил 1 январдан** спиртга акциз солиғи ставкасини **икки бараварга**, яъни 1 литри учун 7,4 минг сўмдан 14,9 минг сўмгача ошириш таклиф этилмоқда.

Шунингдек, **2024 йил 1 июлдан** бошлаб республикада ишлаб чиқарилган алкоголли маҳсулотлар учун акциз солиғи ставкаларини **5 фоизга** индексация қилиш кўзда тутилмоқда.

Шу билан бирга, Жаҳон савдо ташкилоти талабларига мувофиқ акциз солиғи ставкалари маҳаллий ишлаб чиқариладиган ва импорт қилинадиган маҳсулотлар учун бир хил бўлиши лозимлигидан келиб чиқиб, **2024 йил 1 январдан** арақ, коньяк ва бошқа алкоголь маҳсулотлари, вино ва пиво

импортида акциз солиғи ставкаларини **5 фоиз бандга** пасайтириш пасайтириш кўзда тутилмоқда.

- аҳоли саломатлигига салбий таъсирларни камайтириш ва табиатга келтириладиган зарарларни қисқартириш мақсадида таркибида зарарли газ моддалари улуши юқори бўлган бензин маҳсулотларига акциз солиғи ставкаси индексация қилинмоқда ва **Евростандарт талабларига жавоб берадиган** бензин маҳсулотларига амалдаги **ставка сақланиб қолинмоқда**.

Хусусан, **2024 йил 1 апрелдан** бошлаб нефть маҳсулотлари учун амалдаги акциз ставкалари **12 фоизга** индексация қилинмоқда, бунда АИ-91 ва ундан юқори октанли бензинга акциз солиғи ставкалари сақланиб қолинмоқда.

а) Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг таркибида шакар ва бошқа турдаги ширинлантирувчи моддалар мавжуд алкоголсиз ичимликлар учун қўшимча солиқ киритиш бўйича тавсиясидан келиб чиқиб, **2024 йил 1 апрелдан** таркибида шакар мавжуд бўлган газланган ичимликларга **1 литр учун 500 сўм** миқдорида **акциз солиғи жорий этилмоқда**;

Ушбу акциз солиғидан келиб тушган маблағларни тўлиғича Тиббиётни ривожлантириш жамғармасига йўналтириш таклиф этилмоқда.

Таркибида шакар ёки бошқа турдаги ширинлаштирувчи моддалар мавжуд бўлган ичимликларни солиққа тортиш дастлаб Бельгия, Финляндия, Франция, Венгрия, Ирландия, Латвия, Монако, Норвегия, Португалия ва Буюк Британия каби давлатларда жорий этилган ва ушбу амалиёт 2016 йилдан кейин бошқа мамлакатларда ҳам кенг тарқалган.

Бугунги кунда 50 дан ортиқ мамлакатларда мазкур турдаги ичимликлардан акциз солиғи ундириб келинмоқда. Бундай солиқ МДҲга аъзо давлатлар – Россия Федерациясида, Қирғизистонда, Тожикистонда ва Озарбайжонда ҳам жорий этилган.

Европа Иттифоқи мамлакатларида солиқ ставкаси ичимликларнинг бир литри учун 0,07 - 0,2 евро, Россия Федерациясида 7 рубль (ёки 0,07 АҚШ доллари), Украинада 0,1 еврони ташкил қилади.

б) автомобиль шиналарини утилизация қилишда табиатга зарар етказилаётганлиги ҳамда ушбу йиғимдан тушган маблағлар ижтимоий аҳамиятга эга дастурларни молиялаштиришга йўналтириш мақсадида, **2024 йил 1 июлдан** бошлаб автомобиль шиналарининг бир донаси вазнидан (кг учун) келиб чиққан ҳолда базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,3 фоизи миқдорида **утилизация йиғимини** жорий этилмоқда;

Бунда, шиналарнинг ўртача вазнидан келиб чиққан ҳолда утилизация йиғими миқдори енгил автомобиллар учун ўлчами R13дан R20гача бўлган шиналарига 6,2 минг сўмдан 16,2 минг сўмгача, юк автомобиллар учун ўлчами R16дан R18гача бўлган шиналарга 11,3 минг сўмдан 58,8 минг сўмгача ташкил этади.

Қозоғистонда енгил автомобиль шинаси (R13) донаси учун 7,9 минг сўм, юк машинасига (R18) 78,4 минг сўм миқдорида утилизация йиғими ундирилади.

Ушбу йиғимдан келиб тушган маблағлар атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва “**Яшил макон**” дастури доирасидаги лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтириш таклиф этилмоқда.

Шиналарга утилизация йиғим жорий этиш амалиёти Россия Федерацияси, Қозоғистон каби давлатларда мавжуд.

в) оғир юк машиналари томонидан республика ва маҳаллий даражадаги йўллардан фойдаланишда уларни яроқсиз ҳолга келтириш ҳолатлари кўплаб учрамоқда, шундан келиб чиқиб, оғир юк машиналари томонидан етказилаётган зарарларни қоплаш мақсадида, **2024 йил 1 апрелдан** юк кўтариш қуввати 10 тоннадан оғир юк машиналари учун йиллик базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 баравари миқдорида **йўл йиғимини** жорий этиш таклиф этилмоқда;

Бунда ушбу йиғимдан келиб тушган маблағларни умумфойдаланишдаги йўлларни сақлаш ва жорий таъмирлаш учун Автомобиль йўлларини ривожлантириш мақсадли жамғармасига йўналтириш таклиф этилмоқда.

Латвияда оғирлиги 3,5 тоннадан оғир юк машиналари учун 365 евро (4,7 млн сўм), 12 тоннагача бўлганлар учун 660 евро (8,5 млн сўм) ва 12 тоннадан оғир бўлганлар учун 828 евро (10,6 млн сўм) йиллик йиғимлар жорий қилинган.

Шунингдек, Австралияда оғирлиги 4,5 тоннадан ортиқ, Германияда оғирлиги 12 тоннадан ортиқ ва Буюк Британияда умумий оғирлиги 3,5 тоннадан ортиқ транспорт воситалари учун йиллик тўловлар мавжуд.

г) 2024 йил 1 январдан қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш ва балиқ етиштириш (ўстириш) учун фойдаланиладиган сув ҳажми бўйича солиқ ставкасини 1 $м^3$ учун:

- сув ўлчагичларисиз анъанавий усулда суғоришда **80 сўм этиб белгилаш**;

Бунда, қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш ва балиқ етиштириш (ўстириш) учун ишлатиладиган сув ҳажми бўйича сув ўлчаш мосламалари асосида аниқланган сув ҳажмига нисбатан сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкасига **0,7 камайтириш** коэффициентини қўллаш тартиби сақлаб қолинади.

- қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш ва балиқ етиштириш (ўстириш) учун фойдаланиладиган сув ҳажми бўйича ундирилган солиқ суммасининг 25 фоиз миқдори (20 сўм) сув етказиб бериш учун махсус сув хўжалиги хизматларига йўналтирилишини белгилаш;

Бунда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг сув етказиб бериш бўйича сув хўжалиги махсус хизматларига тўловларини бекор қилиш таклиф қилинмоқда.

д) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари (қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш ва балиқ етиштириш учун фойдаланиладиган сув ҳажмидан ташқари):

- саноат корхоналари, электр станциялари, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари, шунингдек автотранспорт воситаларини ювиш, алкоголсиз ичимликлар ва алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган сув ҳажми – ўртача **12 фоизга**,

- иқтисодиётнинг бошқа барча тармоқларидаги корхоналар ва якка тартибдаги тадбиркорлар учун эса – ўртача **30 фоизга** индексация қилинмоқда;

3-йўналиш. Қўшилган қиймат солиғи занжирининг яхлитлигини ва узлуксизлигини таъминлаш ҳамда тадбиркорлар учун тенг шароитлар яратиш.

а) Тиббий ва ветеринария хизматлари учун солиқ имтиёзларини бекор қилиш, қўшилган қиймат солиғи "**занжири**" узлуксизлигини таъминлаш ҳамда сотиб олинган товарлар ва хизматлар учун тўланган қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳисобга (зачетга) олиш имконини яратиш, шунингдек хизматлар таннархи ошишини олдини олиш мақсадида:

2024 йилнинг 1 апрелидан бошлаб қўшилган қиймат солиғи бўйича қуйидаги имтиёзларни бекор қилиш таклиф қилинмоқда:

- дори воситалари, шунингдек ветеринария дори воситалари, тиббиёт ва ветеринария буюмларини реализация қилиш, олиб кириш ҳамда уларни ишлаб чиқариш учун четдан олиб келинган хомашё;

Дори воситалари айланмасига қўшилган қиймат солиғи солиниши амалиёти Россия, Белоруссия, Озарбайжон, Арманистон, Германия, Буюк Британия, АҚШ, Жанубий Корея, Сингапур каби давлатларда мавжуд .

- тиббий ва ветеринария хизматлари.

Тиббий хизматлардан қўшилган қиймат солиғини тўлаш Озарбайжон, Арманистон, АҚШ, Франция, Грузия, Хитой ва Сингапур каби давлатларда мавжуд.

Шу билан биргаликда ижтимоий реестрга киритилган фуқароларга харид қилган дори воситалари бўйича қўшилган қиймат солиғи суммаси "кэшбек" сифатида қайтарилиши белгиланмоқда.

б) 2024 йилнинг 1 апрелидан бошлаб қўшилган қиймат солиғи бўйича, аҳолига сув таъминоти, шунингдек канализация, санитария тозалаш, иссиқлик таъминоти бўйича кўрсатиладиган хизматлар бўйича қўшилган қиймат солиғининг "ноль" даражали ставкасини бекор қилиш таклиф қилинмоқда;

Германия, Россия, Қозоғистон, Грузия, Украина каби давлатларда иссиқлик ва сув таъминоти, канализация, санитария тозалаш, бўйича кўрсатиладиган хизматлар учун қўшилган қиймат солиғи ҳисобланади.

в) бир хил фаолият билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари учун тенг шарт-шароит яратиш мақсадида, **2024 йилнинг 1 апрелидан бошлаб** Ўзбекистон ҳудудида хизмат кўрсатадиган хорижий жисмоний шахсларни қўшилган қиймат солиғига тортиш орқали мазкур солиқ тўловчилар тоифасини кенгайтириш таклиф қилинмоқда;

Россияда хорижий якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан кўрсатилган импорт хизматлари қўшилган қиймат солиғига тортилади.

г) савдо фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига тенг рақобат муҳитини шакллантириш мақсадида **2024 йил 1 апрелдан** бошлаб электрон тижорат иштирокчилари учун фойда солиғи (7,5 фоиз) ва айланмадан олинадиган солиқ (2 фоиз) бўйича имтиёзли солиқ ставкаларини бекор қилиш таклиф қилинмоқда.

Электрон тижорат фаолияти учун Германия, Япония, Жанубий Корея, Қозоғистон, Россия Федерацияси каби давлатларда электрон тижоратдан олинган фойдадан белгиланган тартибда солиқ тўланади.

д) ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг фаолиятидан олган даромадларини солиққа тортишни такомиллаштириш ҳамда солиқдан қочишнинг олдини олиш мақсадида, ўзини ўзи банд қилган жисмоний шахслар бўйича – йиллик даромади 100 млн сўмдан ошганда якка тартибдаги тадбиркорлар учун ўрнатилган солиққа тортиш тартибини *(айланмадан олинадиган солиқ 4 фоиз)* жорий қилиш;

Бунда, жисмоний шахсларнинг йиллик даромади 100 млн сўмгача бўлганда солиққа тортилмаслик тартиби сақлаб қолинади.

Буюк Британияда, Европа Иттифоқи мамлакатлари, Россия Федерацияси, Қозоғистон, Белоруссия мамлакатларида ўзини ўзи банд қилган шахслар ўз фаолиятидан олган даромадларидан солиқ тўлайдилар.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги ПҚ-4742-сон қарори билан тасдиқланган ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхатини Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 январдаги 6-сон қарори билан тасдиқланган якка тартибдаги тадбиркорлар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатини ўзаро солиштирган ҳолда, ўзини-ўзи банд қилиш фаолияти турларини қайта кўриб чиқиладиш мўлжалланмоқда.

4-йўналиш. Абсолют қийматда белгиланган солиқ ставкаларни қайта кўриб чиқиш ва ставкалардаги ўзгаришлар.

Давлат бюджети даромадлари барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотдаги улушини сақлаб қолиш мақсадида мутлақ қийматда ўрнатилган айрим солиқ турларини индексация қилиш таклиф этилмоқда:

а) **2024 йил 1 февралдан** якка тартибдаги тадбиркорларнинг қатъий белгиланган миқдорлардаги солиқ ставкаларини 10 фоизга индексация қилиш;

б) мулкни ижарага берувчилар учун:

1) **2024 йил 1 январдан бошлаб** жисмоний шахслар учун белгиланган ойлик минимал ижара ставкаларини қуйидаги миқдорларда белгилаш:

- турар жойлар учун Тошкент шаҳрида бир кв метр учун 25 минг сўм, вилоят марказларида 12,0 минг сўм ва бошқа ҳудудларда 5,0 минг сўм;

- нотурар жойлар учун Тошкент шаҳрида бир кв метр учун 40,0 минг сўм, вилоят марказларида 23,5 минг сўм ва бошқа ҳудудларда 10 минг сўм;

- енгил автомобиллар (йўловчилар, багаж ташишга мўлжалланган ҳамда ҳайдовчи ўрнини ҳисобламаганда, ўриндиқлари сони 8 тадан кўп бўлмаган автотранспорт воситаси) учун 780,0 минг сўм, микроавтобуслар, автобуслар ва юк автомобиллари учун 1 550,0 минг сўм миқдорида ойлик минимал ижара миқдорларини белгилаш.

2) **2024 йил 1 апрелдан** бошлаб жисмоний шахслар учун кўчмас мулкдан текин фойдаланиш шартномаларига (яқин қариндошлар ўртасидаги шартномалардан ташқари) ва юридик шахслар томонидан кўчмас мулкдан текин

фойдаланиш шартномаларига ижара ҳақининг энг кам ставкаларини жорий этиш;

3) туман ва шаҳарлар Халқ депутатлари кенгашларига ҳудудларда кўчмас мулк ижара бозорида шаклланган ҳақиқий ижара нархларидан келиб чиқиб, маҳаллалар кесимида 3 бараваргача оширувчи коэффициент қўллаш ваколатини бериш;

4) жисмоний шахслар томонидан берилган мол-мулк ижарасидан даромад солиғининг 10 фоизини маҳалла бюджетига йўналтириш таклиф этилмоқда.

в) **2024 йил 1 январдан бошлаб** айланмадан олинадиган солиқнинг қатъий белгиланган суммадаги солиқ ставкасини солиқ тўловчининг товар айланмаси 500 млн сўмгача бўлганда йилига 25 млн сўм *(амалда 20 млн сўм)*, 500 млн сўмдан юқори бўлганда эса 34 млн сўм *(амалда 30 млн сўм)* миқдорида белгилаш;

г) **2024 йил 1 январдан бошлаб**:

юридик шахслар мол-мулк солиғини ҳисоблаб чиқаришда бино ва иншоотлар бўйича солиқ базасини (линияли объектлар ва тугалланмаган қурилиш объектлари бундан мустасно) белгилашда 1 кв. метр учун мутлақ қийматда белгиланган минимал қиймат оширилиб, Тошкент шаҳрида – **уч миллион** сўм, Нукус шаҳри ва вилоят марказларида – **икки миллион** сўм ва қолган ҳудудларда – **бир миллион икки юз минг** сўм этиб белгиланмоқда. Бунда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари учун туманларда объектларнинг белгиланган минимал қийматига камайтирувчи коэффициентларни белгилаш ҳуқуқи сақланиб қолинади;

жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғини ҳисоблаш учун солиқ базасини аниқлашда, нотурар жой объектлари учун ҳам татбиқ этиш, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблашда минимал қийматдан фойдаланган ҳолда солиққа тортиш тартиби билан бир хилда солиққа тортиш тартибини жорий қилиш;

нотурар жой учун мўлжалланган кўчмас мулк объектлари жисмоний ёки юридик шахсга тегишлилигидан қатъи назар, уларни солиққа тортишда тенг шароитлар яратиш, шунингдек кўчмас мулк объектларининг бозор қийматига яқин бўлган кадастр қиймати асосида мол-мулк солиғини ҳисоблаш механизмини босқичма-босқич жорий этиш мақсадида амалга оширилмоқда.

д) **2024 йил 1 январдан бошлаб**:

- жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи ставкалари ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер солиғининг базавий ставкалари ўртача **12 фоизга**;

- 2024 йилда жисмоний шахслар учун кўчмас мулк турар жой объектлари қисми бўйича мол-мулк солиғи ва ер солиғи суммаси 2023 йилда мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича ҳисобланган солиқ суммасидан ошмаслиги бўйича

чеклов қўллаш ушбу солиқлар бўйича ҳисобланган солиқ суммасининг 1,3 бараваридан оширмаслик амалиёти сақлаб қолинади;

- ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича алоҳида турдаги, қатъий белгиланган солиқ ставкалари (цемент ишлаб чиқариш учун мўлжалланган охактошдан ташқари) 12 фоизга индексация қилинмоқда;

е) “Навоий кон-металлургия комбинати” ва “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖларининг барча конлари, шунингдек “янги” конлари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларини олтин учун 10 фоиз, палладий, кумуш ва мис учун 15 фоиз миқдорида, “Навоийуран” АЖ учун уран бўйича 16 фоиз миқдорда белгилаш таклиф қилинмоқда;

ё) ер қаъридан фойдаланганлик учун цемент ишлаб чиқаришга мўлжалланган оҳактош бўйича белгиланган 22 500 сўм солиқ ставкаси 1 тонна учун 11 250 сўмгача пасайтирилмоқда.

Шунингдек, цемент ишлаб чиқариш учун фақат кўмирдан фойдаланувчи заводлар учун белгиланган камайтирилган солиқ ставкалари бекор қилинмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 4 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2023 йилдаги очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-292-сон қарорида белгиланган солиқ сиёсати билан боғлиқ вазифалар бўйича алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари тайёрланган.

Шунингдек, солиқ маъмурчилигини такомиллаштиришга оид бир қатор таклифлар тайёрланмоқда.

Шу билан бирга, ўрта муддатли рақамли иқтисодиётни, хусусан трансмиллий рақамли корпорацияларни босқима-босқич солиққа тортишни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилади.

3.1.1. Давлат бюджети даромадларининг 2024 йилги прогнози ва 2025 – 2026 йиллар учун мўлжаллари

Солиқ сиёсатида кўзда тутилаётган ўзгаришлар ҳамда иқтисодий ўсиш кўрсаткичларидан келиб чиқиб, 2024 йил учун Давлат бюджети даромадлари прогнози **270,6 трлн сўм** ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан **20,8 фоиз** миқдорида белгиланмоқда.

10-жадвал. 2024 йилда Давлат бюджети даромадлари прогнози, *трлн сўм*

Солиқ турлари	2023 йил кутилаётган	2024 йил прогноз	Фоизда
Давлат бюджети даромадлари, жами	**233,6**	**270,6**	**115,8**
Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоизда	*22,0*	*20,8*	
Бевосита солиқлар	**73,3**	**85,6**	**116,8**
Фойда солиғи	40,9	44,3	108,3
Айланмадан олинадиган солиқ	2,8	2,9	103,0
Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	29,6	38,5	130,1
Билвосита солиқлар	**85,9**	**111,6**	**129,4**
Қўшилган қиймат солиғи	60,0	74,0	123,5
Акциз солиғи	16,4	22,7	136,3
Божхона божи	9,6	14,8	154,8
Ресурс солиқлари	**28,3**	**31,8**	**112,4**
Мол-мулк солиғи	5,6	6,7	119,6
Ер солиғи	6,8	7,2	105,9
Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	15,0	16,5	110,0
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	0,9	1,3	144,4
Бошқа даромадлар	**46,1**	**41,6**	**90,2**

Даромадларни прогнозлаштиришда 2023 йил кутилаётган даромадлардан келиб чиқиб, табиий фойдали қазилмаларнинг қазиб олиш ҳажмлари ва уларнинг жаҳон бозоридаги нархлари бўйича кутилмалари, “Навоий кон-металлургия комбинати” ва “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” корхоналарининг молиявий кўрсаткичлари, 2023 йилда берилган солиқ имтиёзлари ҳамда 2024 йилги мўлжалланган солиқ-бюджет сиёсатидаги ўзгаришлардан келиб чиқиб ҳисобланган.

Шунингдек, 2024 йил учун давлат бюджети даромадлари прогнозини ишлаб чиқишда қуйидагилар инобатга олинган:

- инфляция даражаси **8-10 фоиз** бўлган ҳолда ялпи ички маҳсулотнинг **5,6-5,8 фоизга** ўсишини таъминловчи мамлакатнинг 2024 йил учун ижтимоий-иқтисодий ривожланиш прогнози;

- жаҳон бозоридаги олтин (1 800 АҚШ долл/троя унция) ва мис нархларига (7 800 долл/тн) “эҳтиёткорлик” тамойили асосида ёндашиш;


- импорт ҳажмининг ошиши (36,3 млрд АҚШ долларидан 41,8 млрд АҚШ долларга);

- даромадларнинг салмоқли қисмини ташкил қилувчи асосий маҳсулотлар ва акциз солиғига тортиладиган товарларнинг ишлаб чиқариш ҳажмлари (алкогол маҳсулотлари 43,2 млн далл, тамаки 12 млрд дона, табиий газ 48,2 млрд метр куб);

- қўшилган қиймат солиғи занжирининг яхлитлигини ва узулуксизлигини таъминлаш мақсадида айрим имтиёзларнинг бекор қилиниши *(дори воситалари, тиббиёт ва ветеринария буюмлари, тиббий ва ветеринария хизматлари);*

- айрим озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари, янги қурилиш ва махсус техникалар ҳамда юк ташиш транспорт воситалари, туризм хизматлари учун олиб киришда тақдим қилинган божхона тўловларидан имтиёзларнинг муддати тугаётганлиги.

12-расм. 2024 йил Давлат бюджети даромадлари, *трлн сўм*



Бевосита солиқлар

Бевосита солиқлар бўйича тушумлар 85,6 трлн сўм ёки 2023 йилги кутилаётган ижрога нисбатан 12,3 трлн сўмга (117 фоиз) кўп бўлиши прогноз қилинмоқда.

2024 йилда **бевосита солиқлар** Давлат бюджети даромадлари прогнозининг **31,7 фоизини** ташкил этади.

Фойда солиғи бўйича тушумлар 44,3 трлн сўм ёки 2023 йилги кутилаётган ижрога нисбатан 3,4 трлн сўмга (108,3 фоиз) кўп бўлиши прогноз қилинмоқда.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича тушумлар 38,5 трлн сўм ёки 2023 йилги кутилаётган ижрога нисбатан 8,9 трлн сўмга (129,9 фоиз) кўп бўлиши прогноз қилинмоқда.

Айланмадан олинадиган солиқ бўйича тушумлар 2,9 трлн сўм прогноз қилинмоқда.

Билвосита солиқлар

Билвосита солиқлар бўйича тушумлар 111,6 трлн сўм ёки 2023 йилги кутилаётган ижрога нисбатан 25,7 трлн сўмга (129,9 фоиз) кўп бўлиши прогноз қилинмоқда.

2024 йилда **билвосита солиқлар** Давлат бюджети даромадларнинг асосий қисмини ташкил қилиб, умумий даромадлар прогнозининг **41,3 фоизини** ташкил этади.

Қўшилган қиймат солиғи бўйича тушумлар 74,0 трлн сўм ёки 2023 йилги кутилаётган ижрога нисбатан 14,1 трлн сўмга (123,5 фоиз) кўп бўлиши прогноз қилинмоқда.

Шу билан бирга, солиқ тўловчиларга қўшилган қиймат солиғининг **24,7 трлн сўмини** (жами қўшилган қиймат солиғи бўйича йиғиладиган маблағларнинг **25,0 фоизи**) қайтариб бериш прогноз қилинган.

Акциз солиғи бўйича тушумлар 22,7 трлн сўм ёки 2023 йилги кутилаётган ижрога нисбатан 6,3 трлн сўмга (138,7 фоиз) кўп бўлиши прогноз қилинмоқда.

Божхона божлари бўйича тушумлар 14,8 трлн сўм ёки 2023 йилги кутилаётган ижрога нисбатан 5,3 трлн сўмга (154,8 фоиз) кўп бўлиши прогноз қилинмоқда.

Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғи

Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғи бўйича тушумлар 31,8 трлн сўм ёки 2023 йилги кутилаётган ижрога нисбатан 3,5 трлн сўмга (112,4 фоиз) кўп бўлиши прогноз қилинмоқда.

2024 йилда **ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғи** Давлат бюджети даромадлари прогнозининг **11,8 фоизини** ташкил этади.

Прогноз кўрсаткичларига кўра, ресурс солиқларининг асосий, яъни **52,4 фоизи** қисми **ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ**ка тўғри келади.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича тушумлар 16,7 трлн сўм ёки 2023 йилги кутилаётган ижрога нисбатан 1,6 трлн сўмга (110,9 фоиз) кўп прогноз қилинмоқда.

Мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича тушумлар 15,1 трлн сўм ёки 2023 йилги кутилаётган ижрога нисбатан 1,9 трлн сўмга (114,0 фоиз) кўп бўлиши прогноз қилинмоқда.

Бошқа солиқсиз тушумлар

Бошқа солиқсиз тушумлар 41,6 трлн сўм ёки 2023 йилги кутилаётган ижрога нисбатан 4,2 трлн сўмга (90,8 фоиз) кам бўлиши кутилмоқда.

2024 йилда **бошқа солиқсиз тушумлар** Давлат бюджети даромадлари прогнозининг **15,4 фоизини** ташкил этади.

Бунда, дивидендлар ва давлат унитар корхоналари соф фойдасидан тушумлар 23,8 трлн сўм, шу жумладан, “Навоий кон-металлургия комбинати” ва “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятлари корхоналари дивидендларидан 18,6 трлн сўм тушиши прогноз қилинган.

Давлат бюджети даромадларининг 2025-2026 йилларга мўлжаллари.

2025-2026 йиллар учун Давлат бюджети даромадлари мўлжаллари асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнозидан ва солиқ-божхона сиёсатидаги кўзда тутилаётган ўзгаришлардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган.

Кўзда тутилаётган ўзгаришлар, иқтисодий ўсиш кўрсаткичларидан келиб чиқиб, 2025 йил учун Давлат бюджети даромадлари мўлжаллари **331,0 трлн сўм**, 2026 йилда **379,0 трлн сўм** миқдорида белгиланмоқда.

11-жадвал. Иқтисодий ўсишдан келиб чиқиб ўрта муддатли даврда Давлат бюджети даромадлари прогнози ва мўлжаллари, *трлн сўм*

Солиқ турлари	2024 йил прогноз	2025 йил мўлжал	2026 йил мўлжал
Давлат бюджети даромадлари, жами	**270,6**	**331,0**	**379,0**
Бевосита солиқлар	**85,6**	**102,8**	**120,4**
Билвосита солиқлар	**111,6**	**144,0**	**163,4**
Ресурс солиқлари	**31,8**	**35,7**	**39,9**
Бошқа даромадлар	**41,6**	**48,5**	**55,3**

3.2. 2024–2026 йиллардаги бюджет сиёсати концепциясининг асосий йўналишлари

Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг изчиллигини таъминлаш, улар бўйича аниқ қадамларни белгилаш, халқаро молия ташкилотларининг прогнозлари ҳамда таклифларини инобатга олган ҳолда Ҳукумат кейинги ўрта муддатли даврга мўлжалланган бюджет сиёсатининг **устувор йўналишлар** сифатида қуйидагиларни амалга оширишни ўз олдига мақсад қилиб олди.

Бюджет сиёсати “Ўзбекистон – 2030” Стратегияси ва 2020–2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегиясида белгиланган йўналиш ва мақсадларга мувофиқ амалга оширилади.

1) **Узоқ муддатда фискал барқарорликни таъминлаш.**

Бунда, узоқ муддатда фискал **барқарорликни** таъминлаш бўйича киритилган **фискал қоидалар**га қатъий амал қилиш, жумладан:

давлат қарзининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан **60 фоизлик** макроиқтисодий хавфсиз даражадан ошиб кетмаслиги учун барча чораларни кўриш, бунда 50 фоиздан ошмаслиги учун ўрта муддатларга мўлжалланган давлат қарзини бошқариш стратегиясини амалга ошириш;

бюджет тақчиллигини 2024 йилда ялпи ички маҳсулотга нисбатан **4,0 фоиздан** ошиб кетмаслигини қатъий таъминлаш, ўрта муддатли даврда бюджет тақчиллигини 3 фоиздан пастга тушириш;

давлат ғазначилик облигацияларини чиқаришнинг чекланган соф ҳажмини босқичма-босқич ошириб бориш орқали **валюта хатарларини камайтириш** ҳамда **ташқи қарзларни жалб қилиш** бўйича **йиллик имзоланадиган** янги битимларнинг чекланган ҳажми ошишининг олдини олиш.

2) **Бюджет маблағлари самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш.**

Йиллик бюджетни шакллантиришда **“Натижага йўналтирилган бюджет”** тизимини босқичма-босқич тўлақонли жорий этиш.

“Натижага йўналтирилган бюджет” тизими билан **2024 йилда** Давлат бюджети харажатларининг **20 фоизини**, **2025 йил 30 фоизини, 2030 йилга** келиб **60 фоизини** мақсадли индикаторлар билан қамраб олиш.

3) **Бюджет очиқлигини таъминлаш ҳамда бюджетни шакллантиришда фуқаролар иштирокини янада ошириш.**

Бюджет маблағлари сарфланишида жамоатчилик назоратини кучайтиришни таъминлаш мақсадида аҳолининг бюджет маблағларини тақсимлаш жараёнидаги фаол иштирокини янада кенгайтириш. Бунда:

“Маҳалла бюджети” лойиҳасини ишга тушириш;

овоз беришда фуқароларни идентификация қилиш механизмини жорий этиш ҳамда овоз бериш жараёнларини алоҳида мавсумларда ўтказиш ва ҳар сафар ғолиб бўлаётганларга танаффус эълон қилиш амалиётини татбиқ этиш орқали соғлом рақобат муҳитини яратиш.

4) **Давлат секторида ички назорат ва ички аудитни такомиллаштириш.**

Давлат секторида ички назорат ва ички аудитни такомиллаштириш бўйича ўрта муддатда қуйидаги асосий вазифаларни амалга ошириш лозим:

Ўзбекистонда ички назорат тизимининг концептуал асосларини яратиш;

давлат секторида ички аудит тизимини қонунчилик даражасидаги асосларини мустаҳкамлаш;

ички аудит хизматлари фаолиятини рақамлаштириш ва ахборот технологияларини жорий этиш.

5) Давлат бюджети лойиҳасини тайёрлаш ҳамда кўриб чиқишда **Миллий барқарор ривожланиш мақсадларини** акс эттириш.

Бунда:

Миллий барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича бюджет маркировкасини амалга ошириш;

Давлат бюджетини тузишда Миллий барқарор ривожланиш мақсадлари натижаларини ҳисобга олиш;

Миллий барқарор ривожланиш мақсадларини Давлат бюджети параметрларига киритиш;

Миллий барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун йўналтирилаётган бюджет харажатларини баҳолаш услубиётини ишлаб чиқиш;

Давлат бюджети лойиҳасини шакллантириш ва ижроси бўйича ҳисоботларда бюджет харажатларининг барқарор ривожланиш миллий мақсадларига мувофиқлигини жорий этиш.

Шу билан бирга, комплекс молиялаштириш тизимини яратиш, шунингдек, қўшимча молиявий ресурсларни жалб қилиш учун инновацион воситалар ва молиялаштириш механизмларини жорий этиш мақсадида **Комплекс миллий молиялаштириш стратегиясин**и ишлаб чиқиш бўйича ишларни бошлаш режалаштирилган.

6) Аҳоли турмуш даражасини ошириш ҳамда фуқароларнинг реал даромадлари ўсишини таъминлаш мақсадида **иш ҳақи** ва **пенсия** миқдорларини ошириб бориш.

12-жадвал. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, *млрд сўм*

	2023 йил кутилаётган ижро	**2024 йил прогноз**	**Фарқи**	
			суммада	**фоизда**
I. Давлат бюджетидан	**130 633**	**157 569**	**+26 936**	**+20,6**
Давлат бюджети жами харажатлардаги улуши, фоизда	***46,3***	***50,4***	**-**	**-**
1. Иш ҳақи ва ижтимоий солиқ	108 152	133 355	+25 203	+22,8
2. Стипендиялар	1 597	1 958	+361	+22,6
3. Ижтимоий нафақалар	16 479	17 593	+1 114	+6,8
II. Пенсия жамғармасидан	**53 853**	**63 137**	**9 284**	**+17,2**
ЖАМИ	**184 486**	**220 707**	**36 221**	**+19,6**

Бунда, жорий йил охиригача шаклланган инфляция миқдори йил давомида бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи ва пенсия миқдорларининг оширилган фоизларидан юқори бўлган тақдирда, келгуси молия йилининг январь ойидан иш ҳақи ва пенсияларни ушбу фоизларга ошириш орқали компенсация қилиш тартиби жорий этилади.

7) Бюджет сиёсатида **инсон капитали ривожланишига** доир харажатлар устуворлигини таъминлаш.

Бунда, кейинги йилларда ҳам бюджет харажатларининг таркибида таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, фан, маданият ва спортни ривожлантириш, муҳтож аҳолини уй-жой билан таъминлаш ва бошқа ижтимоий тадбирлар учун жами Давлат бюджети харажатларининг асосий қисми йўналтирилади.

8) "**Яшил бюджетлаштириш**" тамойилларини босқичма-босқич жорий этиш. Бунда Давлат бюджетини иқлим жиҳатидан маркировкалаш ва "яшил" харажатлар услубиёти асосида тасдиқланган бюджет харажатларини иқлим ўзгариши билан боғлиқлиги бўйича маркировкалаш ҳамда ўрта муддатли давр учун Фискал стратегия, Бюджетнома, шунингдек, "Фуқаролар учун бюджет" ахборот нашрларида эълон қилиб борилади.

9) **Давлат-хусусий шериклик** асосида амалга ошириладиган лойиҳаларни даромадлилиги ва Давлат бюджетига юкини инобатга олиб, уларни таснифлаш ҳамда лойиҳа йўналишлари бўйича бошқариш тизимини жорий этиш.

10) Гендер тенгликка эришишни бюджет жараёнларига интеграциялаш орқали **гендер тенгликка йўналтирилган бюджетлаштириш** ҳамда гендер жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда дастурий бюджетлаштириш тизимини амалиётга босқичма-босқич жорий этиш.

11) **Инвестиция дастурларини шакллантириш ва ижро этиш** тизимини янада такомиллаштириш.

Жаҳон Банки томонидан ўтказилган Давлат харажатларининг шарҳида Ўзбекистонда давлат инвестицияларини бошқариш соҳасини такомиллаштириш бўйича бир қатор тавсиялар берилган. Бунда асосий йўналишлар сифатида қуйидагилар келтирилган:

- давлат инвестиция харажатларини бошқариш жараёнини бюджет жараёни билан уйғунлаштириш;

- давлат инвестицияларининг самарали бошқаруви учун ахборот тизимини шакллантириш;

- инвестиция лойиҳаларининг аҳамияти ва молиявий риск даражаси юқори бўлган ҳамда яқиндан назоратни талаб қиладиган йирик лойиҳаларга тақсимлаш;

- ҳар бир киритилаётган лойиҳанинг, катта кичиклигидан қатъий назар унинг мақсадга мувофиқлиги ҳамда ажратилаётган маблағларнинг самарадорлигини (value-for-money) лойиҳа бошланишидан олдин ва кейин ҳам назорат қилиш. Бу орқали кейинги амалга ошириладиган лойиҳаларнинг самарадорлигини баҳолаш имкониятини яратиш.

Шу билан биргаликда, Давлат инвестицияларини бошқаришни баҳолаш мезонларига (PIMA) мувофиқлигини ҳамда инвестиция дастурларини

шакллантириш тизимини бюджет жараёни билан тўлақонли боғлиқлигини таъминлаш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

- активларни яратиш, бошқариш ҳамда хизмат кўрсатиш бўйича жавобгарликни кучайтириш мақсадида капитал қўйилмаларини молиялаштириш жараёнини бюджет жараёни билан уйғунлаштириш;

- марказлашмаган ва давлат корхоналарига тегишли инвестиция лойиҳаларини бошқариш сиёсатини ишлаб чиқиш;

- янги давлат инвестиция харажатлари билан биргаликда уларнинг мақсадга мувофиқлиги ҳамда атроф-муҳитга таъсири тўғрисидаги таҳлилини тақдим этишни йўлга қўйиш.

12. **Атроф-муҳит муҳофазаси** бўйича давлат мониторингини самарали ташкил этиш, иқлим хавфини баҳолаш ва камайтиришга қаратилган иқлим мониторинги тизимини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий қилинишини кенгайтириш ва сув етказиш тизимига илғор хорижий тажрибаларни кенг жорий қилиш.


3.2.1. Давлат бюджети харажатларининг 2024 йилги прогнози ва 2025–2026 йиллар учун мўлжаллари

2024 йилги Давлат бюджети харажатлари (давлат мақсадли жамғармаларига ажратиладиган трансфертлар билан бирга) **312,8 трлн сўмни,** ялпи ички маҳсулотга нисбатан 24,0 фоизни ёки 2023 йил кутилаётган ижрога нисбатан 30,6 трлн сўмга ортиши прогноз қилиниб, бу алоҳида соҳалар ривожига мақсадли харажатларни ошириш йўли билан иқтисодий ўсишни рағбатлантиришни таъминлайди.

13-жадвал. Давлат бюджети харажатларининг 2024 йил учун прогнози ва 2025–2026 йиллар учун мўлжаллари, соҳалар кесимида, *трлн сўм*

		2024 й	2025 й	2026 й
	Давлат бюджети харажатлари	**312,8**	**362,5**	**419,4**
	Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоизда	*24,0*	*23,5*	*24,3*
1	**Ижтимоий соҳа харажатлар**	**151,4**	**193,7**	**221,9**
	Таълим	69,1	95,1	111,9
	Соғлиқни сақлаш	33,4	41,3	45,1
	Маданият	2,6	2,8	3,0
	Спорт	2,8	3,1	3,3
	Фан	2,2	2,4	2,6
	Нафақалар, моддий ёрдам ва компенсация тўловлари	18,6	22,2	24,0
	Пенсия жамғармасига трансфертлар	**16,0**	**19,0**	**23,0**
	Ипотека кредити бўйича дастлабки бадал ва фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар	**1,5**	**2,1**	**2,3**
2	**Иқтисодиёт харажатлари,** *шундан*	**24,8**	**27,6**	**31,5**
	Сув хўжалиги эксплуатацияси харажатлари	9,2	9,4	11,2
	Шаҳар, туман ва посёлкаларни ободонлаштириш	4,5	5,0	5,7
3	**Табиий газ нархларидаги тафовут учун субсидиялар**	**9,5**	**6,0**	**5,0**
4	**Электроэнергия нархларидаги тафовут учун субсидиялар**	**2,5**	**2,5**	**2,5**
5	**Марказлашган инвестиция лойиҳалари ва ҳудудлар инфратузилмаларини ривожлантириш харажатлари**	**31,7**	**38,9**	**43,5**
	шу жумладан:			
	Марказлашган инвестиция харажатлари	20,4	23,7	27,7
	Ташаббусли бюджетлаштириш харажатлари	7,0	7,7	8,2
4	**Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларига асосан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун харажатлар**	**3,5**	**5,0**	**5,0**
5	**Давлат бошқаруви, ҳокимияти, адлия, прокуратура, суд ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш харажатлари**	**19,8**	**22,2**	**20,9**
6	**Захира жамғармалари**	**1,6**	**1,8**	**2,0**
7	**Давлат қарзига хизмат кўрсатишнинг фоиз харажатлари**	**16,4**	**10,3**	**9,8**
8	**Бошқа харажатлар**	**44,9**	**46,7**	**68,2**

13-расм. Давлат бюджети харажатлари, соҳалар кесимида, 2024 йил учун прогноз, *трлн сўм*



14-жадвал. Давлат бюджетида доимий ва ривожлантириш харажатлари улуши

	2023 йил*	2024 йил	
	трлн сўм	трлн сўм	улуши, фоизда
Давлат бюджети харажатлари, жами	**282,1**	**312,8**	
Мажбурий (доимий) жорий харажатлар, шундан:	**192,0**	**228,6**	**73,1**
Иш ҳақи (ижтимоий солиқ билан), стипендиялар ва ижтимоий нафақалар	150,5	177,1	56,6
Озиқ-овқат, дори дармон ва коммунал тўловлар учун харажатлар	16,5	17,6	5,6
Давлат қарзига хизмат кўрсатишнинг фоиз харажатлари	8,2	16,4	5,2
Доимий бошқа харажатлар *(жорий таъмирлаш, асосий восита ва инвентарлар харид қилиш ва бошқа хизматлар учун тўловлар)*	16,7	17,5	5,6
Ривожлантириш харажатлари (давлат дастурлари, инвестиция, субсидиялар, асосий воситалар), шундан:	**90,1**	**84,2**	26,9
Марказлашган инвестиция дастури харажатлари	17,4	20,4	6,5
Ташаббусли бюджет маблағлари	4,1	7,0	2,2
Энергетика соҳаси учун субсидиялар	20,6	16,5	5,3
Дастурлар ва субсидиялар	31,8	33,3	10,6
Бошқа харажатлар	16,2	7,0	2,3

* *Кутилаётган ижро*

Давлат бюджети харажатларининг асосий қисми (73,1 фоизи) **мажбурий (доимий) жорий харажатларга**, яъни иш ҳақи, стипендиялар, ижтимоий нафақалар, озиқ-овқат, дори-дармон ва коммунал тўловлар учун харажатлар, давлат қарзига хизмат кўрсатишнинг фоиз харажатлари, жорий таъмирлаш, асосий восита ва инвентарлар харид қилиш ва бошқа хизматлар учун тўловлар ва бошқаларга тўғри келади.

Доимий харажатларнинг улуши юқори бўлиши иш ҳақини ошириш ҳамда зарур ҳолларда харажатларни мақбуллаштириш **имкониятларини чеклайди** ҳамда харажатларни мақбуллаштириш юки асосан давлат дастурлари, инвестиция ва бошқа харажатларга тушади.

Шундан келиб чиқиб, кейинги йилларда доимий харажатларнинг Давлат бюджети харажатларидаги улуши ўсишини олдини олиш ва ривожлантириш дастурлари харажатларини ошириш чораларини кўриш зарур.

Давлат бюджети харажатларининг иқтисодий тасниф бўйича таҳлили.

Давлат бюджети харажатларининг иқтисодий таснифи харажатларни иқтисодий йўналишига кўра кодлашдан иборат бўлиб, бу харажатларни иқтисодий йўналиши ва тўлов турлари бўйича гуруҳлаш имконини беради.

15-жадвал. Давлат бюджети харажатларининг иқтисодий тасниф бўйича ёйилмаси, *трлн сўм*

		Прогноз 2024 йил
	Жами харажатлар	**312,8**
1	Иш ҳақи ва ижтимоий солиқ харажатлари*	129,1
2	Стипендиялар	1,9
3	Капитал қўйилмалар	20,4
4	Товар ва хизматлар бўйича харажатлар	29,1
4.1	Хизмат сафарлари харажатлари	0,2
4.2	Коммунал тўловлар, шундан:	10,3
	электроэнергия	*8,6*
	табиий газ	*0,8*
	иссиқ сув ва иссиқлик энергияси	*0,7*
	совуқ сув	*0,3*
4.3	Сақлаш ва жорий таъмирлаш	2,9
4.4	Моддий айланма воситалар захираларига харажатлар, шу жумладан:	10,3
	озиқ-овқат маҳсулотлари	*5,4*
	дори-дармонлар ва тиббий воситалар	*3,3*
	ёнилғи ва ЁММ	*1,5*
4.5	Товар ва хизматлар бўйича бошқа харажатлар	5,1
5	Асосий воситалар бўйича харажатлар	17,7
	асосий воситаларни сотиб олиш	*2,9*
6	Фоиз тўловлари	16,4
7	Субсидиялар	29,8
8	Ижтимоий нафақалар	18,6
9	Бошқа харажатлар	49,9

* *Индексация маблағларисиз*

2024 йилда давлат дастурларига ажратиладиган маблағлар ва субсидиялар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати қарорларига мувофиқ қабул қилинган **Давлат дастурлари ва тадбирларни** амалга ошириш учун Давлат бюджетидан 2024 йилда жами **53,1 трлн сўм** маблағ ажратилиши кўзда тутилган.

Ушбу маблағлар иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, транспорт-коммуникация, техник-муҳандислик, энергетика объектларини қамраб олган инфратузилма тармоқларини ривожлантириш бўйича давлат дастурларини ўз вақтида молиялаштиришни таъминлаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати қарорларига мувофиқ 2024 йилда Давлат бюджети ҳисобидан ижтимоий-иқтисодий, транспорт-коммуникация, экспортни рағбатлантириш, қишлоқ хўжалиги, аҳоли бандлигини таъминлаш каби соҳаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратилиши белгиланган субсидияларнинг умумий қиймати **28,4 трлн сўмни** ташкил этади.

16-жадвал. 2024 йилда Давлат дастурларини ва тадбирларни молиялаштириш учун ажратилаётган маблағлар, *млрд сўмда*

Давлат дастурлари ва тадбирлар	**2023***	**2024**
ЖАМИ	**64 156**	**53 093**
Таълим соҳаси бўйича жами, шундан:	4 036	4 775
мактабгача таълими соҳаси бўйича	97	
халқ таълими соҳаси бўйича	2 249	2 530
олий ва ўрта таълим соҳаси бўйича	1 690	2 245
Фан (илмий-тадқиқот муассасалар) соҳаси бўйича	1 361	1 802
Соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича	1 473	2 168
Маданият соҳаси бўйича	531	508
Спорт соҳаси бўйича	608	742
Бошқа ижтимоий ҳимоя тадбирлари учун харажатлар	250	600
Тадбиркорлик ва аҳоли бандлигини таъминлаш харажатлари	1 797	1 932
Қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича	1 024	1 202
Иқтисодиёт харажатлари бўйича	1 964	1 813
Бошқа мақсадли тадбирлар	20 047	9 164
Субсидиялар, жами	**31 065**	**28 388**
шу жумладан:		
табиий газни сотиб олиш ва сотиш нархларидаги тафовутни қоплаш	18 769	9 500
электр энергияни сотиб олиш ва сотиш нархларидаги тафовутни қоплаш		2 500
жамоат транспорти зарарларини қоплаш	705	1 500
нодавлат мактабгача таълим муассасаларига бюджет субсидиялари	2 769	3 038
иссиқлик таъминоти корхоналари зарарларини қоплаш	1 805	4 497
аҳоли томонидан уй-жойлар сотиб олиш учун субсидиялар	1 168	1 500

**Кутилаётган ижро*

Давлат дастурларини молиялаштириш учун Давлат бюджетидан 2024 йилда ажратиладиган маблағлар ва бюджет субсидиялари тўғрисида кенгроқ маълумот Бюджетноманинг **4-иловасида** келтирилган.

Давлат бюджетининг 2024 йилги соҳалар кесимидаги харажатлари прогнози ҳамда бюджет сиёсати йўналишлари.

2024–2026 йилларда таълим тизимидаги бюджет сиёсати асосан қуйидаги тадбирларни амалга оширишга қаратилади:

мактабгача таълимдаги қамров даражасини **80 фоиз**дан ошириш, жумладан, мактабгача таълим хизматлари нодавлат секторини янада ривожлантириш орқали қамраб олинган болаларнинг нодавлат мактабгача таълим ташкилотларидаги қамровини **30 фоиз**га етказиш;

ДХШ шаклидаги нодавлат боғчаларга давлат томонидан болаларни имтиёзли шартларда қабул қилиш бўйича ўрнатилган мажбуриятларни қисқартириш орқали улар даромадларини ошириш ва бу орқали рақобатбардош тадбиркорлик муҳитини яратиш;

умумтаълим мактаблари ўқувчиларини Финляндия тажрибаси асосида яратилган янги авлод дарсликлари билан таъминлашни давом эттириш;

янги ўқув ўринларини яратиш шу жумладан, ушбу йўналишга хусусий секторни кенг жалб қилиш ва уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш;

олий таълим билан қамраб олиш даражасини жами битирувчилар сонига нисбатан **50 фоизга** етказиш.

Шу билан бирга, **таълим ва фан йўналишини** янада ривожлантириш бўйича қуйидагиларни амалга ошириш **таклиф этилади:**

1. Умумтаълим мактабларида замонавий ахборот технологияларини қўллаган ҳолда таълим олиш шароитларини яхшилаш, бунда:

а) умумтаълим мактабларини замонавий компьютер синфлари билан таъминлаш;

б) Хоразм вилоятининг Қўшкўпир ва Хонқа туманларидаги умумтаълим мактабларининг 26,4 минг нафар бошланғич синф ўқувчиларини эксперимент тариқасида таълим планшетлари билан таъминлаш;

в) умумтаълим мактабларини бирламчи спорт жиҳозлари ва миллий мусиқа чолғу асбоблари билан таъминлаш дастурини давом эттириш.

2. Хорижий тажрибадан келиб чиқиб умумтаълим мактаблари юқори (7-11) синфларида ўқитиладиган умумий фанларни босқичма-босқич қисқартириш ва турдош фанларни яхлитлаш ҳамда ўқувчиларнинг дарс юкламасини камайтириш орқали **ўқувчиларни аниқ амалий кўникмаларга тайёрлаш** бўйича таклиф ишлаб чиқиш.

Бунда, битирувчи синф ўқувчиларини якуний билим ва аниқ кўникмаларга тайёрлаш тизимини жорий этиш бўйича дастурни ишлаб чиқиш ҳамда амалдаги ўқув дастурларини такомиллаштириш назарда тутилади.

Юқори синфларда фанларнинг қисқартирилиши ҳисобига ўқувчиларнинг қизиқиш ва қобилиятларидан келиб чиқиб, аниқ бир йўналишдаги фанларга ўқитиш ёки касб-ҳунарга тайёрлаш тизимини йўлга қўйилади.

3. **Таълим кредити**ни молиялаштириш учун ажратиладиган маблағлар миқдорини ошириш.

2021 – 2023 йиллар давомида жами **315 минг талаба**, шундан 219 минг талаба хотин-қизлар учун таълим кредитлари учун 3,3 трлн сўм ресурс маблағлари ажратилган.

2024 йилда **қўшимча 180 минг нафар** талабалар учун таълим кредитларини ажратиш учун маблағлар режалаштирилиб, ушбу дастур билан қамраб олинадиган талабалар сони **қарийб 500 мингга** етиши кутилмоқда.

Бу мақсадлар учун **2024 йилда жами 2,2 трлн сўм**, шундан 1,8 трлн сўми таълим кредитларини молиялаштириш ҳамда 400 млрд сўми хотин-қизларга ажратилган кредитни фоиз қисмини қоплаш мақсадида режалаштирилган.

4. Олий таълим муассасаларида мавжуд молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш орқали халқаро талабларга жавоб берадиган рақобатбардош кадрлар тайёрловчи сифатли олий таълим тизимини яратиш учун қуйидаги чораларни кўриш режалаштирилмоқда:

а) бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари сонини қайта кўриб чиқиш.

Бунда:

халқаро амалиётга мувофиқ ўқув дастурлари ва дарс бериш услубиётини талабаларнинг мустақил билим олишини ривожлантиришга қаратган ҳолда, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларини оптималлаштириш;

мутахассисликка оид бўлмаган фанларни мақбуллаштириш, тор мутахассислик бўйича фанлар ва амалиёт соатларини кўпайтириш;

хорижий тажрибадан келиб чиқиб ўқув дастурларида аудитория машғулотларини камайтириш ҳисобига талабаларнинг мустақил тайёргарлик кўриш улушини ошириш.

б) масофавий таълим шаклларини жорий этиш ҳисобига талабалар учун очиқ таълим ресурслари ва онлайн-курсларни кўпайтириш.

Бунда:

масофавий ўқитиш унсурларини кундузги таълим талабалари учун ўқув курсининг айрим фанларини ўқитиш шаклида, шунингдек, таълим курси якуни бўйича тегишли бакалавр ва магистратура дипломлари бериладиган алоҳида мустақил ўқув курслари учун интеграция қилиш.

5. Олий таълим муассасалари фаолияти кўламини кенгайтириш ва институционал салоҳиятини ошириш орқали олий таълим муассасаларини уларнинг қуввати, илмий салоҳияти ва бошқа асосий кўрсаткичларидан келиб чиқиб босқичма-босқич йириклаштириб (бирлаштириб) бориш.

Бунда, талабалар таълим олиш жойи ва таълим олиш жараёни амалдаги тартиб асосида сақлаб қолган ҳолда, фақат олий таълим муассасаларининг бошқарув жараёни ўзгартирилади.


6. Илмий ходимларни қўллаб-қувватлашни кенгайтириш мақсадида докторантурада ўқиш учун грант квоталарини ошириш. Бунда:

янги қабул квоталари сонини жорий йилдаги 4,3 минг ўриндан 4,7 минг ўрингача ошириш.

Бундан ташқари, келгуси йилдан бошлаб Олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида докторантура стажёри сифатида фаолият юритадиганлар учун 500 ўринлик грант квоталари жорий қилинади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, 2024 йилда Давлат бюджетининг жами **таълим ва фан соҳаси** харажатлари **71,3 трлн сўм** миқдорида ёки Давлат бюджети жами харажатларининг 22,8 фоизини ҳамда 2023 йилги кутилаётган ижрога нисбатан 14,3 фоиз кўп маблағ режалаштирилмоқда.

14-расм. Таълим харажатлари, *трлн сўм*



Мактабгача ва мактаб таълими соҳаси

2024 йилда мактабгача таълим ташкилотларини молиялаштиришга Давлат бюджетидан **13,5 трлн сўм** ёки 2023 йилги кутилаётган ижрога нисбатан 14,0 фоиз кўп маблағ йўналтириш режалаштирилган. Бунда харажатларнинг асосий қисми, яъни 51 фоизи иш ҳақи ва ижтимоий солиқ харажатларига йўналтирилади.

17-жадвал. Мактабгача таълим ташкилотларининг асосий кўрсаткичлари

		2020 й	2021 й	2022 й	2023 й	2024 й
I	**Давлат мактабгача таълим ташкилотлари сони, бирлик**	**5 965**	**6 325**	**6 384**	**6 556**	**6 610**
	Тарбияланувчилар сони (минг нафар)	1 033,5	1 189,9	1 245,7	1 343,7	1 364,0
	Жорий харажатлар-жами (млрд сўм)	4 285,7	6 171,8	7 780,0	9 161,0	10 469,0
	шундан: бир нафар тарбияланувчига (млн сўм)	4,1	5,2	6,2	6,8	7,7
	Капитал харажатлар (млрд сўм)	936,7	1 120,5	1 110,1	972,4	1 020
II	**ДХШ асосида МТТлар сони, бирлик**	**542**	**1 022**	**1 162**	**1 328**	**1 429**
	Тарбияланувчилар сони (минг нафар)	54,0	85,0	104,3	114,7	124,5
	ДХШ асосида МТТларга субсидия харажатлари (млрд сўм)	44,0	154,7	284,6	293,7	394,9
	шундан: бир нафар тарбияланувчига (млн сўм)	0,8	1,8	2,7	2,6	3,5
III	**Оилавий МТТлар сони, бирлик**	**7 895**	**17 729**	**19 450**	**22 730**	**24 730**
	Тарбияланувчилар сони (минг нафар)	158,0	420,0	541,0	595,6	657,2
	Оилавий МТТларга субсидия харажатлари (млрд сўм)	267,0	1 147,1	2 086,9	1 965,7	2 643,1
	шундан: бир нафар тарбияланувчига (млн сўм)	1,7	2,7	3,9	3,3	4,4

15-расм. Мактабгача ва мактаб таълими соҳаси ташкилотлари харажатлари таркиби, *млрд сўм*



Давлат дастурлари ва тадбирлар	
Дарсликларни янгилаш харажатлари	1 511
Мактабгача ва мактаб таълими вазири ва ислоҳотларга кўмаклашиш жамғармалари	350
Мактабларга янги компьютерлар харид қилиш	200
Етим болаларни уй-жой билан таъминлаш	140
Нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига субсидиялар	3 038
Бошқа дастурлар	329

Умумий ўрта таълим харажатлари **42,9 трлн сўмни** ёки 2023 йилги кутилаётган ижрога нисбатан 12,1 фоизга ошган ҳолда Давлат бюджети жами харажатларининг 13,7 фоизини йўналтириш режалаштирилган. Бунда харажатларнинг асосий қисми, яъни 88 фоизи иш ҳақи ва ижтимоий солиқ харажатларига йўналтирилади.

18-жадвал. Умумий ўрта таълим ташкилотларининг асосий кўрсаткичлари

	2020 й	2021 й	2022 й	2023 й	2024 й
Жами ташкилотлар сони, бирлик	**10 193**	**10 292**	**10 507**	**10 520**	**10 620**
умумтаълим мактаблар	9 920	9 924	9 959	9 972	10 072
мактаб-интернатлар	227	231	227	227	227
меҳрибонлик уйлари	117	121	127	127	127
Президент мактаблари	-	4	14	14	14
ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар	-	12	180	180	180
ўқувчи сони (минг нафар)	**5 995**	**6 280,2**	**6 405,9**	**6 534,0**	**6 666,9**
жорий харажатлар (млрд сўм)	**22 365,4**	**27 247,7**	**33 137,7**	**38 279,1**	**42 894,0**
шундан: бир нафар ўқувчига (млн сўм)	3,7	4,3	5,2	5,8	6,4
Капитал харажатлар	3 365,0	3 374,0	3 029,2	2 760,2	4 100,0

Ўрта-махсус ва олий таълим соҳаси

Кадрлар тайёрлаш харажатлари **12,7 трлн сўмни** ёки 2023 йилги кутилаётган ижрога нисбатан 21,5 фоизга кўп маблағ йўналтириш режалаштирилган. Бунда харажатларнинг асосий қисми, яъни 40 фоизи иш ҳақи ва ижтимоий солиқ харажатларига йўналтирилади.

16-расм. Олий ва ўрта махсус таълим муассасалари харажатлари таркиби, млрд сўм.



Давлат дастурлари ва тадбирлар	
Таълим кредити учун ресурслар ажратиш	2 200
Талабалар турар жойини барпо этиш учун субсидиялар	250
Магистратурада ўқиётган хотин-қизларнинг контракт тўловларига субсидиялар	200
Талабаларни ойлик ижара тўлови харажатларини бир қисмини компенсация қилиш	200
Бошқа дастурлар	145

19-жадвал. Ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларининг асосий кўрсаткичлари

	2020	2021 й	2022 й	2023 й	2024 й
Академик лицейлар сони, бирлик	**68**	**65**	**69**	**71**	**71**
ўқувчилар сони (минг киши)	58,1	27,5	27,5	26,1	28,0
ўқитувчилар сони (педставка, минг киши)	5,5	2,7	2,7	2,6	2,8
Касб-ҳунар мактаблари сони, бирлик	**339**	**339**	**339**	**332**	**332**
ўқувчилар сони (минг киши)	173	165,7	165,7	182,1	205,8
ўқитувчилар сони (педставка, минг киши)	10,7	10,7	10,7	12,6	14,3
Коллежлар сони, бирлик	**1367**	**214**	**175**	**166**	**139**
ўқувчилар сони (минг киши)	606,7	103,4	103,4	93,2	85,8
ўқитувчилар сони (педставка, минг киши)	63,5	7,2	7,2	6,3	5,9
Техникумлар сони, бирлик	**191**	**189**	**217**	**208**	**235**
ўқувчилар сони (минг киши)	115	108,2	108,2	126,2	157,4
ўқитувчилар сони (педставка, минг киши)	7,5	8,0	8,0	8,7	10,9
Қурилиш соҳасида кадрлар тайёрлаш марказлар сони, бирлик	**-**	**13**	**13**	**13**	**13**
ўқувчилар сони (минг киши)	-	7,5	2,4	2,5	2,5
ўқитувчилар сони (педставка, минг киши)	-	0,2	0,2	0,2	0,2
Профессионал таълим муассасаларини жами сақлаш харажатлари (млрд сўм)	**3 327,4**	**1 826,4**	**2 222,1**	**2 746,1**	**3 313,4**

20-жадвал. Олий таълим муассасаларининг асосий кўрсаткичлари

	2020 й	2021 й	2022 й	2023 й	2024 й
Олий таълим муассасалари сони - жами	**99**	**118**	**126**	**132**	**140**
шундан: хорижий олий таълим муассасалар филиаллари	8	13	13	13	13
Талабалар сони, (минг киши)	**444,2**	**866,3**	**963,9**	**1 015,4**	**1 067,7**
шундан:					
давлат грант асосида	89,5	129,7	145,3	173,3	204,5
контракт ҳисобига	354,6	736,6	818,6	842,1	863,1
Жами ходимлар сони (минг киши)	**57,3**	**61,8**	**70,0**	**72,1**	**74,1**
шу жумладан: профессор-ўқитувчилар сони (минг киши)	29,3	41,7	47,5	48,5	50,2
Муассасаларни сақлаш харажатлари (млрд сўм)	**6 047,9**	**7 587,9**	**10 662,3**	**14 564,9**	**18 522,7**
шундан:					
бюджет маблағлари	1 670,1	2 289,7	3 338,7	4 968,3	6 064,1
контракт ҳисобидан	4 377,8	5 298,2	7 323,6	9 596,6	12 475,6
илмий унвонга эга профессор-ўқитувчининг ўртача бир ойлик иш ҳақи миқдори (минг сўм)	7 185,6	7 917,9	8 868,1	9 488,8	10 437,7

Фан ва илмий тадқиқот соҳаси


Фанни янада ривожлантириш тадбирлари учун 2024 йилда **2,2 трлн сўм** ёки 2023 йилги кутилаётган ижрога нисбатан **26 фоизга** кўп маблағ йўналтириш режалаштирилмоқда. Жумладан 2024 йилда:

докторантурага ажратилаётган квоталар сонини ошириш харажатларига 1 002 млрд сўм ажратилиши режалаштирилаётган бўлиб, бунда янги қабул квоталари сонини жорий йилдаги 4,3 минг ўриндан 4,7 минг ўрингача ошириш ҳамда олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида докторантура стажёри сифатида фаолият юритадиганлар учун 500 ўринлик грант квоталари жорий қилиш;

Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармасига 800,0 млрд сўм маблағ ажратилиши кутилмоқда.

Жамғарма ҳисобидан асосан илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасидаги лойиҳаларни молиялаштириш учун 693,5 млрд сўм маблағ ажратилиши режалаштирилган.

17-расм. Фанга ажратилган харажатлар таркиби, *млрд сўм*



Давлат дастурлари ва тадбирлар	
Докторантурага квоталар сонини ошириш харажатлари*	1 002
Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари	800

** докторантура квоталарини ошириш харажатлари соҳаларга тақсимланган*

21-жадвал. 2024 йилда докторантура квоталари сони

	2023 йилда квоталар сони (бирлик)	2024 йилда квоталар сони (бирлик)	Стипендия миқдори (минг сўм)	Бир йиллик стипендия (млрд сўм)	Раҳбарият бир йиллик иш ҳақи (млрд сўм)	Жами харажатлар (млрд сўм)
Жами	**9 707**	**13 107**	x	**847,1**	**154,7**	**1 000,2**
Илмий-тадқиқот муассасалари	**2 145**	**2 666**	x	**176,5**	**55,3**	**231,8**
Докторантура	320	406	6 762,8	32,9	8,4	41,4
Таянч докторантура (PhD)	1 825	2 260	5 293,1	143,5	46,9	190,5
Олий таълим муассасалари	**7 562**	**9 941**	x	**642,7**	**91,6**	**734,2**
Докторантура	436	637	6 762,8	51,7	5,9	57,6
Таянч докторантура (PhD)	7 126	9 304	5 293,1	591,0	85,7	676,7
Стажёрлар	**-**	**500**	**4 664,8**	**28,0**	**7,8**	**35,8**

Соғлиқни сақлаш соҳаси

2024–2026 йилларда соғлиқни сақлаш тизимидаги бюджет сиёсати асосан қуйидаги тадбирларни амалга оширишга қаратилади:

1. Аралаш молиялаштиришга ўтказилган барча соғлиқни сақлаш муассасаларини **молиялаштириш тартибини** белгиловчи махсус Йўриқнома ишлаб чиқиш, унда молиялаштирилиши **Давлат тиббий суғурта жамғармаси** орқали амалга оширилишини таъминлаш орқали қуйидагилар назарда тутилмоқда:

- **“Ҳар бир даволанган ҳолат”дан** келиб чиқиб молиялаштириш тизимига ўтиш;

- имтиёзли асосда даволанадиган беморларни ордерлар (йўлланма) асосида даволашда уларга кўрсатиладиган **тиббий хизматлар тарифини** ишлаб чиқиш;

- Давлат бюджетидан маблағларни имтиёзли тоифадаги беморлар даволаниши учун белгиланган тарифлар асосида ва бюджет харажатлари иқтисодий **классификациясининг бир сатрида** молиялаштириш тизимини босқичма-босқич жорий этиш.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4890-сон “Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмларини Сирдарё вилоятида жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан 2023 йилдан бошлаб республиканинг бошқа ҳудудларида Сирдарё вилоятининг ижобий натижалари асосида босқичма-босқич давлат тиббий суғуртаси тизимини жорий этиш белгиланган.

Шундан келиб чиқиб, кейинги йилларда Тошкент шаҳрида ушбу тизимни жорий этиш чоралари кўрилади.

Бунда:

давлат томонидан **кафолатланган бепул тиббий хизматлар ва дори воситалари пакети** (кейинги ўринларда – кафолатланган пакет) асосида туман ва шаҳар тиббиёт муассасаларида **10 та касаллик гуруҳлари ҳамда 7 та хизмат турлари** бўйича аҳолига бепул тиббий ёрдам кўрсатиш ташкил этилади;

аҳолининг кафолатланган пакетга киритилган тиббий хизматлардан бепул фойдаланиши оилавий шифокорга мурожаат қилиш орқали амалга оширилади (шошилинч ва тез тиббий ёрдамдан ташқари). Бунда, оилавий шифокор даволаш ва ташхислаш стандартларига мувофиқ тор соҳа шифокорларига ва зарур ҳолларда шифохоналарга йўлланмалар беради;

амбулатор даволаш учун дори воситаларини электрон рецепт асосида дорихоналар томонидан беморларга бепул бериш ҳамда дорихоналарнинг харажатларини қоплаш (реимбурсация) тизими жорий этиш назарда тутилмоқда.

2. Дори воситаларини республика ҳудудига кириб келишидан бошлаб уларни беморгача етиб боришини шаффоф таъминлайдиган ягона электрон тизим яратиш.

Бунда, халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда, дори воситалари ва тиббий буюмларни маркировкалаш (штрихлаш) тизимини йўлга қўйиш.

Шунингдек, бирламчи тиббиёт муассасалари учун дори воситалари, тиббий буюмлар ва сарфлаш материалларини марказлашган тартибда маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан сотиб олиш тизимини йўлга қўйиш.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, **2024 йилда соғлиқни сақлаш соҳаси** харажатлари **33,4 трлн сўмни** ёки 2023 йилги кутилаётган ижрога нисбатан 17,6 фоизга ошган ҳолда жами харажатларнинг 10,7 фоизи, ялпи ички маҳсулотнинг эса 2,6 фоиз миқдорида маблағлар режалаштирилган.

Бунда харажатларнинг асосий қисми, яъни 78 фоизи иш ҳақи ва ижтимоий солиқ харажатларига йўналтирилади.

Соғлиқни сақлаш соҳаси учун 2024 йилда дори воситалари, тиббиёт буюмлари, вакцина ва бакпрепаратлар учун жорий ва давлат дастурларида назарда тутилган харажатлар билан биргаликда **3,8 трлн сўм**ни ташкил этади.

Тиббиёт муассасаларига озиқ-овқат харажатлари учун 2024 йилда **958,6 млрд сўм** ёки 2023 йилга солиштирганда 7,7 фоизга кўп маблағ ажратилиши режалаштирилган.

Соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш бўйича қуйидагиларни амалга ошириш **таклиф этилади:**

1. Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида янги ташкил этилган **Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси** маблағларини шакллантириш учун **530 млрд сўм** маблағ режалаштириш.

Ушбу маблағлар тиббиёт муассасаларини рақамлаштириш, иқтидорли ва малакали тиббиёт мутахассисларини қўллаб-қувватлаш ва бошқа тадбирлар учун йўналтирилади. Шу жумладан:

иқтидорли ва малакали тиббиёт мутахассисларини қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббиёт муассасаларига жалб қилиш учун 50 млрд сўм;

спинал мушак атрофияси ташхиси қўйилган болаларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва дори воситаларини бепул етказиб бериш тадбирларига 130 млрд сўм маблағлар йўналтирилади.

2. 2024 йилдан бошлаб оналар ва чақалоқлар саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш бўйича қуйидаги тадбирлар учун **225 млрд сўм** маблағ йўналтириш.

- “Она ва бола скрининги” хизмати тузилмаларини реактивлар ва сарфловчи материаллар сақлаш учун **42 та махсус музлатгичлар** билан жиҳозлаш;

- “Она ва бола скрининги” хизмати тузилмаларининг Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Сурхондарё, Сирдарё, Хоразм ва Тошкент вилоятларидаги ҳудудий филиалларини муковисцидозни аниқлаш учун **10 та тиббий диагностика ускуналари** билан жиҳозлаш;

- хавф гуруҳига мансуб бўлган ҳомиладорларни тасдиқловчи ультратовуш текширувидан ўтказиш учун 13 та янги ташкил этилган туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникалардаги “Пренатал ташхис хона”ларини юқори ҳал этиш қобилиятига эга бўлган жами **41 та стационар ультратовуш сканерлари** билан жиҳозлаш.

3. 2024 йилдан бошлаб **аҳолининг руҳий саломатлигини муҳофаза** қилиш хизматини ривожлантириш чора-тадбирлари учун **52 млрд сўм** маблағ йўналтириш.

Бунда, аҳолининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини ривожлантириш мақсадида психиатрия муассасаларини замонавий тиббий ускуналар билан таъминлаш ҳамда Тошкент шаҳри руҳий касалликлар клиник шифохонасининг қурилиши якунланган даволаш бўлимлари учун қўшимча 120 та ўрин-жойлар ажратилиши ва уларнинг молиялаштирилишини таъминлаш ишлари амалга оширилади.

4. Соғлиқни сақлаш тизимига жаҳон стандартлари асосида янги бошқарув тизимини жорий этиш орқали аҳоли орасида турли касалликлар учун алоҳида ташкилотларга мурожаат қилиш амалиётини тўхтатиш мақсадида ҳудудларда **Кўп тармоқли марказ, клиник база моделини шакллантириш**.

Бунда, тиббий ёрдамнинг зарур босқичма-босқичлиги ва изчиллигини таъминлаш учун бир-бирини тўлдирувчи ва кучайтирувчи ҳар хил даражадаги ва тор ихтисосликдаги тиббиёт ташкилотларини ягона тизимга интеграция қилиш орқали соғлиқни сақлашни ташкил этиш тизими такомиллаштирилади.

Бу орқали:

тиббиёт ташкилотлари ва кўрсатиладиган тиббий хизматлар тўғрисида ахборот олиш;

кўрсатиладиган хизматлар сифатини, шу жумладан, тиббиёт ходимлари фаолиятини баҳолаш;

тиббиёт ходимлари, дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббий техника, сарфлаш материаллари ҳисобини ва мониторингини юритиш;

давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий ёрдам дастурлари бўйича молиявий операциялар амалга ошириш ва мониторингини юритиш, тиббиёт ташкилотларининг бўлажак харажатларини баҳолаш, шунингдек, эҳтимоли бўлган хатарларни таҳлил қилиш имконияти кенгаяди.

5. Давлат тиббий суғурта тизими билан биргаликда ривожланган давлатлар каби **ихтиёрий тиббий суғурта тизимини жорий этишни рағбатлантириш** ва аҳоли орасида кенг ташвиқотини олиб бориш.

6. **Тез тиббий ёрдам** хизмати имкониятларидан тўғри ва самарали фойдаланишни ташкил этиш орқали аҳолига манзилли тез тиббий ёрдам кўрсатиш кўламини кенгайтириш мақсадида тез тиббий ёрдамдан фойдаланишда қуйидагиларни жорий этиш. Жумладан:

ёлғон тез тиббий ёрдам чақируви бўлган ҳолатларда чақирувни амалга оширган фуқароларга тегишли **битта чақирув харажати** миқдорида **жарима** қўллаш амалиётини жорий этиш;

сурункали ва доимий чақирувларга чеклов белгилаш.

Маълумот учун: 2023 йилда 1 та тез тиббий ёрдам чақирувга Давлат бюджетидан ўртача 178,2 минг сўм маблағ сарфланмоқда.

7. Тиббиёт муассасалари учун дори воситаларини харид қилиш жараёнини такомиллаштириш ҳамда ушбу жараёнга хусусий дорихоналарни жалб қилишни кенгайтириш. Бунда:

а) давлат тиббиёт ташкилотларида тўғридан-тўғри харид қилинаётган дори-дармон ва тиббий буюмлар **рўйхатини қайтадан кўриб чиқиш** ва уларнинг хариди бўйича **максимал нарх** белгилашни киритиш;

б) Сирдарё вилоятида йўлга қўйилган кафолатланган пакетга киритилган касалларга мулкчилик шаклидан қатъий назар дорихоналар орқали дори воситалари билан таъминлаш амалиётини (“**Реимбурсация**” тизими) 2024 йилдан бошлаб босқичма-босқич бошқа ҳудудларда ҳам жорий этиш.

Бугунги кунда айрим дори воситаларини харид қилишда тўридан-тўғри шартнома тузиш имконияти мавжуд. Бироқ, ушбу амалиёт натижасида айрим ҳолларда бир хил турдаги дори воситалари бир-биридан ёки уларнинг бозор нархидан кескин фарқ қиладиган нархларда сотиб олиниш ҳолатлари мавжуд.

Давлат томонидан кафолатланган дори воситаларини харид қилишда уларнинг максимал нархи белгиланиши орқали дори воситалари учун ажратилган маблағлар самарадорлиги оширилади.

Ушбу тизим аҳолини алоҳида сурункали касалликларни даволаш учун шифокор томонидан буюрилган дори воситалари харажатларини мақсадли компенсация қилишни назарда тутади. Реимбурсация тизими беморга оилавий шифокор томонидан ёзилган рецепт асосида дори воситаларини дорихоналар орқали олиш имкониятини беради. Бунда, амбулатор шароитда даволашда қабул қилинадиган дори воситалари учун дорихоналар харажатлари Давлат тиббий суғуртаси томонидан қопланади.

18-расм. Соғлиқни сақлаш соҳаси харажатлари таркиби, *млрд сўм*



Давлат дастурлари ва тадбирлар	
Онкогематологик беморларни соғломлаштириш	350
Оналар ва чақалоқлар саломатлигини муҳофаза қилиш	225
Болаларни вакцинация қилиш	220
Нефрология ва гемодиализ ёрдамини кўрсатиш	178
Болалар ва болали аёлларни препаратлар билан таъминлаш	160
Онкология ёрдамини такомиллаштириш	151
Соғлиқни сақлаш соҳасидаги бошқа дастурлар	883

22-жадвал. Стационар тиббиёт муассасаларига озиқ-овқат ва дори-дармон сотиб олиш харажатларига бир ўрин-кун учун кўзда тутилган маблағлар, *сўм*

	2023 й		2024 й	
	Озиқ-овқат	**Дори-дармон**	**Озиқ-овқат**	**Дори-дармон**
Туман (шаҳар) марказий шифохоналари	15 936	18 368	17 530	20 205
Туман (шаҳар) шошилинч тиббий ёрдам бўлимлари	26 773	34 232	29 450	37 655
РШТЁИМ ва унинг ҳудудий филиаллари	26 773	60 853	29 450	66 938
Силга қарши кураш муассасалари	31 873	24 239	35 060	26 761
Онкология муассасалари	31 873	58 429	35 060	64 272
Наркология муассасалари	26 773	24 852	29 450	27 338
Эндокринология муассасалари	28 048	29 093	30 853	32 003
Кардиология муассасалари	13 769	35 585	15 146	39 143
Юқумли касалликлар шифохоналари	26 773	22 884	29 450	25 172
Болалар шифохоналари	28 048	31 057	30 853	34 162
Сил касаллигига чалинган болалар учун санаториялар	31 873	9 427	35 060	10 794
ОИТСга қарши кураш марказлари	26 773	16 657	29 450	18 323

23-жадвал. Дори-дармон ва озиқ-овқат учун ажратилган маблағлар, *млрд сўм*

	2020 й	**2021 й**	**2022 й**	**2023 й**	**2024 й**
Иш ҳақи ва ажратмалар	11 714,1	15 597,3	18 787,4	20 014,9	20 988
Дори воситалари, тиббиёт буюмлари, вакцина ва бакпрепаратлар	1 446,5	1 783,9	2 474,0	3 015,7	3 759,9
шундан: бирламчи тиббий санитария муассасалари	*160,1*	*230,1*	*578,1*	*636,1*	*699,6*
Озиқ-овқат маҳсулотлари	333,3	593,3	583,8	640,1	958,6

24-жадвал. Тиббиёт муассасалари сони, *бирлик*

	2020 й	**2021 й**	**2022 й**	**2023 й**	**2024 й**
кўп тармоқли марказий поликлиникалар	199	206	208	221	221
оилавий поликлиникалар	982	984	1 023	1 040	1 040
қишлоқ врачлик пунктлари	816	817	942	1 052	1 192
тез тиббий ёрдам станциялари	198	202	204	204	204
умумий стационар муассасалар	287	287	285	285	285
шошилинч тиббий ёрдам марказ ва бўлимлари	194	195	195	195	195
ихтисослашган стационар муассасалар	217	217	217	217	219
болалар уйлари	13	13	13	13	13
бошқа муассасалар	717	717	701	701	701

25-жадвал. Бюджетдан молиялаштириладиган соғлиқни сақлаш тизими муассасаларидаги штат бирликлари сони, *минг киши*

	2020 й	**2021 й**	**2022 й**	**2023 й**	**2024 й**
врачлар	105,9	109,9	110,2	114,3	114,3
ўрта тиббий ходимлар	209,7	220,3	232,6	237,6	259,2
кичик тиббий ходимлар	75,9	80,1	80,1	84,2	84,2
бошқа ходимлар	72,4	76,1	77,6	77,6	77,6
Жами	**464,1**	**486,6**	**500,6**	**513,6**	**535,3**

Маданият соҳаси

Маданият соҳасига **2024 йилда 2,6 трлн сўм** маблағ ажратилиши прогноз қилиниб, бу жами Давлат бюджети харажатларининг **0,6 фоизини** ташкил этади. Бунда харажатларнинг асосий қисми, яъни 53 фоизи иш ҳақи ва ижтимоий солиқ харажатларига йўналтирилади.

Маданият соҳаси учун ажратилаётган бюджет маблағлари самарадорлигини ошириш ва бюджет барқарорлигини таъминлаш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш **таклиф этилади:**

1. “Ўзбекцирк” биноси Марказий Осиёда ягона ва маданий мерос объекти ҳамда цирк санъати ноёб томоша санъат тури эканлигини инобатга олиб, “Ўзбекцирк” фаолиятини босқичма-босқич ривожлантириш таклиф этилади.


Бунда 2024-2025 йиллар давомида цирк биносини ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида реконструкция қилиш.

“Ўзбекцирк” биноси 1976 йилда қурилган бўлиб, 1998 йилда капитал таъмирланган ҳамда унинг моддий-техник базаси замон талабларига жавоб бермаслиги ва цирк томошаларининг бадиий савияси пастлиги туфайли томошабинлар ташрифи йилдан-йилга пасайиб бормоқда.

Маълумот учун: “Ўзбекцирк” давлат муассасасида намойиш этиладиган томошалар сонидан қатъий назар 441 та штат бирликлари (17,5 млрд сўм) бюджет маблағлари ҳисобидан сақланмоқда.

2. Давлат **театрлари** ва **концерт-томоша** муассасалари фаолияти самарадорлигини ошириш эвазига кейинги йилларда уларни сақлаш билан боғлиқ харажатларнинг **бюджетдан ташқари тушадиган тушумлари** ҳисобига қопланадиган улушини босқичма-босқич ошириш чораларини кўриш.

19-расм. Маданият соҳаси харажатлари таркиби, млрд сўм.



Давлат дастурлари ва тадбирлар	
Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси	170
Маданий мерос объектларини реставрация қилиш ва тиклаш	125
Бадиий, қисқа метражли, ҳужжатли, мультипликацион фильмларни ишлаб чиқариш	105
Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари	45
Бошқа дастурлар	63


26-жадвал. Маданият соҳаси ташкилотларининг асосий кўрсаткичлари

	2020 й	2021 й	2022 й	2023 й	2024 й
телерадиоканаллар, бирлик	24	24	25	24	24
ходимлар сони, минг киши	2,8	2,8	2,8	2,8	2,8
ахборот-ресурс марказлари, бирлик	201	201	203	203	203
ходимлар сони, минг киши	4,6	4,3	4,5	4,5	4,5
маънавият ва маърифат марказлари, бирлик	15	15	15	15	15
ходимлар сони, минг киши	0,7	0,7	0,7	0,7	0,7
кўзи ожизлар кутубхоналар, бирлик	82	82	91	91	91
ходимлар сони, минг киши	0,5	0,5	0,6	0,6	0,6
музейлар ва кўргазмалар, бирлик	46	45	45	49	49
ходимлар сони, минг киши	2,0	2,0	2,4	2,2	2,2
маданият уйлари ва саройлар, бирлик	814	813	824	826	826
ходимлар сони, минг киши	8,0	7,8	8,4	8,4	8,4
театр, академик халқ бадиий жамоалари, бирлик	68	68	70	71	71
ходимлар сони, минг киши	7,6	7,6	8,1	8,1	8,1
бошқа ташкилотлар, бирлик	419	409	442	508	508
ходимлар сони, минг киши	2,8	2,7	3,8	4,1	4,1
Ташкилотларни сақлаш харажатлари	**1 097,8**	**2 097,8**	**2 259,3**	**2 436,0**	**2 642,7**

Спорт соҳаси

Спорт соҳасига харажатлар **2024 йилда 2,8 трлн сўмни** ташкил қилиб, 2023 йилги кутилаётган ижрога нисбатан **20,8 фоизга** ошиши кўзда тутилган.

20-расм. Спорт соҳаси харажатлари таркиби, *млрд сўм*.



Давлат дастурлари ва тадбирлар	
Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режаси	250
Олимпиада спорт мусобақаларига тайёргарлик кўриш харажатлари	250
Спорт турларини оммавийлаштириш ва ривожлантириш	50
Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўриш ва қатнашиш учун харажатлар	41
Бошқа дастурлар	153

27-жадвал. Спорт соҳаси ташкилотларнинг асосий кўрсатикичлари, *бирлик*

	2020 й	2021 й	2022 й	2023 й	2024 й
Ташкилотлар – жами	**366**	**378**	**405**	**409**	**411**
шу жумладан:					
болалар-ўсмирлар спорт мактаблари	235	245	254	254	254
футбол академиялари	14	14	14	14	14
ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари	55	56	56	56	56
чавандозлар мактаблари	-	-	14	14	14
футбол бўйича болалар-ўсмирлар спорт мактаблари	11	11	11	11	11
олий спорт маҳорати мактаблари	11	11	15	17	19
ихтисослаштирилган олимпия захиралари спорт мактаблари	4	4	4	4	4
Ўзбекистон “Ёшлик” спорт жамияти	15	15	15	15	15
бошқа ташкилотлар	22	22	22	22	22
Тарбияланувчилар сони (минг киши)	**335,6**	**369,1**	**394,6**	**414,4**	**435,1**
Жами ходимлар сони (минг киши)	**24,1**	**26,9**	**27,9**	**28,8**	**29,8**
шу жумладан, мураббийлар сони	12,8	13,4	15,3	16,2	17,3
Жами ажратилган маблағлар, млрд сўм	**988,1**	**1 436,7**	**2 030,3**	**2 316,3**	**2 797,0**

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш

2024 йилда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш жами харажатлари учун (нафақалар, моддий ёрдам, дафн тўловлари, ҳомиладорлик нафақалари ва бошқа компенсация тўловлари кўринишида) **18,6 трлн сўм** маблағ режалаштирилаётган бўлиб, шундан кам таъминланган оилаларга болалар нафақалари тўловларига 10,3 трлн сўм маблағ йўналтирилади.

21-расм. Болали ва кам таъминланган оилаларга тўланадиган нафақа олувчилар сони ва ажратилган маблағлар, *трлн сўм*



Шу билан бир қаторда, **аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш** соҳасини такомиллаштириш ҳамда фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш мақсадида қуйидагилар **таклиф этилади:**

1. Кам таъминланган оила мақомини белгилаш бўйича амалдаги мезонларни такомиллаштириш.

Маълумот учун: Жаҳон банки билан биргаликда ўтказилган сўровнома натижасига кўра мамлакатимизда 14 фоиз уй хўжалиги кам таъминланганлар қаторига киритилган.

“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” орқали эса 23 фоиз оилаларга ижтимоий нафақа тўловлари тўланмоқда.

Тўланадиган нафақалар бўйича амалдаги мезонларни такомиллаштириш орқали ҳақиқатда муҳтож оилаларни ижтимоий нафақа тўлаш тизими билан қамраб олиш таклиф этилмоқда.

2. 2024 йилдан бошлаб кам таъминланган оилаларга болалар нафақалари ва моддий ёрдамларни тегишли маҳаллий бюджетлардан молиялаштиришдан Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан молиялаштиришга ўтказиш таклиф этилади.

3. Ижтимоий ҳимоя соҳасидаги тадбирларини тўлақонли молиялаштириш мақсадида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги жамғармасининг харажатлари 3,3 трлн сўм миқдорида шакллантирилди.

Ипотека бозорини ривожлантириш ва аҳолини уй-жой билан таъминлаш.

Ипотека бозорини ривожлантириш ва аҳолини уй-жой билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш учун қуйидагиларни амалга ошириш:

- аҳолининг уй-жой шароитларини янада яхшилаш учун жисмоний шахсларга ипотека кредити беришнинг замонавий бозор тизимини ривожлантириш;

- “Ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” АЖ фаолиятини кенгайтириш орқали компаниянинг ипотека кредитлари бозоридаги роли ва иштирокини фаоллаштириш;

- аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларини уй-жой билан таъминлаш тартибини назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш.

2024 йилда даромади юқори бўлмаган ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож фуқароларга ипотека кредити бўйича дастлабки бадал ва фоизларнинг бир қисмини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан **1,5 трлн сўм** субсидиялар тўлаб берилади.

Иқтисодиёт харажатлари

Давлат бюджетидан 2024 йилда иқтисодиётга ажратилиши режалаштирилаётган харажатлар 24,8 трлн сўмни, ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,9 фоизни ташкил этиб, жами харажатларнинг 7,9 фоизини ташкил этади.

Иқтисодиёт харажатлари таркибида асосан қуйидагилар учун маблағлар кўзда тутилмоқда:

сув хўжалиги эксплуатация харажатлари **9 151 млрд сўм**;

геологик қидирув ишлари **900 млрд.сўм**;

аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини амалга ошириш ҳамда уй-жой коммунал хизматлари билан боғлиқ харажатлар **4 465 млрд сўм**.

Бундан ташқари:

табиий газ нархларидаги тафовут учун **9 500 млрд сўм;**

электр энергия нархларидаги тафовут учун **2 500 млрд сўм** субсидия маблағлари режалаштирилмоқда.

Сув хўжалиги соҳаси

Сув хўжалиги соҳаси ташкилотларини сақлаш ва дастурларини амалга ошириш учун ажратилаётган **9,2 трлн сўм** маблағларнинг асосий қисми ёки 7,1 трлн сўм маблағ насос станциялари томонидан истеъмол қилинадиган электр энергияси харажатларини қоплаш учун йўналтирилади.

Шунингдек, насос станцияларида энергия самарадор насослар (25,9 млрд сўм) ва электродвигателларни (45,2 млрд сўм) сотиб олиш учун жами 71,2 млрд сўм ва энергия тежамкор қурилмалар сотиб олиш учун 12,9 млрд сўм маблағлар ажратиш кутилмоқда.

Бунинг натижасида қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш учун 54,2 млрд метр куб сув билан таъминлаш учун 7,1 млрд кв/соат электр энергияси истеъмол

қилинади ҳамда 1,0 млн гектар пахта, 1,2 млн гектар бошоқли дон ва бошқа қишлоқ хўжалиги экин майдонларини ўз вақтида сув билан таъминлаш харажатлари молиялаштирилади.

Шунингдек, 2024 йил давомида Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги сув хўжалиги объектларида қуйидаги бир қатор тадбирлар амалга оширилиши кутилмоқда, жумладан:

реал вақт режимида сувни назорат қилиш ва унинг ҳисобини юритиш учун сув хўжалиги иншоотларида 5 066 дона “Smart Water” тизимларини ўрнатишга 76,0 млрд сўм;

20 та объектда бошқариш жараёнларини автоматлаштиришга 12,5 млрд сўм;


2 647 дона мелиоратив кузатув қудуқларини автоматлаштирилган мониторинг тизимига ўтказишга 35,5 млрд сўм;

электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида жами 411 дона қуёш батареялари, частота ўзгартирувчи ва конденсатор қурилмалари ҳамда бошқа турдаги энергия тежовчи қурилмаларни ўрнатишга 12,9 млрд сўм;

15 177 метр узунликдаги юқори кучланишли кабелларни янгисига алмаштириш 2,2 млрд сўм кўзда тутилган.

Шунингдек, сув хўжалиги объектларини давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида хусусий ташаббускорларга фойдаланишга бериш бўйича 50 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган.

22-расм. Насос станциялари томонидан электр энергияси истеъмоли, *млн.кВт.соат*



Сув хўжалиги соҳасида қуйидагиларни амалга ошириш **таклиф этилади.**

1. Сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш ҳамда ундан оқилона фойдаланишни ташкил этиш мақсадида сув истеъмолчилари учун сувни ўлчаш ва бошқаришнинг замонавий технологияларини жорий этиш.

2. 2024 йил 1 январдан Қарши магистрал каналидан фойдаланиш бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ҳузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармалари ҳамда Сув омборларидан фойдаланиш бошқармалари фаолиятини молиялаштиришни тегишли маҳаллий бюджетлардан Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига ўтказилади.

28-жадвал. Йирик электр энергия истеъмол қилувчи ташкилотларнинг асосий кўрсаткичлари

	2020 й	2021 й	2022 й	2023 й	2024 й
Ташкилотлар сони, бирлик	**18**	**18**	**18**	**18**	**18**
объектларини сақлаш харажатлари *трлн сўм*	**3,8**	**3,8**	**5,6**	**6,4**	**8,1**
шундан, IV гуруҳ харажатлари	3,5	3,4	5,2	6,1	7,5
шу жумладан, сув хўжалиги ташкилотларининг электр энергияси учун тўловлари	3,2	3,1	4,9	5,6	7,1
электр энергияси истеъмоли (млн.кВт.соат)	7 172	7 281	7 150	7 150	7 100
етказиб берилган сув миқдори (млрд/м3)	53	55	53,8	53,8	52,1
насос станциялари сони	1 688	1 688	1 688	1 688	1 688
насос агрегатлари сони, *шу жумладан:*	5 231	5 231	5 231	5 231	5 231
таъмирланган насос агрегатлари	2 308	2 522	2 372	2 372	2 234
янгисига алмаштирилган электродвигателлари	217	229	354	234	149
янгисига алмаштирилган насослар	178	185	181	174	148

29-жадвал. Сув хўжалиги соҳаси ташкилотларининг асосий кўрсаткичлари

	2020 й	2021 й	2022 й	2023 й	2024 й
1. Ташкилотлар – жами, бирлик	**289**	**289**	**285**	**291**	**290**
1.1. “Амударё” ва “Сирдарё” ҳавзалари сув хўжалиги бирлашмалари, бирлик	10	10	10	10	10
штатлар сони (бирлик)	1 198	1 198	1 204	1 204	1 204
1.2. Сув хўжалиги вазирлиги, бирлик	279	279	276	276	280
шу жумладан:					
ҳудудий сув хўжалиги ташкилотлари (ҚР СХВ ва ИТҲБ)	13	13	13	13	13
ирригация тизими бошқармалари	49	49	49	49	41
магистрал каналлар (тизим) бошқармалари	11	11	11	8	8
туман ирригация бўлимлари	156	156	155	155	156
вилоятлараро машина каналларни ишлатиш бошқармалари	3	3	3	3	3
насос станциялари ва энергетика бошқармалари	14	14	14	14	14
мелиоратив экспедициялар	13	13	13	13	13
сув омборларидан (гидроузелдан) фойдаланиш бошқармалари	11	11	9	9	8
бошқа ташкилотлар	9	9	9	9	5
штат бирликлари сони (минг киши)	33,7	33,7	33,2	33,0	33,0
ишчи-ходимлар сони (минг киши)	**31,2**	**31,2**	**30,9**	**30,6**	**31,0**
сақлаш харажатлари (трлн.сўм)	**7,1**	**7,1**	**7,6**	**8,6**	**9,2**

Қишлоқ хўжалиги соҳаси

2024 йилда **қишлоқ хўжалигини** давлат томонидан қўллаб-қувватлаш дастурларини молиялаштириш ишлари давом эттирилиб, ушбу соҳада асосан қуйидаги дастур ва тадбирлар учун маблағ ажратиш кўзда тутилмоқда:

қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қишлоқ хўжалиги корхоналарини имтиёзли кредитлашда фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун **977 млрд сўм**;

қишлоқ хўжалиги корхонасига қишлоқ хўжалик техникасини харид қилиш учун ажратилган лизинг ёки кредит фоизини қоплаш учун харажатлар **44 млрд сўм**;

қишлоқ хўжалиги техникалари ва лазерли текислаш ускуналари ҳамда дон уруғ сеялкаларини харид қилиш учун **66 млрд сўм;**

қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қийматини аниқлаш ва қайта баҳолаш, тупроқ бонитировкаси ва тупроқ хариталарининг корректировкасини ўтказиш, суғориладиган ерларда тупроқ агрокимёвий тадқиқот ишларини бажариш ва агрокимёвий картограммалар тузиш, тупроқ (ер) мониторингини ўтказиш харажатларига **85 млрд сўм**;

чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликларга ҳамда паррандачилик хўжаликларига хорижий давлатлардан наслдор қорамол, қўй, эчки ва жўжа сотиб олганлик учун субсидиялар – **125 млрд сўм**.

30-жадвал. Қишлоқ хўжалиги соҳаси ташкилотлари асосий кўрсаткичлари

	2020 й	**2021 й**	**2022 й**	**2023 й**	**2024 й**
Ташкилотлар – жами, бирлик	**390**	**415**	**414**	**414**	**400**
шу жумладан:					
Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш маркази	1	1	1	1	1
Ветеринария ва чорвачилик	212	217	217	217	217
Давлат чегараси ва транспортдаги давлат ветеринария назорати бошқармаси	1	1	1	1	1
Ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчалари сифати ва муомаласини назорати бўйича давлат илмий маркази	1	1	1	1	1
Республика ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат маркази	144	149	149	149	149
Ўсимликлар карантини давлат инспекциясининг марказий аппарати	15	30	30	30	30
Жами штат бирликлари сони (минг киши)	**11,7**	**11,7**	**14,1**	**19,3**	**18,9**

Аҳоли пунктларини ободонлаштириш

2024 йилда **Ободонлаштириш соҳаси** ташкилотлари **231 та**ни ташкил этиши ва уларда **65,5 минг**дан ортиқ штат бирликлари фаолият юритиши ҳамда соҳанинг жорий харажатлари учун **4 465,0 млрд сўм** ажратилиши кўзда тутилган.

Шу жумладан, ободонлаштириш соҳаси ташкилотларининг 2024 йилги иш ҳақи ва унга ажратмалар учун **2 545,0 млрд сўм** маблағ ажратилиши режалаштирилаётган бўлиб, 2023 йилда ажратилган маблағларга нисбатан **115,0 фоиз**га кўп.

31-жадвал. Ободонлаштириш ташкилотларининг асосий кўрсаткичлари

	2020 й	**2021 й**	**2022 й**	**2023 й**	**2024 й**
Ободонлаштириш ташкилотлари сони, бирлик	218	224	227	231	231
штат бирликлари сони (минг киши)	54,4	54,8	64,8	65,5	65,5
Жами сақлаш харажатлари, млрд сўм	1 979,0	2 021,0	2 681,3	3 722,1	4 464,6
шундан, иш ҳақи харажатлари, млрд сўм	*1 272,1*	*1 351,0*	*1 938,0*	*2 205,0*	*2 545,0*

Шунингдек, 2024 йилда:

- “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида республика шаҳар ва туманлар Ободонлаштириш бошқармаларига **312 км** суғориш тизими ва **207 та** сув чиқариш қудуқлари ташкил этиш тадбирларига жами **64,4 млрд сўм**;

- Аҳоли пунктларини ободонлаштириш соҳасида ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида туман (шаҳар) Ободонлаштириш бошқармаларининг моддий техника базасини мустаҳкамлаш тадбирлари учун **363 та** махсус техника ва механизмлар харид қилиш учун **247,0 млрд сўм**;

- санитар тозалаш ишларини ташкил этиш ва аҳоли пунктлари тозалигини таъминлаш харажатлари – **108 млрд сўм**;

- ички хўжалик йўлларини таъмирлаш харажатлари учун **800 млрд сўм** пул маблағлари ажратилиши кўзда тутилган. Ички хўжалик йўлларини таъмирлаш харажатларига ажратилаётган маблағлар жамоатчилик ва бевосита фуқаролар томонидан билдирилган фикрларни инобатга олиб республиканинг ҳар бир шаҳар ва туманлари учун **4,0 млрд сўм**дан ажратилиши белгиланмоқда.

- Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини ошириш мақсадида **38 та** дренаж қудуқларини янгидан қуриш ва мукаммал таъмирлаш, **21 км** дренаж коллекторларни янгидан қуриш ва мукаммал таъмирлаш, **75 дона** кузатув қудуқларини мукаммал таъмирлаш тадбирларига **12,3 млрд сўм**;

- Қорақалпоғистон Республикасининг шаҳар ва туманлар ҳокимликлари тасарруфидаги ички хўжалик йўлларидан **495 км** тупроқ йўлларни қум-шағалли йўлларга ўтказиш тадбирлари учун **91,5 млрд сўм** маблағлар режалаштирилмоқда.

Ободонлаштириш соҳасидаги бюджет сиёсатини янада такомиллаштириш бўйича туман ва шаҳарлар бюджетлари параметрларида ҳудудий ички йўлларни таъмирлаш учун ажратиладиган маблағларнинг **100 фоизи** “Очиқ бюджет” ахборот порталида “Менинг йўлим” лойиҳаси орқали жамоатчилик фикри асосида аниқланган ички йўлларни таъмирлашга йўналтириш таклиф этилади.

Бундан ташқари, 2024 йилда:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.06.2020 й. 376 - сон “2021-2027 йилларда республикадаги кўп квартирали уйларнинг лифт ускуналарини таъмирлаш ва янгилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган Дастурга асосан республикадаги **2 102 та кўп хонадонли уйлардаги 523 та лифт ускуналарини алмаштириш ва таъмирлаш** харажатлари учун **165,7 млрд сўм**;

Республикадаги иссиқлик таъминоти корхоналарига **аҳолига пасайтирилган тарифларни қўллаш натижасида вужудга келган зарарларни қоплаш мақсадида** ажратиладиган субсидия харажатлари учун 2 197 млрд сўм пул маблағлари ажратилиши прогноз қилинмоқда.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича айрим дастурлар ва тадбирларни молиялаштириш харажатлари.

“**Яшил макон**” умуммиллий лойиҳаси доирасида доирасида кўчатлар харид қилиш, суғориш тизимини жорий этиш, парвариш ва сақлаш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш учун **100 млрд сўм**;

суғориладиган ерларнинг шамол эрозиясига ва сув хўжалиги объектларининг қум босишига қарши иҳота дарахтзорлари барпо этиш учун **40 млрд сўм**;

Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасига махсус техникалар хариди харажатлари **22 млрд сўм** ва бошқалар.

32-жадвал. Экология, атроф муҳит муҳофазаси, ўрмон хўжалиги ташкилотлари асосий кўрсаткичлари

	2020 й	**2021 й**	**2022 й**	**2023 й**	**2024 й**
Ташкилотлар – жами, бирлик	**111**	**120**	**126**	**139**	**154**
шу жумладан:					
Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси	26	26	28	30	57
ўрмон хўжаликлари	85	94	101	106	81
Гидрометеорология хизмати маркази	16	16	16	16	16
Жами ишчи ходимлар сони (минг киши)	**18,3**	**18,3**	**18,3**	**18,3**	**19,0**
Ташкилотларни сақлаш харажатлари (млрд сўм)	**280,3**	**469,1**	**595,3**	**968,0**	**1 064,8**

Ривожлантириш дастурлари харажатлари

1. 2024 йилги Давлат бюджети лойиҳасида **Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури** учун **20,4 трлн сўм**, Давлат бюджети жами харажатларининг 6,5 фоизи ёки ялпи ички маҳсулотнинг 1,6 фоизи миқдорида маблағ ажратилиши кўзда тутилган.

2. 2024 йилда Ташаббусли бюджетлаштириш харажатлари учун **7,0 трлн сўм** маблағ йўналтирилиши режалаштирилган бўлиб, бу жами харажатларнинг 2,3 фоизини ташкил этади.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларига асосан ҳудудларни ва тармоқларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун **3,5 трлн сўм** маблағ кўзда тутилган.

33-жадвал. Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури, *млрд сўм*

		2023 й кутилаётган	**2024 й** прогноз	**Объект сони**
Марказлаштирилган капитал қўйилмалар, жами		**17 431,4**	**20 424,5**	**1 452**
	жумладан:			
1	Ижтимоий соҳалар, шу жумладан:	6 247,6	8 066,5	969
	Олий таълим муассасалари	614,4	474,0	13
	Умумтаълим мактаблари	2 760,2	4 100,0	581
	Ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар	160,4	345,0	9
	Мактабгача таълим муассасалари	972,4	1 020,0	172
	Тиббий ва тиббий-ижтимоий муассасалар	1 375,1	1 320,0	144
	Жисмоний тарбия ва спорт	333,0	460,0	42
	Маданият ва санъат	148,4	290,0	5
	Илм-фан ва инновация	44,0	57,5	3
2	Муҳандислик-коммуникация тармоқлари	1 936,7	1 547,5	90
3	Йўл-транспорт инфратузилмасини яхшилаш билан боғлиқ харажатлар	3 135,0	2 722,0	144
4	Ирригация ва мелиорация объектларини қуриш таъмирлаш ишлари учун	1 248,6	1 880,0	166
5	Туризм объектлари атрофидаги ер майдонлари, сув ва йўл инфратузилмаларини яхшилаш	95,7	322,0	-
6	Бошқа йўналишлар	2 840,4	5 886,5	83

Ривожлантириш дастурлари доирасида ажратилаётган бюджет маблағларининг самарадорлигини ошириш ва бюджет барқарорлигини таъминлаш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш **таклиф этилади**:

1. Умумий ўрта таълим мактаблари учун марказлашган инвестициялар ҳажмини 4 100 млрд сўм этиб белгилаш орқали **170 мингга яқин янги** ўқувчи ўринларни барпо этиш ва навбатлилик коэффициентини тушириш.

Бугунги кунга қадар ҳар йили яратиладиган қувватларга қўшимча равишда 120 мингга яқин ўқувчи ўрнининг фойдаланишга киритилиши зарур.

2024 йил дастлабки Дастур доирасида (2,1 трлн сўм) ҳисобидан 72 минг янги ўқув ўрни яратилади, бунда, қўшимча ажратилаётган маблағлар эвазига янги 95 минг ўқув ўринлари яратилади.

2. Инвестиция дастури доирасида ҳар йили тупроқ ўзанли каналларни бетонлаштириш ва гидротехник иншоотларни реконструкция қилиш ишлар ҳажмини 1,5 баробар ошириш.

Бунда 2024 йилги Дастур доирасида йўналтириладиган маблағларни 1 650 млрд сўмга етказиш орқали (қўшимча 500 млрд сўм) қўшимча равишда 304 км узунликдаги каналларни бетонлаштириш ҳамда бунинг натижасида йилига 398 млн метр куб сув тежалишига ва 157,2 минг гектар ер кафолатли сув билан таъминланишига эришиш мумкин.

3. Шаҳарсозлик қурилиш нормалари ва қоидаларини такомиллаштириш, янгилаш ва халқаро стандартларга мувофиқ қайта ишлаб чиқиш ҳамда миллий нормативларни Европа стандартларига уйғунлаштириш ва мувофиқлаштириш.

2024 йилда бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан 45 та миллий стандарт, 85 та шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари янгиланади ва қайта кўриб чиқилади ҳамда 10 та евростандартга миллий нормативларни мувофиқлаштириш ишлари бошланади.

4. 2024 йил 1 январдан бошлаб, параллель лойиҳалаштириш ишларини амалга оширишни қатъий тақиқлаш.

Бунда, бугунги кунда қурилиш ишларини лойиҳалаштириш ишлари билан бир вақтда олиб борилаётган объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилишини ва экспертиза хулосаси олинишини белгиланган муддатларда якунлаш ва экспертиза хулосалари олинмаган объектлар молиялаштирилишни тўхтатиш.

5. Бюджет тизими бюджетлари ҳисобидан молиялаштириладиган объектларнинг смета қийматини Статистика агентлиги, Солиқ қўмитаси, Божхона қўмитаси ҳамда бошқа вазирлик ва идораларнинг маълумотлар базаларини интеграция қилган ҳолда “Қурилиш ресурслари миллий классификатори” электрон платформаси асосида аниқлаш.

Бунда:

электрон платформани такомиллаштириб борган ҳолда қурилиш материалларининг реал нархларини аниқлаш имконини берувчи қўшимчалар киритиб бориш.

Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари кодларини “Қурилиш ресурслари миллий классификатори” электрон платформаси кодлари билан бирхиллаштириш.

Маълумот учун: Бугунги кунда лойиҳа-смета ҳужжатларининг смета қисмида қурилиш материалларига аниқ стандартлар белгиланмагани сабабли қурилиш материаллари нархларида тафовутлар мавжуд.

Давлат ҳокимияти, бошқаруви, адлия, прокуратура, суд ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини, ННТ ва фуқаролик жамиятнинг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш харажатларига 2024 йилда **19,8 трлн сўм** маблағ ажратилиши режалаштирилган бўлиб, жами харажатларнинг 6,3 фоизини ташкил қилади.

34-жадвал. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг асосий кўрсаткичлари

	2020 й	2021 й	2022 й	2023 й	2024 й
Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари сони (бирлик)	**303**	**306**	**308**	**310**	**310**
вазирликлар	25	24	24	21	21
қўмиталар	14	14	14	12	12
давлат инспекциялари	3	3	5	12	12
агентликлар	18	18	18	25	25
марказлар	11	11	11	3	3
бошқалар	15	15	15	15	15
маҳаллий ҳокимият органлари	217	221	221	222	222
ўзини-ўзи бошқариш органлари (бирлик)	**9 168**	**9 251**	**9 370**	**9 453**	**9 453**

35-жадвал. Суд, адлия ва прокуратура органларининг асосий кўрсаткичлари**

	2020 й	2021 й	2022 й	2023 й	2024 й
Ташкилотлар сони (бирлик)	**1 095**	**893**	**893**	**875**	**875**
шу жумладан:					
адлия	222	222	222	223	223
суд	620	418	418	403	403
прокуратура	245	245	253	249	249
Ходимлар сони (минг киши) (идоравий бошқарув)	**12,2**	**12,2**	**16,5**	**12,6**	**12,6**

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимида қуйидагиларни амалга ошириш **таклиф этилади:**

1. Маҳаллаларни қўллаб-қувватлашни янада такомиллаштириш, маҳаллабай ишлашга масъул бўлган шахслар фаолиятини самарали ташкил этиш ва ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини амалга ошириши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларга қонунда белгиланган ваколатларини амалга оширишда кўмаклашиш мақсадида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини жорий таъминлаш (**маҳалла раисининг иш ҳақи, коммунал тўловлар, канцелярия моллари** ва бошқалар) ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш харажатларини молиялаштиришни тегишли маҳаллий бюджетлардан Ўзбекистон Республикаси **республика бюджетидан ННТ кўринишида молиялаштиришга ўтказиш** таклиф этилади.

2. Бюджетлараро муносабатларни тартибга солиш, маҳаллий бюджетларнинг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги балансни сақлаш мақсадида маҳаллий солиқ органлари, Кадастр агентлиги ҳудудий органларини ва халқ қабулхоналарини сақлаш харажатларини ҳамда суд бошқарувчилари меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларини маҳаллий бюджетларга ўтказиш таклиф этилади.

3. Республика ижро этувчи ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа бюджет ташкилотларида автотранспорт воситаларидан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш.

Давлат унитар корхоналари, давлат бошқаруви органи бўлмаган республика ва маҳаллий бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотларини хизмат автотранспорт воситаларини бириктириш меъёрларини, уларнинг йўл босиш йиллик лимити ва улардан фойдаланиш меъёрларини белгилаш.

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар (вазирлик ва идоралар) кесимида 2024 йил учун харажатлар прогнози

Мазкур бўлимда Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари тўғрисида **айрим вазирлик ва идоралар кесимида** келтирилади.

Давлат бюджети харажатларининг очиқлигини таъминлаш ва Давлат дастурларининг режалаштирилган давлат харажатлари билан уйғунлигининг назоратини кучайтириш мақсадида ҳар йилги Давлат бюджети тўғрисидаги Қонунда биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларининг Давлат дастурларига ажратилаётган маблағлари йўналишлари алоҳида қаторларда кўрсатиб келинмоқда.

Республика бюджетидан 50 та биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари **255,3 трлн сўмни** ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига 2024 йилда республика бюджетидан **46,6 трлн сўм**, шу жумладан, вазирликнинг жорий харажатларига 45,9 трлн сўм, объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмаларга 754 млрд сўм режалаштирилмоқда.

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги давлат дастурларини молиялаштириш учун 2024 йилда Давлат бюджетидан жами 5,4 трлн сўм маблағ ажратилиши режалаштирилмоқда.

Ушбу давлат дастурларини амалга ошириш орқали мактабгача ва умумтаълим муассасаларида ўқиш сифатини ошириш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг билим ва кўникмаларини жаҳон стандартларига мос равишда шакллантириш мақсад қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига 2024 йилда республика бюджетидан **6,1 трлн сўм**, шу жумладан, вазирликнинг жорий харажатларига 5,1 трлн сўм.

Ўз ўрнида, олий таълим тизимида таълим сифатини яхшилаш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, барча ёшларга тенг имкониятлар яратиш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш мақсадида олий таълим, фан ва инновациялар соҳасида давлат дастурларини молиялаштириш учун 2024 йилда Давлат бюджетидан жами 555 млрд сўм маблағ ажратилиши режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Соғлиқни сақлаш вазирлигига 2024 йилда республика бюджетидан **4,5 трлн сўм** маблағ, шу жумладан вазирликнинг жорий харажатларига 3,7 трлн сўм, объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмаларга 283,4 млрд сўм кўзда тутилган.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ривожлантириш дастурларини молиялаштириш учун 2024 йилда Давлат бюджетидан жами 1,5 трлн сўм маблағ ажратилиши режалаштирилмоқда.

Бунда, 2024 йилда амалга ошириладиган дастурлардан кўзланган мақсад аҳоли саломатлигини сақлаш ва яхшилаш, соғлом авлодни тарбиялаш учун шароитларни такомиллаштириш, соғлом турмуш тарзини кенг оммалаштиришни таъминловчи давлат сиёсатини амалга ошириш ҳамда тиббиёт ташкилотлари томонидан аҳолига ўз вақтида малакали ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатилишини таъминлаш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги

Маданият вазирлигига 2024 йилда республика бюджетидан **1,1 трлн сўм** маблағ, шу жумладан вазирликнинг жорий харажатларига 820,4 млрд сўм, объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмаларга 280 млрд сўм кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, миллий маданиятни янада ривожлантириш, аҳолига маданий дам олиш хизматлари кўрсатиш даражасини ошириш, республиканинг барча ҳудудларида театр, цирк ва бошқа турдаги оммавий-маданий ва концерт-томоша тадбирларини тизимли равишда йўлга қўйиш, маданият ва санъат соҳасида истеъдодли ёш ижодкорларни излаб топиш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида Маданият вазирлигининг ривожлантириш дастурлари учун учун 2024 йилда Давлат бюджетидан жами 149,5 млрд сўм маблағ ажратилиши режалаштирилмоқда.

Жумладан, болалар мусиқа ва санъат мактаблари ҳамда маданият марказларини миллий чолғу асбоблари билан таъминлаш учун 7,5 млрд сўм ажратилиши режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги

Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигига 2024 йилда республика бюджетидан **1,8 трлн сўм** маблағ, шу жумладан, вазирликнинг жорий харажатларига 1,3 трлн сўм кўзда тутилмоқда.

Спорт соҳаларини янада ривожлантириш, аҳоли саломатлигини яхшилаш ҳамда жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш мақсадида спорт соҳаси бўйича давлат дастурлари амалга оширилиши мақсад қилинган бўлиб, ушбу дастурларни молиялаштириш учун 2024 йилда Давлат бюджетидан жами 926,1 млрд сўм маблағ ажратилиши режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги.

Қишлоқ хўжалиги вазирлигига 2024 йилда республика бюджетидан **1,7 трлн сўм** маблағ, шу жумладан вазирликнинг жорий харажатларига 1,6 трлн сўм кўзда тутилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида давлат дастурларини молиялаштириш учун 2024 йилда Давлат бюджетидан жами 905,4 млрд сўм маблағ ажратилиши режалаштирилмоқда.

Ушбу дастурлар қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, қишлоқ хўжалиги ерларининг ҳолатини яхшилаш, соҳага инвестицияларни жалб қилиш, ресурс тежамкор технологияларни жорий этиш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни замонавий техникалар билан таъминлаш имкониятларини яратишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги.

Сув хўжалиги вазирлигига 2023 йилда республика бюджетидан **10,4 трлн сўм** маблағ, шу жумладан вазирликнинг жорий харажатларига 8,7 трлн сўм, объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмаларга 1,7 трлн сўм кўзда тутилган.

Халқимиз турмуш фаровонлиги янада яхшилаш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида сув хўжалиги соҳасида давлат дастурларини молиялаштириш учун 2024 йилда Давлат бюджетидан жами 7,4 трлн сўм маблағ ажратилиши режалаштирилмоқда.

Жумладан, пахта хом ашёсини етиштирувчилар томонидан томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун 2024 йилда 100 млрд сўм ажратилиши режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги.

Иқтисодиёт ва молия вазирлигига 2024 йилда республика бюджетидан **91,9 трлн сўм** маблағ, шу жумладан:

Вазирликнинг **жорий харажатлари** таркибида асосан қуйидаги давлат дастурларини ва тадбирларни молиялаштириш учун 33,7 трлн сўм маблағлар кўзда тутилмоқда:

аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурларини молиялаштириш учун харажатларга **1,5 трлн сўм**;

давлат қарзига хизмат кўрсатишнинг фоиз харажатлари – **16,0 трлн сўм**;

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига бюджетдан молиялаштириладиган ижтимоий харажатлар – **212,4 млрд сўм**;

қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган суғориладиган майдонлар ва чўл ҳудудлардаги ерларни қайта фойдаланишга киритиш учун харажатлар – **100 млрд сўм;**

Бундан ташқари:

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига трансфертлар – **16,0 трлн сўм**;

таълим кредитини молиялаштириш жамғармасига трансфертлар – **2,2 трлн сўм**;

Давлат тиббий суғуртаси жамғармасига трансфертлар – **860,2 млрд сўм**;

республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва вилоятлар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи трансфертлар – **16,8 трлн сўм** (шундан, акциз солиғи тушумлари ҳисобидан ажаратиладиган маблағлар) кўзда тутилган ва бошқалар.

Шунингдек, вазирлик харажатлари таркибида **18,1 трлн сўм** кейинчалик **қайта тақсимланадиган** қуйидаги айрим маблағлар назарда тутилган:

иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорларини ва айрим хизматларнинг тарифларини ошириш билан боғлиқ харажатлар – **9,6 трлн сўм**;

ташаббусли бюджет жараёнларида қўшимча тарзда ғолиб бўлган лойиҳаларни молияштириш учун ажратилган маблағлар – **2,1 трлн сўм**;

бюджет ташкилотларда ишлайдиган ходимларга ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини тўлаш билан боғлиқ харажатлар – **1,0 трлн сўм**;

хусусий секторда ишловчи аёлларнинг ҳомиладорлик нафақа пулини бюджет маблағлари ҳисобидан тўлаб беришга **100,0 млрд сўм**;

ижтимоий соҳа объектларининг иситиш тизимларини давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш учун харажатларга **500,0 млрд сўм**;

Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларига мувофиқ ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш харажатларига **3,5 трлн сўм** ва бошқалар.

3.3. Давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси даромадлари ва харажатларининг 2024 йил учун прогнози ва 2025–2026 йиллар учун мўлжаллари

I. Давлат мақсадли жамғармалари даромадлари тушуми (трансфертларсиз) **65,4 трлн сўм**ни, харажатлари **97,1 трлн сўм**ни (шундан, 10,3 трлн сўм бюджетга трансфертлар) ташкил этиши прогноз қилинмоқда.

Давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳалари 2024 йил бошига кутилаётган **12,1 трлн сўм**лик қолдиқ маблағларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилди.

Давлат мақсадли жамғармаларига ўзларига юклатилган давлат функцияларини тўлиқ амалга оширишлари учун қуйидаги йўналишларга Давлат бюджетидан **33,1 трлн сўм**.

36-жадвалда 2023 йилда фаолияти тугатилган Тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармаси (йил бошига қолдиқ 9,3 млрд сўм), Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (400 млн сўм) ва Бюджетдан ташқари Республика мақсадли китоб жамғармаси ва 2024 йилдан давлат мақсадли жамғармалари таркибидан чиқарилаётган Балиқчиликни ривожлантириш жамғармаси кўрсатилмаган.

1. “Эл-юрт умиди” жамғармасига Давлат бюджетидан **550,0 млрд сўм** ажратилиши режалаштирилмоқда.

Жамғарма харажатлари **605,8 млрд сўм** миқдорида прогноз қилинаётган бўлиб, қуйидагиларга сарфланиши кўзда тутилмоқда:

- 1 200 атрофида жамғарма стипендиатларини хориждаги нуфузли таълим муассасаларда таълим олишини ва стажировкадан ўтишини ташкил этишга 595,8 млрд сўм;

- хорижий олим ва мутахассисларни, шу жумладан, ватандошларимизни республикада меҳнат фаолиятини амалга оширишга жалб этишга 1,5 млрд сўм;

- жамғармани сақлаш билан боғлиқ харажатлар 6,0 млрд сўм;

-бошқа харажатлар 2,5 млрд сўм.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги **Жисмоний ва юридик шахсларга етказилган мулкий зарарларни компенсация қилиш бўйича республика мақсадли жамғармасига** Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан 500,0 млрд сўм маблағ ажратиш режалаштирилган.

Жамғарма маблағлари тўлиғи билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати томонидан қабул қилинган дастурлар, топшириқлар асосида жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплашга йўналтирилади.

36-жадвал. Давлат мақсадли жамғармалари даромадлари ва харажатларининг прогноз кўрсаткичлари, *млрд сўмда*

		Йил бошига қолдиқ	2024 йил прогноз			Йил охирига қолдиқ
			Даромадлар	Бюджетдан трансфертлар	Харажатлар	
Жами – давлат мақсадли жамғармалари		**12 082,8**	**65 350,2**	**33 142,4**	**97 122,0**	**13 453,4**
1	“Эл-юрт умиди” жамғармаси	41,7	20,0	550,0	605,8	5,9
2	Жисмоний ва юридик шахсларга етказилган мулкий зарарларни компенсация қилиш бўйича республика мақсадли жамғармаси			500,0	500,0	
3	Пенсия жамғармаси	3 233,8	46 831,2	16 000,0	63 137,0	2 928,0
4	Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси		187,1	278,7	465,9	
5	Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси	162,4	75,0		102,0	135,4
6	Жамоат ишлари жамғармаси	10,9	5,0	200,0	215,9	0,0
7	Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси	46,8	457,0	150,0	613,7	40,1
8	Виночиликни ривожлантириш жамғармаси	103,5	65,5	0,0	138,5	30,5
9	Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси	569,9	96,9	947,0	1 008,1	605,8
10	Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармаси	180,9	1 150,9		1 150,9	180,9
11	Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси	12,3	98,4	187,0	281,6	16,1
12	Давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича кафолат жамғармаси	1 182,1	518,5		897,5	803,1
13	Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси	122,9	37,3	50,0	204,0	6,2
14	Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси*	2 987,0	11 803,0		1 803,0	2 987,0
15	Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси	40,3	4,0	3 708,5	3 709,6	43,2
16	Таълим кредитини молиялаштириш жамғармаси	2 928,9	244,5	2 200,0	350,0	5 023,4
17	Автомобиль йўлларини ривожлантириш мақсадли жамғармаси			5 484,8	5 484,8	
18	Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси			1 260,0	1 260,0	
19	Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси	48,8	68,3	800,0	916,7	0,4
20	Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси		135,6	246,4	382,0	
21	Ҳунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси		30,0	50,0	80,0	
22	Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси	401,0	3 422,0		3 285,0	538,0
23	Тиббиётни ривожлантириш жамғармаси	9,3	100,0	530,0	530,0	109,3

**) Давлат бюджетига трансфертлар – 10,3 трлн сўм.*

3. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари **Пенсия жамғармаси**нинг 2024 йилдаги даромадлари прогнози **46,8 трлн сўм**ни, харажатлари эса **63,1 трлн сўм**ни ташкил этади.

Жамғарма тақчиллигини қоплаш (йил бошига қолдиқлар билан) ва пенсионерлар олдидаги мажбуриятларни ўз вақтида молиялаштириш учун Давлат бюджетидан кейинги йилда **16,0 трлн сўм** миқдорида трансферт ажратилиши кутилмоқда.

Бунинг натижасида жамғарма маблағлари ҳисобидан жами 4 585 мингдан ортиқ кишининг пенсиялари ўз вақтида молиялаштирилиши таъминланади.

37-жадвал. 2024 йилда пенсия ва нафақалар олувчилар сони

	2023 йил 1 январь	2023 йил 1 сентябрь	2024 йил 1 январь	2025 йил 1 январь
Пенсия олувчиларнинг сони, минг киши	4 346	4 505	4 585	4 836

4. 2024 йилда Ўзбекистон Республикасининг **Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси** тушумлари **187,1 млрд сўм**ни ташкил қилиши прогноз қилинмоқда. Жамғарманинг асосий тушум манбаси 114,3 млрд сўм миқдоридаги ижтимоий солиқ тушумлари ҳисобланади.

Жамғармага келгуси йилда аҳоли бандлигини таъминлаш, аҳолини меҳнат фаолиятига жалб қилиш учун қулай шароитларни яратишда давлат органларининг иш самарадорлигини ошириш, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш бўйича дастурларни мақсадли молиялаштиришга республика бюджетидан **278,7 млрд сўм** миқдоридаги мақсадли трансфертлар ажратилиши режалаштирилмоқда.

Жамғарма харажатлари **465,9 млрд сўм**ни ташкил этиб, аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларида иш қидираётган ва ишсиз мақомига эга шахс сифатида рўйхатдан ўтган шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, ишсизлик бўйича нафақалар, ишсизларга компенсациялар, стипендиялар, моддий ёрдам ва бошқа тўловларни тўлаш, субсидиялар тўлаш ва бошқаларга йўналтирилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги **Жамоат ишлари жамғармаси**нинг тушумлари **5,0 млрд сўм**ни ташкил этиши прогноз қилинмоқда.

Шунингдек, жамоат ишларини ташкил этиш ва бажариш бўйича харажатларни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан **200,0 млрд сўм** маблағ ажратилиши режалаштирилмоқда.

Жамғарманинг харажатлари трансфертларга мутаносиб равишда **215,9 млрд сўм**ни ташкил этиши кутилмоқда. Шундан жамоат ишларига жалб этилган ишсизлар ва банд бўлмаган шахсларнинг меҳнат ҳақи тўловларига 181,8 млрд сўм, жамоат ишларида, жумладан уларни ижара асосида бериш йўли

билан фойдаланиш учун мўлжалланган асосий воситалар, мини-ускуналар ва инвентарларни харид қилишга 11,0 млрд сўм, жамоат ишларини бажариш учун хавфсизлик техникаси ва махсус кийим харид қилишга 4,5 млрд сўм ҳамда жамғармани сақлаш харажатларига 3,4 млрд сўм сарфланиши кутилмоқда.

6. Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармасининг 2024 йилги даромадлари **457,0 млрд сўм**ни ташкил қилиши прогноз қилинмоқда.

Жамғарма даромадлари, асосан, олдинги йилларда ажратилган ресурсларнинг қайтишидан 400 млрд сўм маблағ ҳамда тижорат банклари ва тадбиркорларга ажратилган ресурслар бўйича олинадиган фоизлардан 57 млрд сўм тушиши ҳисобига шаклланади.

Шунингдек, жамғармага Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан **150,0 млрд сўм** миқдоридаги мақсадли трансфертлар ажратилиши режалаштирилган.

Жамғарманинг харажатлари **613,7 млрд сўм**га прогноз қилинмоқда. Шундан Давлат бюджетидан олинган ссуда ва жалб қилинган қарз маблағларини қайтариш харажатларига 600 млрд сўм, субсидиялар беришга 150 млрд сўм, Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлиги ва унинг идоравий мансуб ташкилотларини сақлаш билан боғлиқ харажатлар 53,7 млрд сўм ва жалб қилинган қарз маблағлари бўйича тўланадиган фоиз харажатларга 60 млрд сўм маблағ йўналтирилади.

7. Виночиликни ривожлантириш жамғармасининг келгуси йил учун тушумлари **65,5 млрд сўм**ни ташкил этиши кутилмоқда.

Жамғарманинг харажатлари эса, йил бошига қолдиқ ҳисобига **138,5 млрд сўм**ни ташкил этиши, шундан 100 млрд сўм техник навли узум плантацияларини яратиш ва алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун қарз бериш ҳамда тижорат банкларида очиладиган кредит линиялари бўйича ресурслар жойлаштиришга ҳамда 30,0 млрд сўм субсидиялар тақдим этиш ҳамда 8,5 млрд сўм бошқа харажатларга йўналтириш кўзда тутилган.

8. Ўзбекистон Республикаси **Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси**нинг 2024 йилги даромадлари **96,9** млрд сўмни ташкил этиши прогноз қилинмоқда.

Шу билан бирга жамғармага Давлат бюджетидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорларига мувофиқ кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплаш мақсадида компенсациялар ва кафилликлар беришга **947,0 млрд сўм** ажратилиши режалаштирилган.

Жамғарма харажатлари **1 008,0 млрд сўм**ни ташкил этиб, шундан тижорат банкларига қарз олувчиларнинг кредитлари бўйича тақдим этилган кафолатлар билан боғлиқ тўловларни тўлашга 29,5 млрд сўм, тижорат банкларининг

кредитлари бўйича фоиз харажатларининг бир қисмини қоплаш учун компенсациялар беришга 940,3 млрд сўм ва жамғармани сақлаш харажатларига 28,7 млрд сўм йўналтириш режалаштирилган.

9. 2024 йилда **Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси**нинг тушумлари тижорат банкларига имтиёзли кредит ажратиш учун берилган ресурслардан ҳисобланган фоизлар эвазига **37,3 млрд сўм**ни ташкил этиши прогноз қилинмоқда.

Жамғарма даромадлари асосан тижорат банкларига имтиёзли асосда кредитлар ажратиш учун берилган ресурсларнинг қайтиши ва ҳисобланган фоиздан келиб тушадиган 32,3 млрд сўм даромадлар ҳисобига шаклланади.

Шунингдек, жамғармага Давлат бюджетидан **50,0 млрд сўм** миқдоридаги трансферт ажратилиши кўзда тутилган.

Жамғарманинг харажатлари йил бошига қолдиқ маблағлар билан бирга **204,0 млрд сўм**ни ташкил этиши кутилмоқда. Жамғарма маблағлари ҳисобидан қуйидаги харажатларни амалга ошириш режалаштирилган:

- оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган, шу жумладан, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган оилалардаги хотин-қизларни моддий қўллаб-қувватлашга 50,0 млрд сўм;

- хотин-қизларни касбга ўргатиш ва бандлигини таъминлашга кўмаклашадиган ҳамда уларнинг муаммолари билан шуғулланадиган нодавлат нотижорат ташкилотларга ва тадбиркорлик субъектларига грант маблағларини ажратишга 30,0 млрд сўм;

оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларни турар-жой билан таъминлашда бошланғич бадалини тўлаб беришга 30,0 млрд сўм;

хотин-қизларга оилавий ва хусусий тадбиркорликни, ҳунармандчиликни ташкил этишда ҳамда шундай фаолият учун имтиёзли кредитлар ажратиш учун ресурслар ажратишга 50,0 млрд сўм;

жамғарманинг Ижро этувчи дирекциясини сақлаш билан боғлиқ харажатларга 9,0 млрд сўм ажратиш кўзда тутилган.

10. 2024 йилда **Давлат тиббий суғуртаси жамғармасининг** даромадлари 4,0 млрд сўмни ташкил этиши прогноз қилинмоқда.

Жамғармага Давлат бюджетидан ажратиладиган трансфертлар миқдори **3,7 трлн сўмни** ташкил этиши прогноз қилинган.

Жамғарма харажатлари бюджет трансфертларига мос равишда 3,7 трлн сўмни ташкил этиши прогноз қилинган бўлиб, ушбу маблағлар, асосан, давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам доирасида тиббий хизматларни давлат ва хусусий тиббиёт ташкилотларидан харид қилиш учун ҳамда жамғармани сақлаш учун йўналтирилади.

11. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги **Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси**нинг 2024 йил бошига қолдиқ маблағлари 401,0 млрд сўм, жамғармага асосан давлат бюджетига тушадиган тушумлардан ажратмалар ҳисобига шаклланадиган даромадлари прогнози 3 422,0 млрд сўмни ташкил этади.

Жамғарма харажатлари 3 285,0 млрд сўм миқдорида прогноз қилинаётган бўлиб, ушбу маблағлар, асосан, ижтимоий харажатларни молиялаштиришга йўналтирилади.

II. 2024 йилда **Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси** даромадлари 18,9 трлн сўм ва харажатлари 32,8 трлн сўм миқдорида бўлиши прогноз қилинмоқда.

Жамғарма ҳисобидан 14,0 трлн сўм Давлат бюджетига трансфертлар кўзда тутилган.

3.4. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари тушумлари ва харажатлари прогнозлари

Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети қамровини ошириш, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳамда бюджетдан ташқари жамғармалар маблағларининг ишлатилишида бюджет ташкилотлари раҳбарларининг ҳисобдорлигини ва масъулиятини кучайтириш мақсадида халқаро ташкилотлар экспертларининг тавсияларига мувофиқ 2022 йилдан бошлаб бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети билан қамраб олинди.

2024 йилда жами бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари тушумлари ва харажатлари мос равишда 30,5 трлн сўмни ташкил этиши прогноз қилинмоқда.

3.5. 2024 йил учун консолидациялашган бюджетининг жамланма параметрлари прогнози ҳамда 2025-2026 йиллар учун мўлжаллари

2024-2026 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджети прогноз параметрларини ишлаб чиқишда давлат қарзининг ўрта муддатли даврда макроиқтисодий хавфсиз ҳисобланган ялпи ички маҳсулотга нисбатан 60 фоизлик юқори чегараси бўйича киритилган “Фискал қоида”га амал қилиш ва бунинг учун бюджет тақчиллигини 2024 йилда 4 фоиздан оширмаслик ҳамда ўрта муддатли даврда ўртача 3 фоиз миқдорида ушлаб туриш мақсад қилинган.

38-жадвал. Консолидациялашган бюджет жамланма параметрлари, *трлн сўм*

		2024 й (прогноз)	Бюджет мўлжаллари:	
			2025 й	2026 й
I.	**Консолидациялашган бюджет даромадлари**	**375,0**	**452,6**	**516,0**
	Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоизда	***28,8***	***29,4***	***30,0***
1.	Давлат бюджети даромадлари*	270,3	330,6	378,6
2.	Давлат мақсадли жамғармалари даромадлари*	55,4	63,9	73,2
3.	Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига тушумлар	18,9	22,8	25,3
4.	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларига тушумлар	30,5	35,3	38,8
II.	**Консолидациялашган бюджет харажатлари**	**427,5**	**498,3**	**567,6**
	Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоизда	***32,8***	***32,3***	***32,9***
1.	Давлат бюджети харажатлари *	279,6	323,8	376,8
2.	Давлат мақсадли жамғармалари харажатлари*	86,8	99,1	113,0
3.	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларининг сарфланиши*	18,8	22,8	25,3
4.	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларининг сарфланиши	30,5	35,3	38,8
5.	Ташқи қарз ҳисобидан давлат дастурларига харажатлар	11,8	17,4	13,6
III.	**Давлат мақсадли жамғармаларига трансфертлар**	**33,1**	**38,8**	**42,6**
IV.	**Давлат бюджетига трансфертлар**	**24,3**	**13,0**	**18,0**
V.	**Консолидациялашган бюджет сальдоси** *(профицит +, дефицит -)*	**-52,5**	**-45,7**	**-51,6**
	Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоизда	***4,0***	**3,0**	**3,0**
VI.	**Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари сальдоси** *(профицит +, дефицит -)*	**-40,8**	**-28,4**	**-38,0**
	Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоизда	***3,1***	**1,8**	**2,2**
	Давлат бюджетининг бирламчи тақчиллиги, *ялпи ички маҳсулотга нисбатан фоизда*	2,0	1,4	1,8
VI.	**Давлат қарзларини сўндириш**	**32,3**	**35,8**	**26,3**

* Бюджетлараро трансфертларни ҳисобга олмаган ҳолда.

3.5.1. 2024 йилги бюджет лойиҳаси билан 2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги қонунида белгиланган бюджет даромадлари ва харажатлари мўлжалларининг асосий фарқи.

2024 йил учун бюджет лойиҳаси бўйича консолидациялашган бюджети жамланма параметрларининг Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 30 декабрдаги “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-813-сон қонунига мувофиқ 2024 йилги бюджет мўлжалларидан фарқ қилиши асосан қуйидагилар билан тушунтирилади:

1. Даромад қисми юзасидан:

- ташқи иқтисодий ва молиявий ҳолатнинг олдинги прогнозларга нисбатан ўзгаргани;
- ялпи ички маҳсулот прогнозларидаги ўзгаришлар;
- инфляциянинг кутилган даражасидан ошиши;
- валюта айирбошлаш курсларидаги ўзгаришлар;
- солиқ сиёсатидаги ва солиқ маъмурчилигидаги ўзгаришлар;
- жаҳон бозорида олтин ва мис нархининг ўзгаргани ҳамда солиқ сиёсатида киритилган ўзгартиришлар натижасида қайта кўриб чиқилди.

2. Харажат қисми юзасидан:

- 2022 йил ва 2023 йилнинг ўтган даври мобайнида қабул қилинган давлат дастурларига мувофиқ 2024 йилги Давлат бюджети харажатларининг қайта кўриб чиқилиши. Шу жумладан:
- ижтимоий ҳимоя харажатларининг оширилиши;
- энергия ресурслари тарифларининг 2023 йилда бюджет ташкилотлари учун оширилиши муносабати билан бюджет ташкилотларининг коммунал хизматлари учун ҳамда сув насос станцияларининг электр энергия истеъмоли учун қўшимча маблағлар ажратилиши;
- Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги томонидан электр энергиясини сотиб олиш ва сотишдан кўрилган зарарларини компенсация қилиш учун маблағлар ажратилиши;
- Кичик бизнесни ривожлантириш жамғармаси устав капиталини шакллантириш учун
- Марказлашган инвестиция дастури харажатларининг оширилиши;
- жамоат транспортида чекланган тарифлардан кўрилган зарарни компенсация қилиш харажатларининг 6 баробардан ортиқ оширилиши;
- арзон уй-жой сотиб олиш учун субсидияларнинг ошиши;
- Давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича фоиз тўловлари учун харажатларнинг ошиши;
- умумий ўрта таълим муассасаларида дарсликларни янгилаш билан боғлиқ харажатларларининг ошиши;
- умумий таълим мактаблари учун янги компьютерлар харид қилиш харажатларининг 2 баробарга ошиши;
- бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари харажатларининг қайта кўриб чиқилиши ва бошқалар.

39-жадвал. 2024 йил учун бюджет лойиҳаси билан 2023 йил учун Давлат бюджети тўғрисидаги қонунида белгиланган бюджет мўлжаллари бўйича солиштирма жадвал, *трлн сўм*

		ЎРҚ–813 бўйича мўлжаллар	**Бюджет лойиҳаси**	**Фарқи** *“+” кўп, “-” кам*
I.	**Консолидациялашган бюджет даромадлари**	**353,7**	**375,0**	**+ 21,3**
1.	Давлат бюджети даромадлари*	270,0	270,3	+ 0,3
2.	Давлат мақсадли жамғармалари даромадлари*	46,8	55,4	+ 8,6
3.	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси даромадлари	11,4	18,9	+ 7,5
4	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларига тушумлар	25,5	30,5	+ 5,0
II.	**Консолидациялашган бюджет харажатлари**	**387,2**	**427,5**	**+ 40,3**
1.	Давлат бюджети харажатлари*	255,3	279,6	+ 24,5
2.	Давлат мақсадли жамғармалари харажатлари*	77,6	86,8	+ 9,2
3.	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларини сарфланиши	17,5	32,8	+ 15,3
	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларининг сарфланиши	25,0	30,5	+ 5,5
4.	Ташқи қарз ҳисобидан давлат дастурларига харажатлар	11,8	11,8	-
III.	**Давлат мақсадли жамғармаларига трансфертлар**	**34,3**	**33,1**	**- 1,2**
IV.	**Консолидациялашган бюджет сальдоси**	**-33,5**	**-52,5**	**+ 19,2**
V.	**Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари сальдоси**	**-16,1**	**-40,8**	**+ 24,7**
VI.	**Давлат қарзларининг асосий қисмини сўндириш**	**31,5**	**32,3**	**+ 0,8**

* Бюджетлараро трансфертларни ҳисобга олмаган ҳолда

Давлат мақсадли жамғармалари харажатлари бўйича:

- “Эл-юрт умиди” жамғармасига Давлат бюджетидан трансфертларнинг 2,8 баробарга оширилиши;

- Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ижтимоий солиқ тушумларининг кўпайиши ҳисобига жамғарма даромадларининг ошиши;

- Консолидациялашган бюджет таркибига Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси киритилиши

- Таълим кредитини молиялаштириш жамғармасига Давлат бюджетидан ажратиладиган трансфертларнинг оширилиши ва бошқалар.

3.5.2. 2024–2026 йиллар учун Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджети баланси.

2024 йилда консолидациялашган бюджет **тақчиллиги давлат дастурларини амалга ошириш учун жалб қилинадиган ташқи қарз маблағлари**ни инобатга олган ҳолда **52,5 трлн сўм**, ялпи ички маҳсулотга нисбатан **4,0 фоиз** миқдорида прогноз қилинмоқда.


Консолидациялашган бюджет тақчиллиги 2025 ва 2026 йилларда **3,0 фоиз**ни ташкил этиши прогнози қилинмоқда.

2024 йилги **Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари тақчиллиги 40,8 трлн сўм** ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан **3,1** фоизни ташкил этиши прогноз қилинаётган бўлиб, 2025 йилда – 1,8 фоиз, 2026 йилда 2,2 фоизгача пасайиши прогноз қилинган.

2024 йилда **Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси** баланси 14,0 трлн сўм тақчиллик билан прогноз қилинган.

Ташқи қарз ҳисобидан давлат дастурларига харажатлар прогнози 11,8 трлн сўм миқдорида режалаштирилмоқда.

23-расм. Консолидациялашган бюджет баланси, 2024–2026 йиллар учун прогноз, *трлн сўм*




2024 йилги **52,5 трлн сўм** миқдоридаги консолидациялашган бюджет **тақчиллигини**, шунингдек **32,3 трлн сўм миқдоридаги асосий қарзни** қайтариш ҳамда **11,3 трлн сўм** миқдоридаги ипотека ва тадбиркорлик дастурлари бўйича **тижорат банкларига ресурс ажратиш билан боғлиқ** харажатларни қуйидаги манбалардан қоплаш режалаштирилган:

40-жадвал. Тақчилликни молиялаштириш манбалари

Ташқи манбалар	
• халқаро молиявий ташкилотларнинг қарз маблағлари ҳисобидан – **31,8 трлн сўм**	• Давлат дастурларига ташқи қарзларни жалб қилиш – **11,8 трлн сўм**
Ички манбалар	
• давлат ғазначилик облигацияларини муомалага чиқариш – **25,0 трлн сўм**	• Давлат активларини хусусийлаштириш ҳисобидан – **10,0 трлн сўм**
• Аввалги йилларда берилган бюджет ссудаларнинг қайтиши – **2,8 трлн сўм**	• йил бошидаги қолдиқ маблағлар – **0,8 трлн сўм**
• Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг йил бошига қолдиқ маблағлари ҳисобига – **14,0 трлн сўм**	

24-расм. Иқтисодий ривожланган, бозор иқтисодиётига ўтаётган ҳамда паст даромадли ривожланаётган давлатларнинг давлат қарзи ва фискал тақчиллиги



Манба: IMF/Fiscal monitor/ On the Path to Policy Normalization. 2023 apr.

3.6. Давлат қарзини бошқариш сиёсати

Сўнгги йилларда иқтисодиётнинг барқарор ўсиши ҳамда 2020 йилдан бошлаб Давлат бюджети тўғрисидаги қонун билан давлат қарзини жалб қилишнинг йиллик лимитлари белгиланиши давлат қарзи умумий ҳажмининг барқарорлашишига асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.


Масалан, бугунги кунда давлат қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан **36,8** фоизни ташкил этаётган бўлса, мазкур кўрсаткич 2020 йилда 39 фоизни, 2021 йилда 38 фоизни, 2022 йилда эса 36,4 фоизни ташкил этди. Яъни, мамлакатимиз **иқтисодиёти давлат қарзи ўсиш суръатидан** юқорироқ суръатларда ўсиб бормоқда.

3.6.1. Давлат қарзининг жорий ҳолати.


2023 йил 1 июль ҳолатига давлат қарзи **31,5 млрд** АҚШ долларни ташкил этиб, ялпи ички маҳсулотга нисбатан **36,8 фоизни** (давлат ташқи қарзи – 30,2 фоиз) ташкил этди. Шундан давлат ташқи қарзи – **25,9 млрд** АҚШ доллар, давлат ички қарзи – **5,6 млрд** АҚШ доллар.

Халқаро валюта жамғармаси ўзининг мамлакатлар иқтисодиётига бағишланган ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг давлат қарзини **“мўътадил”** дея баҳолаган.

25-расм. Давлат қарзининг жорий ҳолати.




26-расм. Давлат ташқи қарзи кредиторлар кесимида, *млрд АҚШ долл.***



** Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш жамғармаси, ОПЕК, ЕТТБ, ЕИБ ва ОИИБ*

*** 01.07.2023 йил ҳолатига*

27-расм. Давлат ташқи қарзи тармоқлар кесимида, *млрд АҚШ долл.**



** 01.07.2023 йил ҳолатига*


3.6.2. Давлат қарзининг 2024-2026 йиллар учун прогноз кўрсаткичлари

Давлат қарзининг барқарорлиги кўп жиҳатдан асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг (*ялпи ички маҳсулот, бюджет тақчиллиги, инфляция, валюта курси ва бошқалар*) динамикасига боғлиқ.

Дастлабки таҳлилларга кўра, ўрта муддатда макроиқтисодий ҳамда фискал кўрсаткичларнинг барқарорлиги таъминланган шароитда, давлат қарзининг ялпи ички маҳсулотга нисбати 2024 йилда 37,0 фоизни, 2025 йилда 37,4 фоизни, 2026 йилда 37,9 фоиз атрофида бўлиши прогноз қилинмоқда.

Бунда, давлат ташқи қарзининг ялпи ички маҳсулотга нисбати ўртача 30 фоиз атрофида бўлиши кутилмоқда.

28-расм. Давлат қарзининг ялпи ички маҳсулотга нисбати, *фоизда*



3.6.3. Давлат қарзини хавфсиз даражада сақлаш ва самарали бошқариш юзасидан таклифлар

Давлат қарзини хавфсиз даражада сақлаш ва самарали бошқариш мақсадида Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан ўрта муддатли истиқболда қуйидаги чоралар кўрилиши кўзда тутилган:

1. Давлат қарзи бўйича **йиллик лимитларни** белгилаш амалиётини давом эттириш.

2. Миллий валютада қарз маблағларини жалб қилиш орқали валюта хатарларини камайтириш. Бунда, давлат ғазначилик облигацияларини чиқаришнинг чекланган соф ҳажмини 2024 йилда 25 трлн сўм этиб белгилаш;

3. Энг мақбул харажат ва хатар кўрсаткичларига эга давлат қарзи портфелини шакллантиришга қаратилган **ўрта муддатли давр учун давлат қарзини бошқариш стратегияни ишлаб чиқиш** ва тасдиқлатиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

4. Давлат қарзини тўлашнинг **ўртача муддатини узайтириш**, шунингдек, давлат қарзини манбалар бўйича **диверсификация қилиш**.

5. Давлат ғазначилик облигациялари бозорига халқаро инвесторларни кенг жалб қилиш жараёнини жадаллаштириш;

6. Давлат қарзи бўйича хизмат кўрсатиш билан боғлиқ хатарларнинг олдини олиш, уларни бартараф этиш ёки камайтириш.

7. Давлат қарзига оид маълумотлар очиқлигини таъминлаш.

3.7. Макро-фискал таваккалчиликлар таҳлили

Макроиқтисодий шоклар асосий иқтисодий ва бюджет параметрларининг прогноз кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатиб, давлат қарзи ва бюджет тақчиллигининг прогноз кўрсаткичлари ошишига олиб келиши мумкин.

Шунинг учун Ҳукумат томонидан ташқи қарз жалб қилишни эҳтиёткорлик билан бошқариш, айниқса, капитал лойиҳалар истиқболлигини кучайтириш зарур. Шунингдек, бюджет жараёни иштирокчилари учун бюджет маблағларини шакллантириш ва сарфлашда молиявий ресурслардаги йўқотишларни (фискал рисклар), давлат корхоналари ва давлат-хусусий шериклиги томонидан юзага келиши мумкин бўлган хатарларни баҳолашни кучайтириш лозим.

Ташқи хатарлар:

- **Жаҳон иқтисодиёти ўсиш суръатларининг** секинлашиши

Халқаро валюта жамғармасининг 2023 йил октябрь ойидаги ҳисоботида жаҳон иқтисодиёти ўсиши 2023 йилда 2022 йилдаги **3,5 фоиздан 3,0 фоизга** пасайтирилган.

- Асосий савдо ҳамкор давлатларда валюта курсининг қадрсизланиши сабабли пул ўтказмаларининг қисқариши, экспорт тушуми камайиши, импорт нархларининг салбий ўзгариши;

- Хорижий марказий банклар **фоиз ставка**ларининг оширилиши натижасида халқаро молия бозорларида мамлакатимиз иқтисодиётига инвестициялар жалб қилинишининг қийинлашиши.

- Табиий офатлар ва экстремал об-ҳаво ҳолатларининг ошиши.

- Геоиқтисодий қарама-қаршиликлар вужудга келиши.

- Экологик зарар ҳодисаларининг кузатилиши.

- Табиий ресурслар инқирозининг ошиши.

- Жаҳон бозорларида қимматбаҳо металлар нархидаги ўзгаришлар беқарорлиги ҳолатлари кузатилиши.

Бюджет барқарорлигига таъсир этувчи асосий ички омиллар сифатида қуйидагиларни белгилаш мумкин:

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари харажатларининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан кескин ўсиши, жумладан, бюджетга қўшимча доимий харажат мажбуриятларининг юкланиши;

давлат томонидан тарифларнинг арзон нархларда ушлаб турилиши натижасида иқтисодиёт тармоқлари, жумладан, энергетика, газ саноати, кўмир, коммунал соҳа, жамоат транспорти корхоналарининг молиявий аҳволининг ёмонлашуви ушбу корхоналарни бюджет ҳисобидан қўллаб-қувватланишининг ошиши;

давлат кафолати остида жалб қилинган кредитлар ҳисобига амалга оширилган йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларининг ўз муддатида ва лойиҳа

қувватида ишга туширилмаслиги ва бошқа омиллар оқибатида хорижий кредитларнинг бюджет ҳисобидан қоплаб бериш хавфининг мавжудлиги;

бюджет қонуни билан йил бошида тасдиқланган бюджет тақчиллиги ҳажмининг молия йили давомида қўшимча харажатлар келиб чиқиши сабабли ошиши;

Пенсия жамғармасининг даромадлари ва харажатлари ўртасида номутаносибликнинг ошиши натижасида республика бюджетидан ажратиладиган трансфертларнинг ошиши ва бошқалар.

Ўрта муддатли даврда **давлат бюджетига таъсир этувчи глобал трендлар ва ташқи омиллар** сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

Давом этаётган геосиёсий вазиятнинг салбий таъсирлари

Геосиёсий зиддиятлар кучаётгани шароитида товар бозоридаги нархлар ўсиши ва тақчиллигига олиб келиб, бунинг натижасида мамлакатимизда инфляция босими кучайиши мумкин.

Глобал миқёсда озиқ-овқат нархларининг кескин ўсиши аҳолининг заиф қатламларига салбий таъсир қилиб, уларни озиқ-овқат нархларининг юқорилигидан ҳимоя қилиш заруриятини келтириб чиқаради, бу, ўз навбатида, бюджетнинг ижтимоий харажатлари ошишига олиб келади.

Бундан ташқари, инфляцион босим остида иш ҳақи ва пенсия тўловларининг қўшимча индексацияси амалга оширилиши, миллий валютанинг асосий жаҳон валюталарига нисбатан қадрсизланиши, меҳнат мигрантларининг оммавий мамлакатга қайтиши ва Ўзбекистонда доимий даромад манбаига эга бўлолмаслиги оқибатида Давлат бюджетидан нафақа олувчи оилалар сонининг ортиши каби омилларнинг таъсирида бюджет харажатларининг ошиши кутилади.

Халқаро ташкилотлар томонидан тақдим этиладиган қарз (кредит) маблағлари бўйича фоиз ставкасининг ўсиши ташқи қарз маблағларини жалб қилиш жозибадорлигини пасайтиради.

Ушбу глобал тренд ва ташқи омиллар натижасида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети прогнозларида кузатилиши мумкин бўлган **рискларни** қуйидагича тасвирлаш мумкин:

- **иш ҳақи** миқдорининг қўшимча равишда **1 фоизга оширилиши** йилига **1,3 трлн сўм** атрофида, **пенсия** миқдорининг **1 фоизга оширилиши** эса **600 млрд сўм** миқдорида қўшимча харажатлар талаб этади;

- **сўм** алмашинув **курсининг** 100 сўмга қадрсизланиши йиллик Давлат бюджети харажатларининг **400 млрд сўм**га ошишига олиб келади;

- **олтин** нархининг прогнозда кўзда тутилган 1 унция учун 1 800 АҚШ долл. нархидан 100 АҚШ долларига пасайиши **4,5 трлн сўм** бюджет даромадлари камайишига;

- **Мис** нархининг прогнозда кўзда тутилган 1 тоннаси учун 7 800 АҚШ долл. нархидан 500 АҚШ долларига пасайиши **940 млрд сўм** бюджет даромадлари камайишига;

- энергия ресурслари тарифларининг оширилмай қолиши **1,5 трлн сўм** бюджет даромадлари камайишига олиб келиши мумкин.

IV. Давлат молиясини бошқаришни такомиллаштириш бўйича амалга оширилиши режалаштирилган ислоҳотлар

Қисқача шарҳ

Келгуси ўрта муддатли даврда фискал сиёсат “Ўзбекистон–2030” Стратегиясида белгиланган мақсадларга эришишга, ташқи сиёсий ва иқтисодий вазиятнинг Ўзбекистонга таъсирини юмшатишга, макроиқтисодий ва фискал барқарорликни таъминлашга, инвестициявий жозибадорликни ошириш, аҳолининг муҳтож қатламини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада яхшилаш, узоқ муддатли инклюзив иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилиши режалаштирилган.

2030 йилга бориб ялпи ички маҳсулотни аҳоли жон бошига 4 минг АҚШ долларидан ошириш ҳамда “даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар” қаторига кириш учун макроиқтисодий барқарорликни таъминлаган ҳолда иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини сақлаб туриш зарур.

Шундан келиб чиқиб, Ҳукумат томонидан чекловчи фискал сиёсат олиб борилиши, жумладан, фискал консолиядациялаш (бюджет даромадларини ошириш ва давлат бюджети харажатларини босқичма-босқич мақбуллаштириш) орқали бюджет тақчиллигини пасайтириб бориш, самарасиз солиқ имтиёзлари ва преференцияларидан воз кечиш лозим.

Шунингдек, ўрта муддатли даврда ташқи қарзларни жалб қилиш бўйича йиллик имзоланадиган янги битимларнинг чекланган ҳажми ошишининг олдини олиш, бунда, давлат ташқи қарзи маблағларини, асосан, муҳим ижтимоий соҳа ва инфратузилмани ривожлантиришга йўналтириш мақсадга мувофиқ.

Шулар билан бир қаторда, бюджет қонунчилигига киритилган давлат қарзи ва бюджет тақчиллиги бўйича қоидаларни такомиллаштириш, бюджет интизомини янада кучайтиришга қаратилган янги қоидаларни жорий этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни бюджет қонунчилигида акс эттириш лозим бўлади.

Бундан ташқари, 2020-2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини таҳлил қилган ҳолда, Халқаро валюта жамғармаси экспертлари иштирокида кейинги 5 йилликда давлат молияси тизимида амалга ошириладиган ислоҳотларни белгилаш режалаштирилмоқда.

4.1. Давлат бюджети харажатларининг самарадорлик индикаторларини белгилаш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармони, 46-мақсадида “Фискал барқарорликни таъминлаш ва давлат мажбуриятларини самарали бошқариш” белгиланган. Ушбу мақсадга эришиш учун 5 та самарадорлик кўрсаткичларидан бири 2030 йилгача “Натижага йўналтирилган бюджетлаштириш” амалиётига тўлиқ ўтиш кўзда тутилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегиясининг асосий мақсадларидан бири бу ўрта муддатли бюджет асосларини ишлаб чиқиш ҳамда йиллик бюджетни шакллантиришнинг янги **“натижага йўналтирилган бюджет”** (**Дастурий бюджетлаштириш)** тизимини жорий этиш ҳисобланиб, мазкур мақсад бўйича қуйидагилар амалга оширилди.

Ҳар бир давлатнинг миллий стратегиясида (5-10 йиллик) белгиланган стратегик мақсадларга эришиш учун давлат бюджетидан сарфланадиган маблағларнинг узвий боғлиқлиги Дастурий бюджетлаштириш тизими орқали таъминланади.

Шу муносабат билан, ушбу тизимга ўтишнинг дастлабки босқичида сўнги уч йилда мамлакатнинг тараққиёт стратегияси ҳамда миллий барқарор ривожланиш мақсадларида белгиланган стратегик мақсадлардан келиб чиқиб, вазирлик ва идоралар бюджет харажатларининг мақсадли индикаторлари белгиланди.

Шунингдек, давлат бюджетидан ажратилган маблағлар устидан Парламент ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш алоҳида ўрин тутади. Шу муносабат билан, вазирлик ва идораларнинг бюджет харажатларининг мақсадли индикаторларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботлари Олий Мажлис палаталарида муҳокама қилиш учун киритиб борилмоқда.

1. Дастурий бюджетлаштириш тизимини келгуси йилларда такомиллаштириш бўйича хорижий экспертлар томонидан берилган тавсиялар:

2022 йилда ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда Дастурий бюджетлаштириш тизими бўйича сўнгги йилларда амалга оширилган ислоҳотлар таҳлил қилинди ва келгуси режалар ишлаб чиқиш мақсадида халқаро экспертлар жалб этилди.

Экспертлар томонидан амалга оширилган баҳолаш натижасига мувофиқ қуйидаги муаммо ва уларнинг ечими бўйича асосий тавсиялар берилди.

Таклифлар:

- дастурий бюджетлаштириш амалиётини жорий этиш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш (вазирлик ва идораларнинг бюджет дастурини ишлаб чиқиш услуби);
- вазирлик ва идораларнинг ўрта муддатга мўлжалланган бизнес режалари (стратегияларини, ривожлантириш дастурлари) ишлаб чиқиш тартибини белгилаш;
- молия йили доирасида давлатнинг дастурий бюджетлаштириш амалиётидаги функциялари, вазифалари ва мақсадларини аниқлаш;
- дастурий бюджетлаштириш тизимида бюджет классификациясини ишлаб чиқиш ва бюджет харажатларини дастурлар бўйича таснифлашни жорий этиш;
- дастурий бюджетлаштириш амалиётининг ахборот-таҳлил бошқариш тизимини ишлаб чиқиш;
- анъанавий, режаларни бошқариш тизимидан натижадорликни бошқариш тизимига ўтиш;
- тармоқлар ва вазирликлар мисолида натижага йўналтирилган бюджетлаштиришни жорий этиш шарт-шароитларини асослаш;
- устуворликларни ва улар асосида тармоқнинг ўрта ва узоқ муддатли истиқболда (3 йил) ривожлантириш бўйича мақсадли бюджет дастурларини белгилаш;
- ҳар бир дастур бўйича мақсадлар, вазифалар ва кутилаётган натижаларни ишлаб чиқиш;
- янги усул асосида ажратиладиган бюджет маблағларидан фойдаланишни мониторинг қилиш учун индикаторларни ишлаб чиқиш;
- мақсадли бюджет дастурлари асосида бюджет буюртманомасини тайёрлаш (бунда, албатта вазирликлар синов тарзида қўллаб кўрилиши зарур);
- Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексига “Дастурий бюджетлаштириш” тизимини назарда тутувчи моддаларни киритиш;
- вазирлик ва идоралар ходимларининг билим ва салоҳиятини ошириш мақсадида Дастурий бюджетлаштириш тизими бўйича доимий ўқув курслари ва тренингларни ўтказиб бориш.

2. 2024-2026 йилларда Дастурий бюджетлаштириш тизими бўйича амалга ошириладиган истиқболли режалар:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Дастурий бюджетлаштириш тизимини жорий этишда бюджет маблағлари тақсимловчиларнинг бюджет дастурларини ишлаб чиқиш, мониторингини юритиш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорини қабул қилиш; (Низом лойиҳаси ишлаб чиқилган ва ҳозирда ушбу норматив ҳужжат лойиҳаси тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритилган).

➢ синов тариқасида 2025-2026 йилларда Соғлиқни сақлаш ва Қишлоқ хўжалиги вазирликларининг бюджет харажатларини бюджет дастурлари кесимида ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

➢ вазирлик ва идораларнинг масъул мутахассисларини мунтазам равишда бюджет дастурларини ишлаб чиқиш, ижросини мониторинг қилиш бўйича ўқув курсларини ташкил қилиш ва ўқитиб бориш;

➢ Жаҳон банкининг Институционал салоҳиятни ошириш лойиҳаси доирасида Дастурий бюджетлаштириш тизими бўйича халқаро консультантларни жалб этиш бўйича техник вазифани қайта кўриб чиқиш;


➢ 2025-2030 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасида натижага йўналтирилган бюджетлаштиришни (дастурий бюджетлаштириш) жорий этиш амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

➢ биринчи даражали бюджет маблағлари тақсимловчиларнинг 2024-2026 йиллар учун бюджет маблағларидан фойдаланиш билан боғлиқ мақсадли индикаторларини тасдиқлаш;

➢ халқаро консультантлар билан биргаликда вазирлик ва идораларнинг бюджет дастурлари учун Дастурий таснифни жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

➢ синов натижаларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексига вазирлик ва идораларнинг Стратегик режаси (ривожлантириш дастури) ва бюджет дастури тушунчаларини акс эттириш юзасидан ўзгартириш киритиш бўйича таклиф тайёрлаш.

29-расм. Республика бюджети харажатларини мақсадли индикаторлар билан қамраб олиш даражаси.



Бир қатор бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг навбатдаги 2024-2026 йилларга мўлжалланган амалдаги тадбирлари ҳамда ривожлантириш дастурларига талаб этиладиган маблағлар миқдори ва мақсадли индикаторлари Бюджетноманинг **5-иловаси**га мувофиқ шакллантирилди.

Бунда, ривожлантириш дастурлари мавжуд бўлмаган бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг стратегик мақсадларидан келиб чиқиб жорий харажатларининг мақсадли индикаторлари белгиланган.

4.2. Бюджет очиқлигини таъминлаш ҳамда бюджетни шакллантиришда фуқаролар иштирокини янада ошириш

Бюджет очиқлигини таъминлаш бўйича амалга оширилган ислоҳотлар натижалари

Сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар доирасида молиявий ресурсларининг бошқарувини давр талаби бўйича такомиллаштириб бориш ҳамда ташаббусли бюджетлаштиришга асосланган инновацион молиявий бошқарув тизимини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Маълумки, мамлакатимизда бюджет маблағларининг сарфланишида жамоатчилик назоратини ўрнатиш ҳамда фуқароларни бюджет жараёнига кенг жалб қилиш мақсадида 2021 йилдан бошлаб вазирлик томонидан янги таҳрирда ишга туширилган **“Очиқ бюджет”** ахборот портали орқали “**Ташаббусли бюджет**” жараёнлари ўтказиб келинмоқда.

Бу борада ўтган давр мобайнида жамоатчилик фикри асосида тадбирларни шакллантиришда кенг жамоатчилик жалб қилинди, бюджет жараёнида фуқаролар иштироки оширилди, шунингдек, ташаббусли бюджетлаштириш соҳасида маҳаллий ва халқаро тажриба билан доимий таништирувлар олиб борилди.

2021-2023 йиллар давомида Ташаббусли бюджет жараёнлари учун Давлат бюджетидан қарийб **8,0 трлн сўм** маблағлар йўналтирилди. Мазкур маблағлар доирасида жами **ўн минга яқин** лойиҳалар ғолиб деб топилиб, **беш мингдан ортиқ** маҳаллаларда ижтимоий муаммолар бартараф этилишига эришилди.

Дастур доирасида бюджет маблағлари айнан **жамоатчилик фикри** асосида фуқаролар томонидан долзарб деб топилган муаммоларни ҳал этиш учун **манзилли йўналтирилишига,** шу билан биргаликда ажратилган маблағлардан фойдаланишда **жамоатчилик назоратини** кучайишига эришилмоқда.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Ташаббусли бюджет жараёнлари йилдан-йилга фуқароларнинг турмуш даражасини яхшилашда тезкорлик билан натижага эришиш мумкин бўлган ҳамда барча фуқаролар фойдаланиш имконияти мавжуд **механизм сифатида** шаклланиб бормоқда.

Бугунги кунга келиб эса, бу атама ижтимоий тармоқларда энг кўп ишлатилаётган атамалар қаторига кирди. Фуқаролар ушбу жараён хақида

тушунчага, унда қандай иштирок этиш ҳамда унинг ижтимоий аҳамияти хақида умумий тушунчаларга эга бўлмоқдалар.

Ушбу жараёнларни тартибга солиш бўйича ҳукумат қарори тасдиқланиб, лойиҳаларни шакллантириш уларни саралаб олиш ва овоз бериш жараёнлари бўйича меъёрлар белгиланди.

Бюджет очиқлигини таъминлаш бўйича кейинги даврларда амалга ошириладиган ислоҳотлар

Ташаббусли бюджетлаштириш амалиётини юртимизда тобора кенгайиб муҳим аҳамият касб этиб бораётганини ушбу дастурлар учун ажратилаётган маблағлар ҳажмининг йил сайин ортиб бораётгани ҳамда қабул қилинаётган қарор ва фармойишлардаги белгиланаётган вазифа ва топшириқлардан ҳам кўриш мумкин.

Жумладан, келгуси йилдан бошлаб мазкур жараёнларни янада кенгайтириш ҳамда такомиллаштириш бўйича Давлат дастурлари, қарор ва фармойишларда бир қатор вазифалар белгилаб берилди. Шулардан,

а) ташаббусли бюджетлаштириш амалиётини кенгайтириш соҳасида:

туман (шаҳар) бюджетларида кўзда тутилган ички йўлларни таъмирлаш учун ажратилган маблағлар **тўлиқ “Менинг йўлим”** лойиҳаси доирасида фуқароларнинг ташаббуслари асосида йўналтирилиши ҳамда ушбу мақсадларда 2024 йилда **800,0 млрд сўм** маблағ йўналтирилиши белгиланди;

маҳаллаларнинг молиявий мустақиллигини ошириш ва маҳаллалардаги йирик бўлмаган лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда муаммоларни мустақил ҳал этишни ташкил этиш мақсадида “**Маҳалла бюджети**” тизими жорий этилмоқда;

б) Давлат бюджетини шакллантиришда фуқароларнинг иштирокини кенгайтириш соҳасида:

2023 йилда “Очиқ бюджет” ахборот порталига келиб тушган ва ҳар бири **1,5 мингдан ортиқ** овоз тўплаган, лекин ғолиб деб топилмаган лойиҳалар таҳлиллари асосида жиҳозлаш билан боғлиқ лойиҳаларни амалга ошириш харажатларига 2024 йил Давлат бюджети лойиҳасида маблағлар кўзда тутиш.

в) Ташаббусли бюджетлаштириш жараёнларини янада такомиллаштириш, жойларда кузатилаётган айрим камчиликларни бартараф этиш мақсадида амалдаги тартибга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш орқали овоз беришда **фуқароларни идентификация** қилиш механизмини жорий этиш таклиф этилади.

4.3. Харажатларни барқарор ривожланиш мақсадлари билан уйғунлаштириш

Ўзбекистонда барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун амалга оширилаётган ишлар:

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (БМТ) тизим ташкилотлари, шу жумладан БМТ Тараққиёт дастури (БМТТД), ЮНИСЕФ ва БМТнинг Наркотик моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси билан ҳамкорликда БМТнинг Қўшма дастурини амалга ошириб келмоқда.

Дастурнинг асосий мақсади Комплекс Миллий Молиялаштириш Механизмини ишлаб чиқиш орқали Ўзбекистонда ривожланишни молиялаштиришнинг умумий механизмини мустаҳкамлашдан иборат.

Комплекс Миллий Молиялаштириш Механизми барқарор ривожланишни режалаштириш ва молиялаштириш воситаси бўлиб, мамлакатда мавжуд молиявий ресурслардан фойдаланиш унумдорлигини ошириш, молиялаштириш манбалари ва механизмларини кенгайтириш ҳамда молиявий ва номолиявий таваккалчиликларни бошқаришга ёрдам беради ҳамда қуйидаги асосий таркибий қисмларни ўз ичига олади (i) баҳолаш ва диагностика; (ii) молиялаштириш стратегияси; (iii) таҳлилий кўриб чиқиш ва мониторинг қилиш; (iv) бошқарув ва мувофиқлаштириш.

Биринчи босқич доирасида БМТТД кўмагида 2020 йил декабрь ойида Ўзбекистон учун Тараққиётни молиялаштиришни баҳолаш якунлаган бўлиб, мамлакатда миллий миқёсдаги ривожланишнинг устувор соҳа ва йўналишларини қўллаб-қувватлаш ҳамда Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш ва қўшимча молиялаштириш манбаларини жалб қилиш имкониятлари ўрганилди.

Иккинчи босқичда Ўзбекистонда давлат ва хусусий молияни барқарор ривожланишга сафарбар этиш мақсадида комплекс молиялаштириш тизимини яратиш, шунингдек, қўшимча молиявий ресурсларни жалб қилиш учун инновацион воситалар ва молиялаштириш механизмларини жорий этишни мақсад қилган **Комплекс Миллий Молиялаштириш Стратегиясини** ишлаб чиқиш режалаштирилган.

4.3.1. “Яшил” иқтисодиётга ўтишга қаратилган ислоҳотлар

1. 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегияси доирасида “яшил” ва инклюзив иқтисодий ўсишни таъминлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш ҳамда иқтисодиётнинг барча тармоқларида ресурсларни тежашни янада кенгайтириш мақсадида 2022 йил 2 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-436-сон қарори қабул қилинди.

Қарор билан қуйидаги стратегик ҳужжатлар ва тизимлар тасдиқланди:

- стратегик мақсадларга эришишга мўлжалланган 2030 йилгача Ўзбекистон Республикасида “яшил” иқтисодиётга ўтиш ва “яшил” ўсишни таъминлаш **Дастури**;

- саноат тармоқларида “яшил” иқтисодиётга ўтиш ва энергия тежамкорлигини таъминлаш бўйича **Концепция**;

- 2030 йилгача Ўзбекистон Республикасида “яшил” иқтисодиётга ўтиш ва “яшил” ўсишни таъминлаш бўйича **Ҳаракатлар режаси**;

- ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг энергия сиғими кўрсаткичини 2026 йилга келиб 2022 йилга нисбатан 20 фоизга камайтиришга қаратилган 2022–2026 йилларда иқтисодиёт тармоқларида ёқилғи-энергетика ресурсларини тежашнинг **Мақсадли параметрлари**;

- Ўзбекистон Республикасида “яшил” иқтисодиётга ўтиш чораларини мувофиқлаштириш бўйича **Идоралараро кенгаш** таркиби янгиланди;

- “Яшил” иқтисодиётга ўтиш ва “яшил” ўсиш бўйича **Донорларнинг мувофиқлаштириш гуруҳи** тасдиқланди;

- Донорларнинг мувофиқлаштириш гуруҳи фаолиятини ташкил қилувчи, “Яшил” иқтисодиёт Стратегияси, Дастури ва Ҳаракатлар режасида белгиланган вазифаларни амалга оширишда уни Идоралараро кенгаш билан ўзаро мувофиқлаштиришга кўмаклашишда ишчи органи вазифасини бажарувчи лойиҳа офиси **Техник котибияти** ташкил этилди.

2. Франция тараққиёт агентлиги (ФТА) билан ҳамкорликда **“Яшил” иқтисодиёт бўйича давлат сиёсати соҳасида қарз дастури** амалга оширилди. Мазкур дастур доирасида ФТА томонидан Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтишига кўмаклашиш кўзда тутилган**.**

Мазкур лойиҳа доирасида қазилма ёқилғилари субсидияларини хатловдан ўтказиш ва қисқартириш, иқтисодиётни декарбонизациялаш бўйича узоқ муддатли стратегияни ишлаб чиқиш, миллий миқёсда иссиқхона газлари ташланмаларининг мониторинги, ҳисоботи ва текшируви тизими жорий этиш, “яшил” бюджетлаштириш ва солиққа тортишни жорий қилиш ҳамда бошқа йўналишларда ишлар амалга оширилди.

3. ФТА ҳамда Бирлашган миллатлар ташкилотининг тараққиёт дастури (БМТТД) ҳамкорлигида “Иқлим ўзгариши соҳасида давлат харажатлари ва институционал таҳлил: Ўзбекистон” ҳисоботи тайёрланди.

Ҳисоботда Ўзбекистон учун Иқлим ўзгариши билан боғлиқ давлат харажатлари ва институционал таҳлил (CPEIR) натижалари келтирилган. CPEIR диагностика воситаси бўлиб, учта йўналиш, сиёсат/стратегия таҳлили, институционал таҳлил ва харажатларни кўриб чиқишдан иборат. Таҳлил натижаларига кўра давлат бюджети харажатларининг 10-11 фоизи иқлимга ижобий таъсир кўрсатадиган тадбирларга ажратилиши ҳамда бюджет харажатларининг иқлим ўзгаришига қарши курашиш чораларига самарали йўналтирилаётгани хулоса қилинган. Бундан ташқари, бюджет харажатларининг иқлим ўзгаришларига қарши чораларга янада самарали йўналтириш бўйича таклифлар тақдим этилган.

4. БМТТД кўмагида амалга оширилган яна бир лойиҳа доирасида “Ўзбекистонда бюджетни “Яшил” маркировкалаш (БЯМ) методологияси ва йўл харитаси” ишлаб чиқилди.

Лойиҳанинг асосий тадбирлари:

- давлат бюджетини шакллантириш жараёнининг барқарор ривожланиш мақсадларини самарали тарзда амалга оширишни қўллаб-қувватлашини таъминлаш;

- Ўзбекистонда “Иқлим бюджетини маркировкалаш” моделини ишлаб чиқиш ва жорий этиш ҳисобланади.

41-жадвал. “Яшил” бюджетлаштириш бўйича соҳалар кесимида маркировка қилинган маблағлар жадвали, 2024 йил учун прогнози, *трлн сўм*

		Прогноз	Ижобий	Салбий	Таъсирга эга эмас
	Харажатлар, жами	**312,8**	**34,2**	**0,9**	**277,7**
	Жами харажатларга нисбатан, фоизда	*100,0*	*10,9*	*0,3*	*88,8*
1	Ижтимоий харажатлар	151,4	0,7		150,7
2	Иқтисодиёт харажатлари	36,8	20,2	0,9	15,8
3	Инвестиция харажатлари	31,7	12,1		19,7
4	Давлат бошқаруви, ҳокимияти, адлия, прокуратура, суд ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини сақлаш харажатлари	19,8	1,0		18,8
5	Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳар ва туманлар бюджетларининг захира жамғармалари	2,1			2,1
6	Давлат қарзига хизмат кўрсатиш ва қоплаш харажатлари	16,4			16,4
7	Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини, шунингдек айрим хизмат турлари бўйича тарифларни ошириш билан боғлиқ харажатлар	9,6			9,6
7	Бошқа харажатлар	44,9	0,2		44,7

5. Шунингдек, маҳсулотлар қайта тикланувчи энергия манбалари ҳисобидан ва экологик жиҳатдан тоза технологиялар ёрдамида ишлаб чиқарилганини тасдиқловчи ҳамда бу билан боғлиқ барча жараёнларни кузатиб бориш имконини берувчи **“яшил энергия сертификатлари” тизими** ишлаб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 12 майдаги ПҚ-156-сон қарори билан жорий этилди.

Мазкур тизимга кўра, қайта тикланувчи энергияни ишлаб чиқарувчилар “яшил сертификат”ни якуний фойдаланувчига (товарлар ишлаб чиқарувчилар, истеъмолчилар) сотади ва бу билан энергиянинг **“тозалиги”**га кафолат беради.

Бу эса якуний фойдаланувчиларга ўз маҳсулотларини сотиш ва экспорт қилиш ҳажмини ошириш (**Европа Иттифоқида сертификатлар мажбурийдир**), халқаро ва хорижий молия ташкилотларидан **“яшил” инвестициялар** ва **“яшил” кредитларни** жалб қилиш имконини беради.

6. Қазилма ёқилғилар субсидияларини камайтириш ҳисобига энергия ресурслари сарфини мақбуллаштириш мақсадида **Франция тараққиёт агентлиги** лойиҳаси доирасида **Барқарор ривожланиш халқаро институти** (IISD) кўмагида **қазилма ёқилғилар субсидияларини хатловдан ўтказиш ҳамда уларни камайтириш** бўйича лойиҳа йўлга қўйилди. Унинг доирасида қазилма ёқилғилари субсидияларини хатловдан ўтказиш бирламчи методологияси тайёрланди.

7. 2022 йилнинг май ойида Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган камбағалликни қисқартириш бўйича ўтказилган халқаро форум доирасида юртимиз Метан эмиссиясини камайтириш бўйича глобал мажбурият *(The Global Methane Pledge)* ташаббусига қўшилди.

Мазкур ташаббус унга қўшилган аъзоларнинг 2030-йилгача глобал метан эмиссиясини 2020-йил даражасидан камида **30 фоиз**га камайтириш бўйича жамоавий саъй-ҳаракатларга ҳисса қўшиш учун ихтиёрий ҳаракатлар қилишга розилигини билдиради.

8. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги 2023 йилнинг май ойида **“Иқлим учун ҳаракат Молия вазирлари коалицияси”**га аъзо бўлди. Коалиция ўз фаолиятини Хельсинки принциплари асосида олиб бориши белгиланган бўлиб, мазкур принциплар қўйидагилардан иборат:

- сиёсат ва амалиётни Париж битими доирасида қабул қилинган мажбуриятларга мослаштириш;

- иқлим ўзгариши соҳасидаги тажриба ва амалий билимларни ўзаро алмашиш;

- самарали углерод савдосини йўлга қўйиш бўйича тегишли чоралар кўриш;

- макроиқтисодий сиёсат, фискал режалаштириш, бюджетлаштириш, давлат инвестицияларини бошқариш ва харидлар амалиётида иқлим ўзгаришини ҳисобга олиш;

- инвестициявий муҳитни осонлаштириш орқали иқлим масалаларини молиялаштириш учун хусусий манбаларини сафарбар қилиш;

- Париж битими бўйича тақдим этилган миллий миқёсда белгиланган ҳиссаларни (NDC) шакллантириш ва амалга оширишда фаол иштирок этиш.

9. Ўзбекистон ва Япония ҳукуматлари иқтисодиёт тармоқларида иссиқхона гази эмиссиясини камайтиришга қаратилган замонавий “яшил” технологияларни жалб қилишни кўзда тутувчи **Joint Credit Mechanism** (JCM) механизми йўлга қўйиш бўйича келишувга эришди *(2022 йил октябрда ҳамкорлик Меморандуми имзоланди)*.

Маълумот учун: *Қўшма молиялаштириш механизми – Японияниng ривожланаётган мамлакатларда замонавий технологияларнинг 50 фоизгача қисмини молиялаштириш асосида жорий қилиш орқали иссиқхона гази эмиссиясини камайтириш бўйича ҳамкорлик тизими ҳисобланади.*

10. Жаҳон банки ҳамда Европа тикланиш ва тарққиёт банки билан биргаликда **Иқтисодиётнинг декарбонизациялаш ва “яшил” ривожланиш моделига ўтиш бўйича узоқ муддатли стратегия**ни (LTS) ишлаб чиқиш лойиҳаси йўлга қўйилди.

Маълумот учун: *Париж битимининг 4-моддасига мувофиқ, мамлакатлар 2050 йилгача углерод нейтраллигига эришишга қаратилган ўзларининг узоқ муддатли стратегияларини ишлаб чиқишлари лозим.*

Стратегия доирасида иқтисодиёт тармоқларида углерод нейтраллигига эришиш учун амалга ошириладиган асосий чора-тадбир ва лойиҳалар, талаб қилинадиган капитал қўйилмалар ҳажми кўрсатилган инвестиция режаси тармоқлар кесимида тайёрланади.

11. Жаҳон банки билан биргаликда:

– 2030 йилгача иқлим ўзгаришининг Ўзбекистон иқтисодиётига бевосита ва билвосита таъсирлари ўрганилди ҳамда унинг асосида **“Towards a Greener Economy”** ҳисоботи тайёрланиб, иккинчи Халқаро иқтисодий форумда тақдимот қилинди ҳамда ЖБ ва Вазирлик расмий веб-сайтларида жойлаштирилди;

– Иқлим ўзгариши шароитида иқтисодий ўсишни таъминлаш бўйича миллий баҳолаш (CCDR – **Climate Change and Development Report**) лойиҳасини амалга ошириш йўлга қўйилди. Ушбу баҳолаш иқтисодиётга халқаро арзон “яшил” молиявий кўмакларни жалб қилишга ёрдам беради.

12. Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда:

- Ўзбекистонда давлат инвестицияларини бошқаришни баҳолашнинг иқлим билан боғлиқ мезонларини ***(C-PIMA)*** қўллаш имконияти ўрганилди ва уни жорий қилиш бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар тайёрланди;

- йирик саноат корхоналарида **экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув тамойилларини (ESG)** жорий қилишнинг жорий ҳолати ўрганилди, ушбу тамойилларни кенг жорий қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди ҳамда семинар тренинглар ташкил қилинди;

- Ўзбекистонда **иқлим ўзгаришининг иқтисодиёт тармоқларига бўлган хавфини баҳолаш** инструментини ***(Climate Risk Assessment Tool)*** ишлаб чиқиш бўйича техник кўмак жалб қилинди;

- Ўзбекистонда **гендер тенглигини таъминлашга қаратилган дастурий бюджетлаштириш тизимини** жорий этиш бўйича музокаралар ўтказилди ва бажарилиши лозим бўлган қадамлар белгилаб олинди.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида **айланма иқтисодиётни ривожлантириш** ҳамда **қаттиқ биоёқилғидан фойдаланиш** бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди ва Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

4.4. Давлат секторида ички назорат ва ички аудитни такомиллаштириш

Сўнгги йилларда мамлакатимизда давлат молиявий ресурсларини самарали бошқариш ҳамда бюджет маблағларидан мақсадли ва оқилона фойдаланишда давлат молиявий назорати тизимини такомиллаштириш юзасидан кўплаб ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, давлат секторига ички назорат ва ички аудит тизимини жорий этиш орқали давлат бюджети харажатларининг самарадорлигини ошириш, бюджет қонунчилиги бузилишининг профилактикасини кучайтириш ва масофавий аудитни кенгайтириш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда.

Бу борада, вазирлик ва идораларда ташкил этилган ички аудит хизматлари фаолиятини услубий таъминлаш ҳамда ички аудит фаолиятини илғор хорижий тажриба асосида йўлга қўйиш мақсадида тегишли қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 февралдаги ПҚ-128-сон “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг самарадорлигини янада ошириш ва давлат молиявий назорати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори билан вазирлик ва идоралар ички аудит хизматлари фаолиятида бюджет қонунчилиги бузилишининг профилактикасига қаратилган асосий йўналишлар белгиланди.

Бунда асосан вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизматлари фаолиятини ривожлантириш, уларнинг фаолиятида масофавий аудитни кенг кўламда қўллаш орқали ички аудит тадбирлари самарадорлигини оширишга эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 1 августдаги 416-сон қарори билан вазирлик ва идораларда ташкил этилган ички аудит хизматларининг мақсади, вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда уларнинг фаолиятини ташкил этишнинг умумий қоидаларини белгиловчи Вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизмати тўғрисида намунавий низом тасдиқланди.

Шунингдек, давлат молиявий назоратида фуқаролар иштирокини ошириш ҳамда жамоатчилик назоратининг янги механизмини йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 10 июндаги 326-сон “Фуқаролар иштирокидаги аудит ўтказиладиган объектни аниқлаш ва давлат молиявий назорати органлари фаолияти самарадорлигини жамоатчилик томонидан баҳолаб бориш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори билан фуқаролар иштирокидаги аудит тизими яратилди ҳамда амалиётга жорий этилди.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 13 февралдаги 62-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси ва ички аудит хизматлари ходимлари малакасини сертификатлаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Ушбу Низом билан ички аудит миллий малака сертификатини олиш учун талабгорларга қўйиладиган малака талаблари, малака имтиҳонини ташкил этиш, ўтказиш ҳамда малака сертификатини бериш, муддатини узайтириш ва қайта расмийлаштириш ҳамда ички аудит миллий малака сертификатига эга ходимларнинг малака ошириш курсини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби белгиланди.

Шу билан бирга низомга мувофиқ давлат молиявий назорати инспекцияси ва ички аудит хизматлари ходимлари малакасини сертификатлашни ташкил этиш ва уларнинг малакасини ошириш тизими йўлга қўйилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 14 августдаги 377-сон қарори билан Вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолаш тартиби тўғрисида низом тасдиқланди.

Ушбу низом билан Иқтисодиёт ва молия вазирлигини томонидан вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолаш ва такомиллаштириб бориш тартиби белгиланди.

Бундан ташқари, Жаҳон банкининг “Институционал салоҳиятни ошириш” лойиҳаси доирасида PriceWaterhouseCoopers(PWC) халқаро консалтинг компанияси хорижий экспертлари билан биргаликда Ички аудитнинг миллий стандартлари (2022 йил 24 октябрда 3394-сон билан Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтказилди) ва Ички аудит тадбирларини ўтказиш қўлланмаси (2022 йил 27 декабрда 3406-сон билан Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтказилди) ишлаб чиқилди.

Ички аудит миллий стандартлари билан ички аудит фаолиятининг асосий тамойиллари, ички аудит хизматининг мустақиллиги, ички аудит хизмати фаолияти сифатини таъминлаш ва ошириб бориш ҳамда ички аудит тадбирларини ўтказиш билан боғлиқ талаблар белгиланди.

Ички аудит тадбирларини ўтказиш қўлланмаси билан ички аудит тадбирларини хавф таҳлили асосида режалаштириш, ўтказиш, натижалар юзасидан ҳисобот расмийлаштириш ҳамда таклиф ва тавсияларнинг бажарилишини мониторинг қилиш тартиби белгиланди.

Ички аудит хизмати ходимларининг билим ва малакасини ошириш, ички аудит фаолиятига оид қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалиётга жорий этиш мақсадида миллий ва хорижий экспертларни жалб этган ҳолда семинар-тренинглар ўтказилди. Шунингдек, вазирлик ҳузуридаги Ўқув марказида ички аудит хизмати ходимлари учун малака ошириш курслари ташкил этилди.

Шу билан бирга, давлат секторида ички назорат ва ички аудит тизимини ривожлантириш бўйича 2024 - 2026 йилларда қуйидаги ишларни амалга ошириш режалаштирилмоқда:

а) Давлат секторида ички назорат тизимини ривожлантириш бўйича:

Жаҳон банкининг “Институционал салоҳиятни ривожлантириш лойиҳаси” доирасида Pricewaterhousecoopers (PWC) халқаро консалтинг компанияси билан биргаликда халқаро илғор амалиёт асосида мамлакатимиз вазирлик ва идораларининг ички назорат тизимини баҳолаш орқали “Ўзбекистонда ички назоратни ривожлантириш концепцияси” ва уни амалга ошириш “Йўл харитаси” ҳамда вазирлик ва идораларда ички назоратни ташкил этишнинг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини белгиловчи “Ички назоратни ташкил этиш қўлланмаси” лойиҳасини ишлаб чиқиш.

б) Вазирлик ва идоралар ички аудит фаолиятини услубий таъминлаш бўйича:

Давлат секторида ички аудит тизими қонунчилик асосларини мустаҳкамлаш, бирлаштириш ва тизимлаштириш мақсадида “Давлат ички аудити тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш;

Мазкур қонун билан қуйидагилар назарда тутилади:

- давлат ички аудитининг асосий тамойиллари ва ички аудит соҳасидаги ваколатлар;

- ички аудит хизматининг мақоми, ташкил этилиши, мақсади, вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда ҳисобдорлиги;

- ички аудит хизмати ходими мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларни сертификатлаш ва малакасини ошириш;

- ички аудит хизмати фаолиятини ташкил этиш, фаолиятга ахборот технологияларни жорий этиш;

- ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолаш ҳамда уларнинг бошқа давлат органлари билан ҳамкорлиги;

- ички аудит хизмати фаолиятини такомиллаштириш.

в) Ички аудит хизматлари фаолиятини ривожлантириш ва ходимлар салоҳиятини ошириш бўйича:

- вазирлик ва идоралар ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолашни ташкил этиш.

Бунда вазирлик ва идоралар ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолашни амалиётга жорий этиш орқали тегишли норматив ҳужжатларга амал қилинишини таъминлаш ҳамда фаолиятни янада такомиллаштириш чоралари кўрилади.

- вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизматлари фаолиятини тартибга солувчи қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун моҳиятини вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизматлари ходимларига етказиш мақсадида, халқаро ва миллий даражадаги семинарлар, давра суҳбатлари ҳамда тренинглар ташкил этиш.

г) Ички аудит фаолиятига ахборот технологияларини жорий этиш орқали фаолиятни автоматлаштириш бўйича:

Ички аудит хизматлари фаолиятини рақамлаштириш, ҳисоботларни шакллантириш, жамлаш ва юбориш, сертификатлар реестрини юритиш, масофавий аудит ўтказиш ҳамда ташқи баҳолаш натижаларини қамраб олувчи “Ички аудит” дастурини яратиш.

д) Ички аудит хизматлари фаолиятини институционал ривожлантириш бўйича:

- вазирлик ва идораларда ички аудит хизматларини ташкил этиш шакллари, минимал нормативлари ва мезонларини ўз ичига олувчи норматив – ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.

Бюджетномага
1-илова

Ўзбекистон Республикасининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари

		2022 йил (амалда)	2023 йил (кутилаётган)	2024 йил (прогноз)	Мўлжал	
					2025 йил	2026 йил
1	**Доимий ўртача аҳоли сони, млн киши**	**35,7**	**36,4**	**37,1**	**37,8**	**38,6**
2	**Ялпи ички маҳсулот, млрд сўм**	**888 342**	**1 061 184**	**1 301 759**	**1 540 547**	**1 725 969**
	ўтган йилга нисбатан, фоизда	*5,7*	*5,6-5,8*	*5,6-5,8*	*6,2*	*6,4*
	саноат *(қўшилган қиймат)* **, млрд сўм**	**220 704**	**264 078**	**327 385**	**393 166**	**448 217**
	ялпи ички маҳсулотдаги улуши, фоизда	*26,7*	*26,0*	*26,3*	*26,7*	*27,1*
	ўтган йилга нисбатан, фоизда	*5,2*	*5,5-6*	*6,0*	*7,6*	*7,5*
	қурилиш *(қўшилган қиймат)* **, млрд сўм**	**55 523**	**66 871**	**83 559**	**100 682**	**114 730**
	ялпи ички маҳсулотдаги улуши, фоизда	*6,7*	*6,6*	*6,7*	*6,8*	*6,9*
	ўтган йилга нисбатан, фоизда	*6,6*	*6,0*	*6,3*	*7,2*	*7,3*
	қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжаликлари *(қўшилган қиймат)* **, млрд сўм**	**208 453**	**244 874**	**293 503**	**332 751**	**364 326**
	ялпи ички маҳсулотдаги улуши, фоизда	*25,2*	*24,1*	*23,6*	*22,6*	*22,0*
	ўтган йилга нисбатан, фоизда	*3,6*	*3,7*	*4,0*	*4,1*	*4,1*
	хизматлар *(қўшилган қиймат)* **, млрд сўм**	**343 374**	**439 479**	**541 421**	**648 368**	**725 637**
	ялпи ички маҳсулотдаги улуши, фоизда	*41,5*	*43,3*	*43,5*	*44,0*	*43,9*
	ўтган йилга нисбатан, фоизда	*8,5*	*6,5*	*6,1*	*6,4*	*6,7*
3	**Инфляция**, *ўтган йил якунига нисбатан, фоизда*	**12,3**	**9-10**	**8-10**	**7,5-8,5**	**5-7**

Бюджетномага
2-илова

2023–2024 йиллар учун Давлат бюджети даромадлари

млрд сўм

	2023 йил (кутилаётган)		2024 йил (прогноз)	
	сумма	ЯИМга нисбатан, *фоизда*	сумма	ЯИМга нисбатан, *фоизда*
ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ	**1 061 184**		**1 301 759**	
КОНСОЛИДАЦИЯЛАШГАН БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИ, ЖАМИ	**322 454**	**30,4**	**375 047**	**28,8**
I. Давлат бюджети даромадлари	**233 600**	**22,0**	**270 623**	**20,8**
шундан:				
1. Бевосита солиқлар – жами	**73 264**	**6,9**	**85 611**	**6,6**
1.1 Фойда солиғи	40 878	3,9	44 283	3,4
1.2 Айланмадан олинадиган солиқ	2 767	0,3	2 851	0,2
1.3 Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	29 619	2,8	38 477	3,0
2. Билвосита солиқлар – жами	**85 933**	**8,1**	**111 620**	**8,6**
